

677  
Г-21

Т.А.ФАНИЕВ

ТҮҚИМАЧИЛИК  
САНОАТИДА МЕХНАТ  
МУХОФАЗАСИ




697

Г-21

Т. А. ФАНИЕВ

# ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
маҳсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари  
учун дарслик сифатида тавсия этган



Тошкент  
“ЎЗБЕКИСТОН”  
1995

61.9(2)248  
F 21

Тақризчилар: Техника фанлари номзодлари, профессорлар **Ш. Р. Марасулов,**  
**О. Қ. Құдратов**

Мұхаррір: З. Ахмаджонова

F 21 Фаниев Т. А.

Тұқымачилик саноатида мәжнат мұхофазаси: Олий үқув юрт. учун дарслік.— Т.: Ўзбекистон, 1995.— 149 б.

65.9(2)248

Дарслікте тұқымачилик корхоналарыда мәжнатпен мұхофаза қишининг умумий ва маңсус масалалари, мәжнат қонунчилігі асослари, ұқықиін ташкилий масалалар, мәжнат гигиенаси ва саноат санитарияси, хавфсизлик техникаси асослари ва ёнгинга қарши кураш масалалари бағындырылған.

Тұқымачилик саноатининг йигирав, тұқыувилик, пардоzлаш жараёнларыда ва машиналарни созлаш пайтида хавфсизлик табиғаттары чуқурроқ ёритилади.

Дарслікте тұқымачилик саноати хом ашёлары ёнгии хавфи буйнча баҳоланади, йигирав, тұқыувилик ва пардоzлаш фабрикаларыда ёнгиннинг олдини олиш ва ёнгин пайтида инциденттердің эвакуация қылмын табиғаттары иштеп чықылады.

Дарслік олий үқув юртларының тұқымачилик саноати барча ихтисослары талабалари учун мүлжалланған, үндән корхоналарының мұхандис-техник ходимлари ҳам фойдаланышлари мүмкін.

ISBN 5-640-01740-6

1000200000—80 94  
M (04) 351—94

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1995 ы.

Ушбу китобни мұхтарама волидам  
Хамрохон ая Саидазим қызининг порлоқ хо-  
тирадыра багишлайды.

Муаллиф

## КИРИШ

Мәжнат мұхофазаси иш жараённанда инсоннинг мәжнат қонунчилігін, соглигини ва хавфсизлегин таъминлаш учун пәннегердің қонунлар мажмуси, социал-иктисодий, ғашылжыл, техник, гигиеник, профилактика табиғаттарындағы мәжнат мұхофазаси, ишлаб чықарылған гигиенаси, мәжнат психологиясы, умумий мұхандислик, ёнғин техники, өргөнөмектика, мұхандислик, саноат эстетикаси ва биомедициналық таралып табылған табиғаттардың мәжнат мұхофазаси.

"Мәжнат мұхофазаси" курси ижтимоий-хуқуқиін масалаларынан үзүннен ичига олган мұхандислик фаны бўлиб, классик фанлар бўлмиш физика, кимё ва математика билан бирга амалданып мәжнат гигиенаси, ишлаб чықарылған санитарияси, мәжнат психологиясы, умумий мұхандислик, ёнғин техники, өргөнөмектика, мұхандислик, саноат эстетикаси ва биомедициналық таралып табылған табиғаттардың мәжнат мұхофазаси.

Бу фаннинг методологияк асоси-мәжнат шароитини, технологиялық жараённин, ажралиб чықадиган заарларни тақдуданышиш вақтида пайдо бўладиган хавфли вазиятларини илмий таҳлил қилишадир. Бу таҳлил асосида ишлаб чықарылғандағы хавфли жойлар, содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар аниқланади, уларнинг олдини олиш ва иштеп чыгаралари ишлаб чықлади. Бу масалаларнинг мәжнат мұхофазаси үзаро боғланган ҳолда, келажак режаларини иштеп чыгарып олган ҳолда күрилади.

Мәжнат мұхофазаси курси тўрт бўлимдан иборат: мәжнат қонунчилігі, мәжнат гигиенаси ва саноат санитарияси, хавфсизлик техникаси, ёнғин ва портлаш хавфсизлегин таъминлаш.

Мәжнат қонунчилігі ҳуқуқиін мөъёрлар мажмуси бўлиб, ишпен ва хизматчиларнинг мәжнат муносабатларини бошқарыб тұрады. Мазкур дарслікте мәжнат мұхофазасига тегишли мәжнат қонунчилігінин асосий қисми келтирилган.

Мәжнат гигиенаси ва саноат санитарияси-ташкилий табиғаттарындағы жағдайлар мажмуси бўлиб, кассий масалаларга ва заҳарланишига олиб келувчи табиғаттарни көмайтириши ва бутунлай бартараф қилишга қаратилған.

**Хафсиалик техникасы** — ишчиларни хавфли ишлаб чиқарып омиллари (жарохаттар, авария, ёғии, портлаш ва ҳ. к.) таъсиридан араб қолиш на мәхарланишига олиб келүвчи тадбирларни кимайтиришиң қаралылган техник поситалар на ташкилий чоралардир.

Ёғии на портлаш хавсиалиги — корхонада ёнгин чиқишининг олдини олиш ёки бўлгандага ҳам уларнинг хавфли таъсирини камайтириш на халқ мулкини саклашни таъминлашга хизмат қиласди.

"Меҳнат муҳофазаси" курсининг мақсади — меҳнат хавсилигининг муҳандислик ва илмий асосларини биладиган, хавфли вазиятлар туғилганда уларни амалда қўллай оладиган, меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, жароҳатларни, касбий касаллик, авария, ёнгин ва портлашларнинг олдини ола биладиган муҳандис тайёрлашдир.

Курснинг вазифаси хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини, уларнинг инсон соғлиғига таъсири на мазкур хавфли моддаларни ўлчаш на тадқиқ қилишнинг замонавий усуллари на улардан самараали ҳимояланиш тадбирларини ўрганишдан иборатлар. Шу билан бирга "Меҳнат муҳофазаси" ижтимоий фан ҳам ҳисобланади, чунки меҳнат шароити аксарият ҳолларда корхонанинг меҳнат интизомини, кадрлар қўнимини, жамоадаги руҳий иқлимини на иқтисодий курсаткичларни ифодаловчи омиллар.

Ушбу дарслик олийгоҳларда тўқимачилик мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабаларга "меҳнат муҳофазаси" дан сабоқ бериш мақсадида ёзилди. Ундан тўқимачилик саноати корхоналарида ишловчи меҳнат муҳофазаси муҳандислари ва раҳбар муҳандис-техник ҳодимлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

## *1-боб*

# **МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР**

### **1.1. МЕҲНАТ ҲАҚИДА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ**

Меҳнаткашларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, хавфсиз иш шароитлари яратиб бериш, касбий касалликларни ва ишлаб чиқариш жароҳатларини йўқотиш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг асосий фамхўрликларидан бири-дир.

Меҳнат қонунчилиги кодексида аёллар месҳнати, ёшлар месҳнати, колектив шартнома, иш вақти, иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси соҳасида назорат қилиш ва бошқа масалалар мужассамлаштирилгандир. Шу масалалар амалдаги меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасида ҳам ёритилган. Корхона ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ҳаво мұхитининг chanгlаниш ва газланиши, шовқин, титраш, нурланиш ва месҳнатнинг бошқа зарапли томонларини камайтириш ҳамда бартараф этиш учун ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштиришни тадқиқ этиш юклатилган.

Дастгоҳ, машина ва механизмлар лойиҳалари хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига жавоб бериши керак. Бирорта янги машина, дастгоҳ ёки механизм месҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермаса, ишлаб чиқаришга жорий қилинмайди. Бунга меҳнат қонунчилигига алоҳида аҳамият берилган.

Корхона маъмурияти месҳнат муҳофазаси тадбирларини режалаштириши, моддий таъминлаши зарур. Айни пайтда ишчи ва хизматчиларни йўриқномалар билан таништириши ва уларни ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя қилишларини таъминлашлари лозим.

Меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасида янги технологик жараёнларни, машина-ускуналарни лойиҳалашда ва корхоналарни қайта таъмирлашда месҳнат муҳофазаси талаблари бажарилишига алоҳида эътибор берилади.

Меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб беролмайдиган корхоналарни ишга тушириш учун рухсат берилмайди. Соғлом ва хавфсиз иш шароитлари яратилмаган цех, бўлим ёки корхонанинг ишга туширилиши тақиқланади. Янги ва қайта таъмирланган ишлаб чиқариш обьектларини фойдаланишга топшириш, давлат санитарияси ҳамда техник назорати ва корхонанинг касаба уюшмаси қўмитаси томонидан рухсат берилмагунига қадар тақиқланади.

Меҳнат муҳофазаси қонунчилигида қўйидагилар кўрсатилгандир:

— корхоналарда меҳнатни муҳофaza қилишни ташкил этиш қоидалари, уни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш;

— хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари, шу билан бирга касбий касалликлар ва ишлаб чиқариш жароҳатларидан сақланиш шахсий воситалари, зарарли иш шароитлари учун товон тұлаш;

— аёлларнинг, ёшларнинг ва меҳнат имкониятлари чекланганларнинг меҳнатини муҳофaza қилиш қоида ва месъёрлари;

— меҳнат муҳофазаси соҳасида давлат ва жамоат назорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қоидалар;

— меҳнат муҳофазаси қонунлари бузилганда қўлланиладиган жавобгарлик.

Ҳар йили корхона маъмуряти билан жамоа орасида меҳнат шароитини яхшилаш, иш ҳақи, дам олиш вақти ва бошқа ҳуқуқ масалалари ҳақида шартнома тузилади.

Жамоа шартномасининг бажарилишини корхона касаба уюшмаси қўмитаси маъмурият билан бирга бир йилда икки-уч марта текшириб туради. Текшириш натижалари ишчи ва хизматчиларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинади.

1993 йилда Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазаси тўғрисида қонун қабул қилинди. Унда Ўзбекистон фуқаролари ва чет эллик фуқаролар ҳам меҳнат фаолияти жараённада ҳаёти ва соғлигини муҳофaza қилиш ҳуқуқига оғайдирлар, дейилади.

Унда инсон ҳаёти ва соғлиги ишлаб чиқариш натижаларидан юқори қўйилади. Меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирорта лойиҳа, янги ёки таъмирланган

жархона, цех, машина, ускуна ёки дастгоҳни ишга  
түшсүзлүгү рухсат этилмайды. Ишловчилар ҳәётига хавф  
түшсүзлүгүн шундай объектлар дарқол тұхтатиб қўйи-  
лди.

Дар бир корхона ҳар йили жамоа шартномасига  
мөхнат мөхнат муҳофазасига маълум миқдорда маблағ  
ағратылды. Зааралы ва хавфли иш шароитлари мавжуд  
корхона ёки цехларда ҳар бир ишчини бепул махсус  
жархона, коржома ва шахсий ҳимоя воситалари билан  
түзүлдүн күнде тутилган.

Ишловчилар сони 50 кишидан ортиқ бўлган барча  
корхоналарда мөхнат муҳофазаси хизмати (муҳандис ла-  
бораторий жорий қилинади. Барча янги ишга кирастганларни  
ишидан ўтказилганларни хавфсиз иш усусларирига  
даистлабки ёрдам усусларирига ўқитилади. Хавфли иш  
факторига ишга олинастган ҳолларда уларни махсус  
имтиҳон олиш ва билимларини синаб туриш күнде  
тутилган. Шу билан бирга, иш фаолиятини қисман ва  
түтүлдүй юқотган ишчи ёки хизматчига жамоа шартно-  
масига түркестилганидеск бирварақайига бериладиган нафақа  
абдуррауичининг камидаги ўртача бир йиллик маоши миқдо-  
рини булиши керак. Ўлим билан тугаган бахтсиз ҳоди-  
ғалирида бу қиймат жабрланувчининг камидаги 10 йиллик  
маоши миқдорида булиши күнде тутилган.

### 1.1 МӨХНАТ МУҲОФАЗАСИГА АМАЛ ҚИЛИНИШИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ЭТИШ

Аннадати "Мөхнат ҳақидаги қонунчилик асослари" га  
мөхнатни муҳофaza қилиш ва мөхнат ҳақидаги  
қонунчиларни назорат қилиш қуйидаги давлат ва жамоат ташки-  
лилари томонидан олиб борилади.

Давлат көн назорати — Вазирлар Маҳкамаси  
ташкил қилинган бўлиб, қарамоғида тармоқ қўмита  
ва мөнбетчиликлари мавжуддир. Қўмиталар таркибида махсус  
ишлари, газ ишлари ва атом қувватидан фойдаланиш  
тозоқчилари бўлиб, улар ўз назоратчилари орқали буғ  
жоннадарининг, босим остида ишлайдиган ускуналарнинг,  
енгизилган тағъудирилган баллонларнинг, юқ кўтариш

(кран, лифт) машиналарининг, экскаваторларнинг тұғрива хавфсиз ишлашини назорат қилиб туради.

Давлат санитария назорати — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил қилинади. Назоратнинг бу тури корхоналарда касбий касаллукларнинг олдини олиш, тупроқ, ұаво, ер ости ва усти сув ұавзаларини ишлаб чиқаришнинг заарарлы чиқындиларидан сақлаш, шовқиннинг таъсирини камайтириш ва шунга үхшаш масалалар билан шүгүлланади. Санитария назорати санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари орқали олиб борилади.

Давлат энергетика назорати — Энергетика вазирлиги корхоналардаги энергетик системаларни техник жиҳатдан эксплуатация қилиш, хавфсизлик техникасига риоя қилиш борасида иш олиб боради.

Давлат ёнғин назорати — Ички ишлар вазирлиги қошида ташкил қилиниб, корхоналарда ёнғинга қарши ишларни уюштиради, үт үчирувчи ускуналарнинг ишга яроқлилигини назорат қиласи, ёнғинга қарши курашиб йўриқномаларига риоя этилишини қузатиб боради. Бу ходимларга цехларни, омборларни, биноларни ва корхоналарни назорат қилиш ҳуқуқи берилган. Агар у ерларда ёнғин чиқиш хавфи мавжуд бўлса, бунда корхона, цех ва бўлим иши қисман ёки тўлиқ тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Давлат касаба уюшмаси назорати — касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ҳамда жумҳурият ва вилоят назоратчилари томонидан амалга оширилади.

Бу ташкилотларнинг техник назоратчиларига корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қарор, қоида ва йўриқномаларни, саноат санитарияси ва меҳнат қонунчилигини назорат қилиш топширилган.

Жамоат касаба уюшмаси назорати — корхона, цех ва бўлимларда умумий мажлисда сайланган меҳнатни муҳофаза қилиш жамоат назоратчилари томонидан амалга оширилади. Улар корхоналарда меҳнат қонунчилигини, хавфсизлик техникаси талабларини ва саноат санитарияси қонунларининг бажарилишини ҳамда жамоа шартномаларининг бажарилишини, меҳнатга бериладиган иш ҳақи тўғрилигини назорат қиласидилар. Меҳнат муҳофазаси тадбирлари режаларини тузадилар.

Мөднини мұхофаза қилишда бошқарма назорати тар-  
шы, визирліктердиннің мәжнатни мұхофаза қилиш бү-  
лімдері орқали амалға оширилади.

Шулардан ташқари тұқымачылық корхоналарда мәжнат  
мұхофазасының уч поғонали назорат усули құлланади.  
Цең үстаси ҳар күн жамоат назоратчеси билан  
шамма иш жойларини күриб чиқади ва йүл құйилған  
тұзатындарни тузатиш тұғрисида күрсатмалар беради.  
Бағылғы ҳам ҳафтада бир марта шундай назорат  
шаманды да тегишлиchorалар күрилади. Ҳар ойда бир  
шамда корхона баш мұхандиси хавфсизлик техникаси  
мұхандиси билан биргаликда шундай назорат үтказадилар.  
Назорат нағијасыда аниқланған камчиликтарни тузатыш  
шамында буйруқ чиқарылади.

Халыма корхоналарда, ташкилотларда, вазирлікларда ва  
назорат ташкилотларыда уларнинг раҳбарлари томонидан  
мәжнат мұхофазаси Қонунлари бажарылышининг олий  
шеберлік жүмхурият Баш Прокурорига юқлатылған.

Корхоналарда бевосита мәжнат мұхофазасини ташкил  
шамында да үннің бажарылышини назорат қилиш мәжнат  
мұхофазасы бүлімінде юқлатылған. Бу корхона таркибидаги  
шамандылардың бүлім ҳисобланиб, бевосита корхона раҳбарига  
баш шамында мұхандисга бүйсунади.

Корхоналарнинг мәжнат мұхофазаси бүліми корхонада  
шеберлік касиеттіліктерни ва жароҳатларни олдини олиш,  
шеберлік соглом да хавфсиз иш шароитларини яратыш  
шамында жүнбіргердір.

Бүлім үз ишини касаба құмитаси, техник назорати ва  
шеберлік даисат назорат ташкилотлари билан биргаликда  
шеберлік шароитларнан башқа бүлімдері билан боғланған ҳолда  
шеберлік реда асосида олиб боради.

Үннің мәдениеттіліктерінің мәжнат мұхофазасы:

Шеберлік даисат иш шароитларини яратыш, жароҳат  
шеберлік касиеттіліктерни келтириб чиқарылған омылларни  
шеберлік қилиш; илғор тажрибаларни, стандартлар тизи-  
мдерін да мәжнат мұхофазаси бүйіча илмий тадқиқотлар  
шеберліктерни жорий қилиш. Мәжнат шароитини яхшилаш  
шеберлік комплекс ресека ишлаб чиқыш да уни мунтазам  
шеберлік шароитларни. Бүлім ходимлари ишлаб чиқарып үстен  
да ОУ шеберліктернің фойдаланышига қабул қабыл өлиш комис-  
сиясында қартиналади, йүл-йўриқтар да корхонада мәжнат

муҳофазаси бўйича ўқув ишларини ташкил қиласди. Муҳандис-техник ва хизматчи ходимларни меҳнат муҳофазаси қоида, месъёр ва йўриқномалари бўйича бўлимларни текшириш учун ўтказиладиган аттестация комиссиясида қатнашади. Ишчи ва ходимларнинг меҳнат муҳофазасига тегишли хат, ариза ва шикоятларини кўриб чиқади ва тегишли чоралар кўради. Белгиланган шаклларда ҳисобот тайёрлади.

Меҳнат муҳофазаси бўлими ва унинг ходимлари қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— корхонанинг барча бўлимларида меҳнат шароитини текшириш ва аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича кўрсатма бериш. Кўрсатмани бажариш бўлим бошликлари учун мажбурийдир. Уни фақат корхона раҳбари ёки бош муҳандис ёзма бўйруқ билан бекор қилиши мумкин;

машина, ускуна ёки бирор бажарилаётган иш ишчиларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдирса ёки аварияга олиб келиш хавфи мавжуд бўлса, булардан фойдаланиш тақиқлаб қўйилади ва бундан корхона раҳбари хабардор қилинади;

— корхона бўлимларидан меҳнат муҳофазасига тегишли материалларни сўраш, меҳнат муҳофазаси қоида, йўриқнома ва месъёларини бузган шахслардан ёзма равиша тушунтириш хати талаб қилиш;

— бўлим ва цех раҳбарларидан ушбу ишга рухсати бўлмаган ёки меҳнат муҳофазаси қоида ва йўриқномаларига амал қилмаган шахсларни ишдан четлатишни талаб қилиш;

— соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратишда фаол қатнашган айрим ходимларни тақдирлаш тўғрисида ҳамда шу билан бирга меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва месъёлар бузилишида айбдор бўлган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида корхона раҳбарига тақлифлар киритиш.

Бўлим ўз ишида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, юқори ташкилотларнинг бўйруқларига, меҳнат муҳофазаси бўйича месъерий ҳужжатларга, Вазирликнинг бўйруқ ва кўрсатмаларига, юқори касаба уюшмаси ташкилотлари қарорларига ҳамда корхонанинг бўйруқ ва кўрсатмаларига асосланади.

## 1. 3. МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКЛАР

Меҳнат қонунлари бузилгандан, ишлаб чиқариш санитарияси ва хавфсизлик техникаси қоидалари бузилгандан ёки фамилия шартномалари бажарилмаган, касаба уюшмалари филиалдигы түсқинлик қилинган ҳолларда маъмурий шахслар жавобгарликка тортиладилар. Қилинган хатонинг дағестани қараб уларга интизом жазоси, маъмурий жазо, мөлчий жадо, жиноий жавобгарлик ва жамоат жавобгарлиги қўлланилиши мумкин.

Интизом жазоси, уялтириш, танбек бериш, хайфсан бериш, уч ой муддатгача кам ҳақ тўланадиган ишга туртиш, давозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш юқори ташкилотлар ёки мансабдор шахслар томонидан қўлланилади.

Маъмурий жазога меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонун, қонуна ва йўриқномаларни бузган, ёнгин хавфсизлиги ташкилотларига риоя қилмаган мансабдор шахслар назорат ишлаборлари томонидан жарима солиш йўли билан тортилади.

Мөлчий жавобгарлик — мансабдор шахснинг ўз фаолиети давомида корхона, ишчи ёки хизматчига етказган юбориётни зарарини тўлаши демакдир. Мансабдор шахс ишчи юборимини қонунга хилоф равишда ишдан бўшатса ёки қонуна ҳойга кўчирса, суд қарорига биноан, етказилган юбориётни зарар ундан ундириб берилади.

Жиноий жавобгарлик жумҳурият жиноят кедексида иштирек тутилган. Бу жавобгарлик тури, меҳнат муҳофазаси қонунларининг бузилиши, жиноий ҳаракатлар мансабдорлари булгандан қўлланилиади. Бунда мансабдор шахсларни шашни бўшатиш, ахлоқ тузатиш ишларига юбориш ва бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ташкилотлари қўлланилиши мумкин. Бунда маъмурий ва техник ташкилотларининг меҳнат муҳофазаси қонунларини, техника ташкилотини қоидаларини, ишлаб чиқариш санитарияси ташкилотини билмасликлари инобатга олинмайди.

Маъмур жавобгарлиги корхона жамоасининг ўртоқлик ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари қарорлари билан белгиланади.

Түсқинчилик корхоналарида ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат муҳофазаси ҳолатлари учун жавобгарлик

корхона директори, бош мұхандиси, уларнинг ўринбосарлари, бош механик, бош энергетик, фабрика мудирлари, цех бошлиқлари ва смена усталарига юкландади.

#### 1. 4. МЕХНАТ ШАРОИТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

##### 1. 4. 1. Ишлаб чиқариш жароқатлари ва касбий касалликлар

Жароқат деб ташқи мұхит таъсирида киши танасининг бекосдан шикастланишига айтилади.

Жароқатлар — ишлаб чиқариш жароқатлари ва майший жароқатларга бўлинади.

Корхонада ишчи томонидан хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинмаганда олинган жароқатларга ишлаб чиқариш жароқатлари дейилади.

Ишлаб чиқариш жароқатлари таъсир турига қараб, механик (масалан, уриб олиш, кесиб олиш, майиб булиш ва бошқалар), иссиқлик (куйиш ва музлаш), кимсвий (кимёвий куйишилар), электр (электр зарбалари), мураккаб (икки ва ундан ортиқ жароқат турларининг бирга келиши) хилларига бўлинади.

Ишлаб чиқаришда содир буладиган жароқатлар икки турга — ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва иш билан боғлиқ жароқатларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жароқатларга ишчи ёки ходимларни корхонада ёки ундан ташқарида хизмат вазифаларини бажариш пайтида рўй берган жароқатлар киради. Бу гуруҳга яна корхона транспортида ишга кетаётганда ёки қайтаётганда ёки шу транспортни бошқараётганда олинган жароқатлар киради.

Иш билан боғлиқ бўлган жароқатларга — ишга кетаётганда, ёки қайтаётганда ва корхона ҳудудида ўз иш вазифасидан бошқа ишларни бажараётганда олинган жароқатлар киради.

Майший жароқатларга иш билан боғлиқ бўлмаган барча ҳодисаларда олинган жароқатлар киради.

Булардан ташқари, тўқимачилик корхоналарида касбий касалликлар ва заҳарланишлар бўлиши мумкин.

Касбий касалликлар ишчиларга зарарли иш шароитларининг таъсири натижасида ҳосил бўладиган касалликлар-

тири. Заарли иш шароитлариға ёмон (нобоп) иқлим шароитлари, иш жойларида заҳарли чангларнинг мавжудиги, месъердан ортиқ шовқин ва титраш, атмосфера бошмининг месъеридан ошиши, ёритилганликнинг старли пулмаслиги ва бошқалар киради.

Юқорида айтилган зарарли иш шароити ишчиларнинг иш шароитга мослашувини талаб қилиб, бу эса уларнинг төр чарчашига, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

## 1, 4, 2. Жароҳатлар, қасбий қасалликлар ва заҳарланишларнинг асосий сабаблари

Тұқимачилик корхоналарда учрайдиган жароҳатлар, қасбий қасалликлар ва заҳарланишларнинг сабаблари жуда салма қилдир. Уларни асосан түрт гурұға: ташкилий сабаблар, гигиеник сабаблар, техник ва руҳий-физиологик сабабларға бўлиш мумкин.

### Ташкилий сабаблар:

- динфсизлик техникаси, саноат санитарияси ва ёнғин буйича йўриқноманинг умуман ўтказилмаганлиги ёки сифатсиз ўтказилганлиги;
- иш жойларининг нотўри ташкил этилганлиги, корхоналарнинг ва шахсий ҳимоя воситаларининг шу иш фиблинига мос келмаслиги;
- иш жойлари, йўлак ва транспорт йўлларининг тұзудың қолиши;
- сабабларни ва конструктив элементларни чангдан си-  
фатни тоzалаш;
- ластоҳ ва машиналарни созлаш жадвалларининг үзүнлигини;
- мос келмайдиган асбоб ва ускуналарни қўллаш;
- меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қоида ва йўриқнома-  
цини бузилиши;
- иш нақтидан ташқари ишлаш;
- меҳнат муҳофазаси тадбирларини тарғибот ва таш-  
видот қилиш ишларининг сустлиги.

### Гигиеник сабаблар:

- оқава сувлардаги ва ҳаводаги заарарли моддаларнинг юқори концентрацияси мавжудлиги;
- нобоп иқлим шароитлари;
- ёритилганликнинг етарли эмаслиги ёки уларнинг ноқулай ўрнатилганлиги;
- цехларда шовқиннинг мөттөридан ортиқ бўлиши;
- санитария-маиший хоналарнинг стишмаслиги ёки уларнинг ёмон ҳолатда сақланиши;
- ҳар бир ишчига тўғри келиши керак бўлган майдон ва ҳажм бўйича қурилиш месъсрларининг бузилиши;
- ишчи ва хизматчиларни тиббий кўриклардан ўтказиш жадвалининг бузилиши ва бошқалар.

### Техник сабаблар:

- Машина ва ускуналарнинг конструктив камчиликлари, яъни ускуналар конструкциясининг мукаммал эмаслиги, уларнинг цехда номаъқул жойлаштирилиши;
- ускуна ва механизмларнинг носозлиги;
- оғир ва сермеҳнат ишларнинг етарли механизациялаштирилмаганлиги;
- машина ва дастгоҳларнинг хавфли жойларининг тўсилмаганлиги ёки тўсиқларнинг нотўғри конструкция қилинганлиги, хавфсизлик тўсиқлари қилинмаганлиги;
- машина ва ускуналарни цехларда жойлаштириш месъсрларининг бузилганлиги;
- асбоб ва ускуналарнинг мукаммал эмаслиги ёки уларнинг носозлиги.

### Руҳий-физиологик сабаблар:

- ишнинг оғирлиги ва зўрма-зўракилиги;
- ҳаддан ортиқ чарчаш;
- ишнинг монотонлиги (бир хилдаги);
- зийракликнинг пасайиши;
- ишни хавфсиз бажариш қоидаларининг бузилиши;
- ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг бузилиши;
- ишчининг психофизиологик сифатларининг бажараётган ишга мос келмаслиги ёки унинг носоғломлиги.

## 1.5. БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча бахтсиз ҳодисалар амалдаги "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тафтиш қилиш ва ҳисобга олиш ҳақида низом" иш кўрсатилгани бўйича текширилади ва ҳисобга олинади.

Корхонада бирор бахтсиз ҳодиса рўй берса, жабрланувчи иш биринчи кўрган гувоҳ бу ҳақда устага ёки цех бошлигига хабар беради. Уста воқсадан воқиф бўлгач, аудитор билан воқса содир бўлган жойга бориб, жабрланувчига дастлабки ёрдам кўрсатиш чораларини кўради, тобий хизмат пунктига ва цех бошлигига хабар беради. Ўш иложи борича воқса содир бўлган жой шароитини Унтартирмаслик чораларини кўради. Цех бошлиги бўлган ишни ҳақида корхона раҳбарига ва фабрика касаба уюшмаси қўмитасига хабар беради.

Хар бир бахтасиз ҳодиса цех бошлиги, хавфсизлик техникини муҳандиси ва катта жамоат инспектори қатнашуви тафтирилиб, З сутка давомида тўрт нусхада далолатни (Н-1 формасида) тузилмоғи шарт. Бу далолатнома ишроқида 45 йил давомида сақланади. Жароҳат сабабини билдиш учун бахтсиз ҳодиса сабаблари пухта ўрнотилини керак, чунки бу бахтсиз ҳодисаларнинг олдини имконини беради. Ўрганиш давомида ҳар бир бахтсиз ҳодисаларнинг моддий оқибати белгиланади. Текшириш натижаси кенг ёритилиши ва барча ишчиларнинг диққатини ёнаб қилиши керак, чунки бу ахборотлар шунга ўхшаш бўлганиш ҳодисаларнинг олдини олиш имконини беради. Бўлганиш ҳодисалар ҳақида корхона маҳсус (9—Т шаклида) ишни Унтартирмаслик ҳисботот тайёрлаб, юқори ташкилотларга — инженерликка, касаба уюшмаси кенгашига ва статистика инженерликка юборади. Тўрт меҳнат кунидан ортиқ кун Ҳудудишишига сабаб бўлган бахтсиз ҳодисалар ҳисбототга киритилади.

Оннинг бахтсиз ҳодисалар, яъни ишчининг ўлими ва бир неча шаммаларнинг баравар шикастланиши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар алоҳида ҳисобга олинади. Булар устага ёки цех бошлиги дарҳол корхона бош мөхаббатига ва фабрика касаба уюшмаси қўмитасига, улар телеграф ёки телеграф орқали, касаба уюшмаларининг

техник инспекторига, юқори ташкилотга ва туман әки шаҳар прокурорига ҳабар беради. Бу ҳодисани текширишди юқори ташкилот ходими ва касаба уюшмасининг техник инспектори қатнашади.

Текшириш иши тугагандан сүнг Н-1 формасида 8 нусхада далолатнома тузилади. Айни пайтда бир неча киши баҳтсиз ҳодисага дучор бўлса, ҳар бир жабрланувчи ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги кўрсатилиши скрак.

#### 1.6. ЖАРОҲАТЛАРНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Ишлаб чиқариш жароҳатлари — касбий касалликлар сабабларини аниқлашда ва уларнинг олдини олишда жароҳатларни ўрганишнинг статистик, топографик, монографик ва иқтисодий усулларидан фойдаланилади.

Статистик усул ҳисобот вақтида рўй берган баҳтсиз ҳодисаларнинг сабабларини аниқлашга асосланган. Бунда асос қилиб Н-1 формасида тузилган далолатнома на ишга лаёқатсизлик варақаси олинади. Бу усул жароҳатланишнинг умумий ҳолатини, унинг ўзгариб бориш жараёнини тадқиқ этишда, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва ҳолатларининг қонуниятларини ва улар орасидаги алоқаларни аниқлашда қўл келади.

Жароҳатланиш даражасини аниқлашда нисбий статистик кўрсаткичлар — частота коэффициенти ва оғирлик коэффициентидан фойдаланилади.

Жароҳатланишнинг частота коэффициенти  $K_{\chi}$  маълум календар вақт оралиғида (ой, квартал, йил) рўй берган ва 1000 кишига тўғри келган баҳтсиз ҳодисалар сонининг шу цехда ишловчиларнинг рўйхатдаги сонига нисбати билан ўлчанадиган катталик бўлади.

$$K_{\chi} = \frac{a}{b} \cdot 1000 \quad (1.1)$$

$K_{\chi}$  — частота коэффициенти,  
а — баҳтсиз ҳодисалар сони,

$b$  — ишловчиларнинг ўрта ҳисобдаги рўйхатдаги сони.  
Оғирлик коэффициенти  $K_o$  ҳар бир баҳтсиз ҳодисага  
ўрта ҳисобда олинган ишга яроқсизлик кунлари тўғри  
важишини кўрсатади:

$$K_o = \frac{c}{a} \quad (1.2)$$

$c$  — маълум вақт ичида бўлиб ўтган ҳамма баҳтсиз  
ҳодисаларнинг ишга яроқсизлик кунларининг йигиндиси.  
Шулаб чиқариш жароҳатланишининг сабаблари ва дина-  
микасидан ташқари бунда баҳтсиз ҳодисаларнинг шу  
турлари, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш факторлари,  
узворниг организмга таъсири характеристи ўрганилади. Шу  
билим билан бирга жабрланувчи ҳақида маълумот (касби, стажи,  
шарти ва бошқалар) ва баҳтсиз ҳодисанинг қачон ва қаерда  
бўлинилиги ҳақида маълумотлар берилади.

Топографик усул баҳтсиз ҳодисалар юз берган  
вайта иисбатан ўрганишидир.

Содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар цех режасига маълум  
белгилар билан мунтазам равишда қайд қилинади ва  
мунтазам муддат оралиғига (йил охирида, ҳар чоракда ёки  
ой охирида) қайси иш жойида энг кўп белгилар тўп-  
шингилигига қараб хавфли жой аниқланади. Шунга асосан,  
бу жой хавфли ҳисобланиб, у ердаги иш шароити  
сиптиклиб ўрганилиб профилактик тадбирлар қўлланилади.

Монографик усул баҳтсиз ҳодиса рўй берган иш  
вайни (машина, дастгоҳ, ускуна ва ҳ. к.) ҳар томонлама  
биттафесил тадқиқ қилишни тақозо қиласди. Масалан: бирор-  
бир машинанинг технологиясини, кинематикасини, хом ашё-  
таминоти, маҳсулотни олиш, электр таъминоти, машинани  
бошқариш ва бошқаларни тадқиқ қиласди.

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, фақатгина бўлиб  
уюти баҳтсиз ҳодисаларнинг сабаблари аниқланиб қолмас-  
дан, айни пайтда содир бўлиши мумкин бўлган баҳтсиз  
ҳодисаларнинг олдини олиш чоралари ҳам кўрилади.

Иқтисодий усул ишлаб чиқариш жароҳатлани-  
шини кўрилган зарарни аниқлашдан ҳамда баҳтсиз ҳо-  
дисаларнинг олдини олиш бўйича бажарилган тадбирлар-  
нинг социал-иктисодий самарасини баҳолашдан иборатdir.

Юқорида кўрсатилган усуллар жароҳатланиш ҳақида  
тўлиқ маълумот беради ва унинг олдини олиш чораларини  
оқидона ҳал қилишга ёрдам беради.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш тадбирларини ресжалаштиришнинг илмий асоси меҳнат хавфсизлигини олдиндан айтиб беришдир. Ҳозирги вақтда меҳнат хавфсизлигининг стандартлар системаси ишлаб чиқилган ва бунга риоя қилинади.

Меҳнат хавфсизлиги бўйича стандартлар системаси — технологик жараёнлар, машина ва ускуналарнинг хавфсизлик даражасини аниқлашнинг комплекс усулини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бу таққословчи баҳо хавфли ишлаб чиқариш қисмларини, иш жойларини аниқлаш ва технологик жараёнларни ва ускуналарни лойиҳалаш вақтида уларга аниқ талаблар қўйиш имконини беради.

#### 1.7. ЙЎРИҚНОМА ВА ХАВФЛИ ИШЛАРГА МАХСУС РУХСАТНОМА БЕРИШ

Корхона маъмурияти ҳамма иш жойларини ксракли техник ускуналар билан таъминлашга ва меҳнат муҳофазасига мос шароитни яратишга мажбурдир.

Меҳнат қонунчилигига корхонада меҳнатни ташкил қилиш директор ва бош муҳандисга юклатилган. Алоҳида бўлимлар бўйича жавобгарлик эса цех ва бўлим бошлиқларига юклатилган. Корхонада меҳнат муҳофазасини ташкил қилишни бошқариш бош муҳандис зиммасидадир.

Меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига маълум тартиб бўйича жиҳозлар ва маблағлар ажратилади. Бу маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш тақиқланган.

Корхоналарда ишчи ва хизматчиларни хавфсиз ишлаш усулларига ўргатиш ишларини тўғри ташкил қилиш жароҳатларнинг камайишига олиб келади.

Тўқимачилик корхоналарида қўйидаги йўриқнома турлари қўлланилади.

Кириш йўриқномасини ишга янги кирастганлар, командировкага келганлар ва практикага келган талабалар махсус жиҳозланган хонада ўтадилар. Бу йўриқномани меҳнат муҳофазаси муҳандиси ўtkазади. Бунда корхонадаги меҳнат муҳофазасининг ҳолати, ички тартиб-қоидлари, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгинга қарши ҳимоя воситалари билан таништирилади.

Дастлабки йўриқнома ҳамма ишга янги киравилар ҳамда бошқа цехдан ўтказилганлар билан иш ойида, уста ёки цех бошлиғи томонидан ўтказилади. Шунда машинада бажариладиган технологик жараёнлар, генинг хавфли жойлари ва хавфсиз ишлаш усууллари туратилади. Йўриқноманинг бу икки турини ўтмаган ишчилар ишга қўйилмайди.

Ишчининг йўриқномани қанчалик яхши ўзлаштирганини синаш ва билимини янада мустаҳкамлаш мақсади биринчи ўн кун давомида бу йўриқнома қайтадан ўтказилади.

Такрорий йўриқнома одатда тўқимачилик корпоратирида ҳар уч ойда уста ёки цех бошлиғи томонидан иш ойида ўтказилади. Айрим мутахассислик бўйича иш киравтерига қараб ҳар кварталда йўриқнома ўтказилиши шарт эмас, бу соҳаларда ҳар ярим йилда ўтказишга кортона касаба уюшмалари ижозати билан маъмурият томонидан рухсат берилади.

Навбатдан ташқари йўриқнома ўтказиш технологик жараён ўзгарганда, янги машина ва ускуналар туратилганда, сифатсиз йўриқнома ўтказилганда ва ишчилар томонидан хавфсизлик техникаси йўриқномалари ва қоидалари бузилганда иш жойида ўтказилади.

Йўриқноманинг ҳамма турлари махсус журналда қайд ўзилишиб, йўриқнома ўтган ва ўтказган шахснинг имзоси билан мустаҳкамланади.

Уз навбатида ишчи ва хизматчилар зиммасига меҳнат муҳофизаси қоидаларига риоя қилиш, машина ва ускуналарни ишлаш талабларига риоя қилиш ва шахсий ҳимоя ишчиларидан фойдаланиш юклатилган.

Уга хавфли ишларда ишлайдиган ишчилар хавфсиз ишлаш усууллари бўйича махсус ўқитилади. Буларга босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратларда, газда ишлайдиган машина ва аппаратларда, компрессорлар, электр ускуналарида ишлайдиган лифтлар, электрокар ҳайдовчилар, газ ва электр пайвандчилар ва шунга ўхшаш тасбларда ишлайдиган ишчилар киради.

Ишчиларни бундай ишларга қўйишдан олдин уларнинг биними синаб кўрилади ва уларга "наряд-рухсат" берилади. Шунда ишни бошлаш ва тугатиш вақти, ишни бошлашдан олдин унга тайёргарлик кўриш тадбирлари ёзиб қўйилган будади.

Наряд-руксатлар бош мұқандис, бош механик, бош энергетиклар томонидан берилади. Бу шахслар хавфсизлик техникаси бүйіча аттестациядан үтган булиб, хавфли ишлар бүйіча жавобғар ҳисобланадилар. Улар корхона директори томонидан тайинланадилар.

Замонавий қурилған корхоналарда мәжнат шароитини яхшилаш, касалланиш ва жароҳатларнинг олдини олишининг алоҳида, якка-якка табиғи етарли самара бермаяпты. Шунинг учун корхонада мәжнат хавфсизлиги ишларини бошқариш умумий бошқаришнинг узвий ва ажралмас бир бұлғаги сифатыда қаралиши мақсадға мувофиқдир. Бунда, корхонада мәжнатнинг хавфсиз, маълум мақсадға йўналтирилган жараёнларини бошқаришнинг кенг имкониятлари очилади.

## ТҮКИМАЧИЛИК САНОАТИДА МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУҲИТИНИНГ МИКРОИҶЛИМ ШАРОИЛЛАРЫ

Иш жараёнларининг ва атроф муҳитнинг ишчилар организмига таъсирини ўрганадиган фан меҳнат гигиенаси дебалади. Меҳнат гигиенасини қўллаш натижасида қулай шароитларни яратадиган, меҳнат унумдорлигини ошира бўладиган, касбий касалликларни камайтира оладиган ёки бутунлай йўқ қила оладиган санитария, гигиена ва даволаш профилактик тадбирлари ишлаб чиқилади.

Мілумки, иш жараённада киши организмига ташқи муҳит салбий таъсир қилиши, айни пайтда айрим аъзолар чарчаши қам мумкин. Организмнинг чарчаши икки хил бўлади:

тез чарчаш, бу ишга кўникма ҳосил қилинмагандан иш оғир жисмоний иш бажаришдан келиб чиқади. Бундай чарчаш иш тугагандан сўнг тезда ўтиб кетади.

секин-аста ривожланиб борувчи чарчаш, меҳнат қобилиятининг аста-секин пасайишига олиб келади. Бу хил чарчаш узоқ вақт ва ҳамиша бир хил (монотон) ишларни бўлишиш натижасида юзага келиб, киши организмини нутурдан кетказади.

Иш жойларидаги микроиҶлим омилларни — ҳарорат, салбий намлиқ, ҳавонинг тезлиги ҳамда атмосфера босими ҳосил этади. Бундай муҳит киши организмига салбий таъсир қилиб, уни совутиб ёки қизитиб юборади. Бундан ташкидлари организмдан чиқадиган иссиқлик киши бажараётган ишнинг жадаллигига ҳам боғлиқ.

Киши организмнинг меъёрий ҳарорати  $36-37^{\circ}\text{C}$  бўлади. Организм ўзи учун зарур бўлган ҳароратни таъминайди турни қобилиятига эга. Организмнинг бу хусусияти "органик ростлаш" деб аталади. Масалан, биз совқотсак қизирикимиз, бу мускулларнинг иш бажариши натижасида орнгрия чиқаришидир. Қизиб кетсан, терлаймиз, бу орнгрия иссиқликни ташқи муҳитга бериш ва шу орқали организмни ҳароратини маълум миқдорда сақлаб туришдир.

Маълум оғирлиқдаги жисмоний меҳнат билан банд бўлган киши ўзини яхши ҳис қилиши, яъни у қизиб кетмаслиги, ёки совқотмаслиги учун микроқлим шароитлари маълум даражада бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Бундай шароитларни комфорт шароитлар дейилади. Бу шароитларни яратиш ГОСТ 12.1. 005—76 "Иш зонасининг ҳавосига умумий санитария-техника талаблари" билан белгиланади.

Берилган иш тури учун комфорт (Энг мақбул) шароит иссиқлик баланси таъмин этилгандагина бўлиши мумкин. Иссиқлик баланси қўйидаги формула билан ифодаланади.

$$Q = Q_{\bar{y}} + Q_k + Q_{ii} + Q_b + Q_x \quad (2.1.)$$

бу ерда  $Q_{\bar{y}}$  — кийимнинг иссиқлик ўтказувчанлиги,

$Q_k$  — бадан атрофидаги конвекция,

$Q_{ii}$  — атроф юзаларига нурланиш,

$Q_b$  — бадандан чиқаётган намликнинг буғланиши,

$Q_x$  — нафас олинаётган ҳавони иситиш.

Цех ҳавосининг ҳарорати юқори бўлганда қон томирлар кенгайиб, терига қон меъёридан кўп кела бошлайди ва атроф муҳитга иссиқлик узатиш бирмунча кўпаяди. Бу ҳол цех ҳавосининг ҳарорати 30—35 С дан юқори бўлганда тўхтайди. Киши терлайди, бунинг натижасида организм учун зарур бўлган тузлар ҳам тер билан чиқиб кетади. Шунинг учун иссиқ цехларда сал шўрланган газ сувлар берилади.

Цехдаги ҳаво ҳарорати пасайганда, қон томирлар торайиб, терига қоннинг келиши сусаяди ва тананинг ташқи муҳитга иссиқлик бериши камаяди. Шундай қилиб, киши ўзини иш шароитида яхши ҳис қилиши учун ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракати тезлигининг маълум ўйғуности зарур экан.

Тананинг ҳароратини ростлашда цех ҳавосининг намлиги катта таъсир кўрсатади. Юқори нисбий намлик ( $\varphi > 85\%$ ) тернинг буғланишининг камайишига олиб келса, жуда паст нисбий намлик ( $\varphi < 20\%$ ) нафас йўллари шиллиқ пардасининг қуриб қолишига олиб келади. Намликнинг энг мақбул қиймати 40—60% деб қабул қилинган, лескин тўқимачилик корхоналарида технолигик жараён талаблари нисбий намликнинг ўзгаришига олиб келади. Айни пайтда ҳар қандай шароитда ҳам биринчи навбатга инсон саломатлиги, унинг меҳнатини муҳофаза қилиш муаммоси

йўйилиши керак. Иш жойларида ҳавонинг ҳаракати иш шароитини яхшилашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Иссиқлик юқори бўлган цехларда ҳавонинг ҳаракати организмдан чиқадиган иссиқликни атроф муҳитга берилинини яхшилади ва аксинча совуқ цехларда организмга салбий таъсир қиласди.

Ҳавонинг одам учун сезиларли минимал тезлиги 0,2 м/с ҳисобланади. Йилнинг совуқ пайтларида ҳавонинг тезлиги 0,2—0,5 м/с, иссиқ кунларида эса 0,2—1,0 м/с бўлиши мисия этилган. Иссиқ цехларда бу тезлик 3,5 м/с гача оширилиши мумкин. Цехда ҳаво тезлигини танлашда унинг психологияк жараёнга халақит бермаслигини ва зарарли моллаларни учириб цехга тарқатмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Давлат санитария назоратининг тавсиясига кўра иш жойларида йўл қўйиш мумкин бўлган ҳаво ҳаракатининг тезлиги иш жойининг ҳароратига қўйидагича боғланади.

#### 1 - жадвал

Иш жойидаги ҳарорат, °C	Иш жойида йўл қўйиш мумкин бўлган ҳавонинг ҳаракат тезлиги, м/с
16—20	0,25 гача
22—23	0,25—0,3
24—25	0,4—0,6
26—27	0,7—1,0
28—30	1,1—1,3

Цехларда тоифаси турлича бўлган ишларда микроклимат шароитининг комфорт қийматлари ҳар хил бўлади.

Масалан, снгил ва оғир тоифали иш бажариш пайтида комфорт шароит қийматлари қўйидаги жадвалда келтирилган.

#### 2 - жадвал

Метеорологик шароитлар	Киши тинч турган ҳолда	Киши оғир иш бажараётган ҳолда
Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с	0	2
Ҳавонинг ҳарорати, t, °C	18	14
Ҳавонинг нисбий намлиғи, φ, %	50	40

## 2.2. ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ЦЕХЛАРИНИШ ШАМОЛЛАТИШ


Цех ҳавосини табиий йўл билан шамоллатишдан ташқари, ичкаридаги ҳаво ҳаракатининг фарқи ҳисобига ёки бинони айланиб ўтаётган шамолнинг статик босимининг ўзгариши ҳисобига бўлади. Агар ҳавони алмаштириш бинодаги қурилиш конструкцияларининг нозичлиги, дарча ёки тешиклар орқали амалга ошса, бундай шамоллатиш — табиий шамоллатиш деб аталади. Агарда шамоллатиш учун маҳсус туйнук ва дефлекторлар ўрнатилган бўлса, бундай шамоллатиш аэрация деб аталади. Табиий шамоллатиш об-ҳаво шароитига боғлиқ. Иссиқлик кўп миқдорда ажраблиб чиққанида, цех ҳавоси сунъий ёки механик усулда шамоллатилади.

Механик шамоллатиш вентиляторлар билан амалга оширилади. Вентиляторлар асосан икки хил бўлади: центробежный (марказдан қочма) ва осевой (ўқ бўйлаб йўналган). Улар ўз навбатида ҳосил қиласидан босимига қараб: паст босимли —  $1000 \text{ н}/\text{м}^2$  гача, ўрта босимли —  $3000 \text{ н}/\text{м}^2$  гача ва юқори босимли —  $12000 \text{ н}/\text{м}^2$  гача бўлинади. Тўқимачилик саноати цехларида тоза ҳавони алмаштиришда асосан паст ва ўрта босимли вентиляторлар ишлатилади. Чангли ҳавони ёки пахта, жун ва бошқа толали материалларни ҳаво транспорти воситаларида ташишда ўрта ва юқори босимли вентиляторлар ишлатилади.

Механик шамоллатиш уч турли бўлади:

1. Шамоллатишнинг узатувчи системаси, яъни ташқаридан олинган соғ ҳавони цехга узатиб бериш (1а-расм). Бунда ташқи ҳаво қабул қилувчи шахта 1 орқали ўтиб, фильтр 2 да тозаланиб, кондиционер 3 да совутилади ёки иситилади ва намлиги меъсрлаштирилади, ҳамда вентилятор 4 орқали ҳаво берувчи тешиклар 5 дан ўтиб иш жойларига узатилади. Бу системанинг камчилиги, машиналардан чиқаётган заарли моддалар (чанг, иссиқ ҳаво, газ ва ҳ. к.) дераза, эшик ва қурилиш конструкцияларидаги тешиклардан ихтиёрий ҳолатда ташқарига чиқиб кетади.

2. Шамоллатишнинг сўрувчи системасида (1 б-расм) эса, ҳаво иш жойларидан вентилятор 4 ёрдамида ҳаво



1-расм. Механик шамоллатиш турлари.

тозалагич 7 га ўтади ва ундан шахта орқали атмосферага чиқарип юборилади.

Бунда ташқаридан келаётган ҳаво ҳеч қандай тайёр-тирилксиз (тозаланмасдан ва меъёrlаштирилмасдан) кираверади. Бундан ташқари бу системада цехларда ҳавонинг сийраклашуви кузатилади. Бу эса иш жойларида елвизакларни келтириб чиқарип ищчиларни касалга чалинишига олиб келади.

3. Узатувчи — сўрувчи шамоллатиш системаси (1 врасм) мукаммал система бўлиб, цекга кслётган ҳаво фильтр 2 да тозаланиб, кондиционер 3 да меъёrlаштирилади. Сўриб олинган ҳаво эса, ҳаво тозалагич 7 да тозаланиб, атмосферага чиқариб юборилади. Ташқи ҳаво ҳарорати паст бўлганда иссиқликни тежаш мақсадида кўпинчаган ҳаво канал 8 орқали яна узатувчи системага, яъни кондиционер 3 га юборилади. Канал 8 рециркуляция (қайта ишлатиш) канали дейилади.

### 2.2.1. Цех ҳавоси тозалигининг меҳнат шароитига таъсири ва зарарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган концентрацияси ҳақида тушунча

Цехлардаги ҳавонинг тозалиги ишчилар саломатлигини сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқариш жараённида цехларда ҳавога киши организмига зарарли бўлган газ, чанг бошқа моддалар ажralиб чиқади. Киши бундай ҳаводан нафас олганда юқори нафас йўллари қичийди ва киши ўзи хоҳламаган ҳолда юзаки нафас олади, бу эса ўпка фаолиятига салбий таъсир қиласида турли касалликларни келтириб чиқаради.

Цехларда чангларнинг мавжудлиги кўз шиллиқ пардаларини қичиштириб конюктивит касаллигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари чанг заррачалари туберкулёз таёқчаларини ва зарарли бактерияларни ташувчи восита-дир. У лампалар устига ўтириб, цехдаги ёруғликни камайтиради, бу эса ишчилар фаолиятига ва соғлигига таъсир қиласида.

Ишлаб чиқариш цехлари иш зоналари ҳавосидаги зарарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган концентрацияси ГОСТ 12.1. 005—88 билан белгиланади.

Киши организмига таъсири бўйича зарарли моддалар 4 синфга бўлинади: 1-синф — фавқулотда хавфли, 2-синф — юқори даражада хавфли, 3-синф — мўътадил хавфли, 4-синф — кам даражада хавфли.

Хавфли зарарли моддалар миқдори иш куни давомида ишли соғлигига салбий таъсир қиласаса, бундай концентрация моддаларнинг йўл қўйса бўладиган концентрацияси

деб аталади (ЙҚБК) Собиқ СССР да 700 га яқин маддаларга ЙҚБК белгиланган эди.

Цехдан, шамоллатиш системаси орқали сўриб олинган юно атмосферага чиқариб юборишдан олдин зарарли маддалардан тозаланади, рециркуляция учун цехга қайта юбориладиган ҳавода зарарли маддаларнинг миқдори 0,3 ЙҚБК дан ошмаслиги керак.

## 2.2.2. Тўқимачилик корхоналари цехларидан ажралиб чиқадиган асосий зарарли маддалар

Тўқимачилик саноати цехларида толали материалларни титиш, саваш, тараш, паҳмоқлаш (ворсованис) жараёнларида чанг, бўяш, бўёқлар тайёрлаш, оҳорлаш, тукларини кўйдириш (опаливание) жараёнларида химиявий зарарли газлар ажралиб чиқади. Бу зарарли маддалар ишчилар физиологиясига таъсир қилиб, организмни заҳарланишига олиб келиши мумкин.

Тўқимачилик саноатида, айниқса, унинг бошланғич жараёнларида энг кўп тарқалган зарарли мадда — чангдир. У ҳамма ишлаб чиқариш цехларида ҳамда корхона қудудида атмосферада узоқ вақтлар қўнмай, учиб юриши мумкин.

Чанг заррачалари таркибига кўра органик ва минерал қисмлардан иборат. Бунда унинг асосий қисмини органик молда бўлмиш тола ва унинг бўлакчалари (пахта чангидаги 96—98%) ташкил қиласди. У мураккаб таркибли бўлиб, турли шакл ва катталикларда учрайди.

Чангга гигиеник баҳо берилганда унинг таркиби асосий роль ўйнайди. Унинг органик қисми целлюлозадан ташкил тонгдан бўлиб, у организмга заҳарли таъсир қилмайди, искин уларда мөғор замбуруғлари ва споралари мавжуд булиши мумкин, бу эса организм ҳароратини оширади, бош оғриғи ҳамда титроқ тутиш ҳолларига олиб келади. Пахта толаси чангидан пайдо бўладиган бундай касаллик биссиноз деб аталади. Бундан ташқари пахта чангидаги, пахтага ишлов бериш натижасида қолган заҳарли маддалар (пестицид, гербицид ва дефолиантлар) бўлиши мумкин.

Чангнинг таркибидаги минерал қисмида кремний иккি оксиди  $\text{SiO}_2$  бўлиб, унинг нафас йўллари орқали ўпкага маълум когцентрацияда кириб бориши пневмокониоз қасаллиги хавфини туғдиради. Чанг таркибида бу модда қанча кўп бўлса, касаллик хавфи шунча ортади.

Айрим ҳолларда, чангнинг майда заррачалари киши ўпкасининг альвсолларига кириб, уларни беркитиши натижасида, ўпканинг иш фаолиятини пасайтиради, яъни киши ўпканинг тўлиқ ҳажмида нафас ололмайди, натижада бориб-бориб хасталикка учраши, яъни пневмокониоз касаллига дучор бўлиши мумкин.

Чангларни киши танасига таъсирини аниқлашда нафақат уларнинг физик хусусиятларини, балки уларнинг ўлчамини ҳам ҳисобга олиш керакdir. Бу борада энг хавфлиси, катталиги 5 мкм гача бўлган чанглардир, чунки улар ўпканинг катталиги 4—5 мкм бўлган альвсолларга бемалол кира оладилар. Бундан катта бўлган чанг заррачалари эса юқори нафас йўлларида ва бронхларда ушланиб қолади ва танадан чиқариб юборилади. Яна чанг заррачаларининг катталиклари, уларнинг ҳавода қанчалик кўп ушланиб туришини белгилайди, бу эса уларнинг организмга кириш имкониятини қучайтиради. Тадқиқотлар натижаси чанг заррачалари қанчалик майда бўлса, улар ҳавода шунча кўп ушланиб туришлигини кўрсатади.

Тўқимачилик корхоналарида пахта чанги учун қўйидаги йўл қўйса бўладиган концентрация (ЙҚБК) қабул қилинган. Бу эса чанг таркибидаги  $\text{SiO}_2$  га боғлиқdir. Санитария меъёрлари СН-245—71 да берилишича: агар чанг таркибидаги  $\text{SiO}_2$  2% дан кам миқдорда бўлса, ЙҚБК-6 мг/ $\text{m}^3$ , 2 дан 10% гача бўлса — 4 мг/ $\text{m}^3$  ва 10% дан ортиқ бўлса, унда ЙҚБК-2 мг/ $\text{m}^3$  бўлиши келтирилган.

Тўқимачилик саноатида охор тайёрлашда сулфат кислотаси, хлорид ва сирка кислоталари, ўювчи натрий ва бошқа моддалар ишлатилиб, улар цсх ҳавосига зарарли газ ва буғлар ажратиб чиқаради.

Тола ва ипларни ҳамда матоларни бўяшда олтингугурт бирикмалари ( $\text{Na}_2\text{S}$ ), хлорли бирикмалар ( $\text{NaCl}$ ), ўювчи ишқор ( $\text{NaOH}$ ) ва бошқа кимёвий моддалар қўлланилади. Айни пайтда бу моддалар киши танасига салбий таъсир қилиши ва организмни заҳарлаши мумкин.

### 2.2.3. Машиналардан чанг ажралиб чиқишига қарши тадбирлар

Цех ұавосидаги чангни камайтиришда қуйидаги тадбирлер құлланилади:

- умумий шамоллатиш;
- зонтлар құллаш;
- аспирациялаш;
- капсулациялаш;
- гардишлардан сұриш.

Тұқимачилик саноати корхоналарида асосан аспиранциялаш, яғни, ажралиб чиқаётган чангни ўша жойнинг үзідан вентилятор орқали сұриб олиш усули құлланылади.

Йигируд фабрикаларда деярли ҳамма машиналар вентиляторлар билан таъминланған бўлиб, улар чангли ұавони машинадан сұриб оладилар ва тозалаш ускуналарига көбрадилар. Бундан ташкари бу корхоналарда ҳаво оқимдари технологик жараёнда ҳам кенг құлланилади.

Мисол тариқасида, тұқимачилик машиналаридан чангли ұавони сұриб олиш нормалари ( $\text{м}^3 / \text{соат}$ ) келтирилган:

#### Йигируд-тұқув фабрикалари:

Таъминловчи — аралаштирувчи машина . . . . .	800
Бош таъминловчи . . . . .	800
Чиқиндилар учун таъминловчи . . . . .	800
Аралаштирувчи машина . . . . .	800
Горизонтал титиши машинаси . . . . .	3500
Вертикаль титиши машинаси . . . . .	2500

#### Саваш машиналари:

T-16 . . . . .	7500
TБ . . . . .	5000
МТМ . . . . .	7500
T2-И . . . . .	5000
TБ-2 . . . . .	5000
T-20 . . . . .	2500

Тараш машиналари (ЧММ-14, ЧММ-14Т, ЧМД-14) . . . . .	3000
Пилта машинаси ЛНС-51 . . . . .	800
Йигирув машинаси П-76-5М, П-66-5М . . . . .	1700
Ўраш машинаси (мотальнаяя) . . . . .	800
Охорлаш машинаси ШБ—II/180 . . . . .	2000

Пардозлаш фабрикалари:

Жилвирил машина . . . . .	3000
Тукни қирқувчы-момиқдан тозаловчи агрегат .	6600

Цилиндрик тук куйдирувчи машина:

Зонт тагидан . . . . .	10000
Момиқ тозалагичдан . . . . .	4000
Заправка цилиндрларидан . . . . .	1500

Газли тук куйдириш машинаси:

Зонт тагидан . . . . .	800—1500
Момиқ тозалагичдан . . . . .	2000—2500
Заправка цилиндрларидан . . . . .	1500

3-расмда мисол тариқасида тараш машинаси ЧММ-450-3М нинг аспирациялаш системаси кўрсатилган.

Ип йигирув фабрикаларининг йигирув машиналаридан (мичкоуловителлардан) сўриб олинадиган ҳавони умумий рециркуляция каналларига қўшиб юбориш тавсия қилинади. Тўқимачилик саноати чангли ҳавони сўриш қувурларидаги ҳаво оқимининг тезлиги 8—14 м/с қилиб олинади. Аммо, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аспирация система-ларининг магистрал қувурларида ҳаво оқимининг тезлиги 20—25 м/с қилиб олинса, бу системанинг иш самараси юқори бўлади.

Охорлаш ва газлама тукларини куйдириш машиналарида вентиляция асосан иш жойларидан намликни ҳамда иссиқ ҳавони сўриш учун фойдаланилади. Бундай шароитда машиналар ҳаво сўрувчи ускуналар билан биректирилган

шоулар билан таъминланади. Бу зонтлар охор тайёрлаш қолонлари устига ҳам урнатилади.

Бундан ташқари түқимачилик корхоналари цехларида умумий вентиляция (общесобменная) кенг қўлланилади. Гараш, пилталаш, пиликлаш, йигириш, пишитиш, қайта ураш, тандалаш ва тўқиши цехларидан чангли ҳавони сўрувчи каналлар орқали вентиляторлар срдамида сўриб олинади. Сўрувчи каналлар ер ости орқали ўтказилиб, панжаралар билан тўсиб қўйилади. Панжаралар машинашинг остки қисмида, йўлакларда булиши мумкин. Одатда бу каналлар орқали сўрилган ҳаво кондиционерларга юборилади ва нормал ҳолатга келтирилиб яна қайта цехга берилади (рециркуляция).

Аспирация системасида қувурнинг исталган кесимида оқимининг тезлиги у ёки бу чиқинди учун белгиланган тезликка тенг булиши керак.

Тўқимачилик саноати корхоналарида машиналардан чанг ажralиб чиқишига қарши тадбирлар асосан икки пуналишда олиб борилади: янги турдаги машиналарни тозалиш ва ҳозир ишлаб турган машиналарни модернизациялаш. Бунда қатор мосламалар, ушлагичлар, тўсқичлар, ҳар хил чангюткичлар, машина ва бошқа конструкцияларнинг устки қисмига ўтириб қолган чангларни пуркаб туширгичлар яратиш кўзда тутилади. Масалан, таъминловчи аралаштирувчи машинани такомиллаштиришда титувчи гозаловчи валиклар зонасидан кўплаб чанг ажralиб чиқиши ҳисобга олинади. Бу ердан ажralиб чиқаётган чангли ҳавони сўриб олиш учун кучли вентилятор урнатилади ҳамда машинанинг бошқа қисмлари зичлиги опширилади. Чиқиндиларни тозалаш машинасини такомиллаштиришда элеватордан хас-чўпларнинг тушиш жойи ҳамда чиқарив ташловчи транспортёрнинг таранглаштирувчи ролиги зоналари зичлаб беркитилади. Тараш машиналарини комплекс такомиллаштириш ҳам машинанинг конструктив элементларига қатор мослама ва қурилмалар тадбиқ қилишни назарда тутади. Иваново шаҳар тараш машиналарининг маҳсус конструкторлик бюроси чангиз-сигнифигич ва ҳажми катталаштирилган момиқ йиғувчи бўйсан таъминланган ЧМ-10 ва ЧМ-50 машиналарини сифатди. Бу машинада чангли ҳавони сўриб олиш чўзувчи

ЧМ

асбоб, тарам ажратувчи тароқ, тарам ажратувчи барабаннинг қопқоги остидан ҳамда шляпкалар тасмасини тозалаш зонасидан амалга оширилади. Момиқ йигувчига сўрилган чангли ҳаво тўрдан ўтиб, тозалаб вентилятор орқали яна цехга юборилади. Бу машиналардаги маҳаллий чанг тозалагичлар ишининг самарадорлиги кўпгина омилларга, вентиляция ускуналарининг ҳаво бўйича иш унумдорлиги, шу чанг тозалагич системаларининг зичлаштирилганлик дараҷаси, чанг сўргичларнинг конструктив ўлчамлари ва бошқаларга боғлиқ.

Янги тараш машиналарини эксплуатация қилиш жараённида шу нарса аниқландиди, момиқ йигувчининг ҳажми тўла борган сари ундан цехга чиқаётган ҳавонинг тозалиги орта боради, лескин тўрнинг қаршилиги ортиб, момиқ йигувчи ичидағи ҳавонинг сийраклашуви ҳам камаяди ва натижада сўрилаётган чангли ҳавонинг миқдори камаяди. Тараш машиналари чангсизлантириш системаси ишининг самарадорлигини ошириш учун тавсияларга биноан унда йигилган момиқни: юқори сараланган пахталар ишлатилганда ҳар 3—4 соатда; ўрта сараланган пахталар ишлатилганда ҳар 2—3 соатда ва паст сараланган пахталар ишлатилганда ҳар 1—2 соатда тозалаб туриш ўқтирилади. Бундан ташқари момиқ йигувчи эшикни зичлаб ёпилмаган ҳолда ишлатиш тақиқланади.

3М  
1  
(ми  
реци  
ди.  
рида  
Амм  
ларъ  
20—  
юқој  
С  
рида  
исси  
маш

Иваново шаҳаридаги жунли матолар ишлаб чиқариш комбинатида СТБ-2-330 тўқув дастгоҳларининг олд томонидан йигилган момиқни сиқилган ҳаво билан йигиб олиш амалга оширилган. Компрессордан чиқаётган сиқилган ҳаво иш жойларига келтирилган, бунда битта қувур 32 дастгоҳга мўлжалланган. Сиқилган ҳавони пуфлаш учун ички диаметри 2 мм бўлган каллак ўрнатилган, қайишқоқ, эгилувчан ичак (диаметри 9 мм, узунлиги 20 м) қўлланган.

Бир гурӯҳ дастгоҳлар ҳаво билан пуфлангач, супиринди момиқ йигтичга тўпланди. Дастгоҳнинг орқа қисмидан эса вакуум-мослама ёрдамида йигиб олинади. 150 дастгоҳни тозалашда бор-йўғи 2 киши банд бўлади: бири дастгоҳларнинг олд томонидан, иккинчиси эса орқа томонидан чанг ва момиқларни йигиб олади. Ҳавонинг чангланганлини дараҷаси санитария мсьёрлари талаблари чегарасида бўлади.

"Шуйский пролетарий" йигириув-түқув фабрикасида ЧММ-450-4 ва ЧММ-450-М3 машиналарининг таг қисмидан чиқиндиларни ҳаво билан сўриб олувчи ва чиқиндилар бўлимига ҳаво билан йўналтирувчи махсус мослама ўрнатилган. Бу мослама иккита ПП6-28 № 6 вентиляторлари, электромагнит клапанлар, конденсор КБ-З, чиқиндиларни йигувчи бункер, ҳаво қувурлари, чангли ҳавони тозаловчи ФТ-2М фильтрлари, сўрувчи каллак ва бирлаштирувчи найчалардан ташкил топган. Тараш машиналари остидан чиқиндиларни мунтазам равишда сўриб олиш цехдаги ҳавонинг чангланганлик даражасини камайтириш билан бирга цехда ёнғин чиқиш хавфини камайтиради.

Иваново махсус конструкторлик бюроси титиши ва саваш агрегатларидан чиқиндиларни ҳаво ёрдамида сўриб олиш бўйича қатор техник счимлар ишлаб чиқди. Титиши агрегатлари камералари остига қўйилган чиқинди қабул бўливи ҳавони тозаланган орқали чиқиндиларни ҳаво қувурлари ёрдамида конденсор КБ-З орқали йигувчи лабазга ва ундан чиқинди тозалаш машинасига узатилади. Чангли ҳаво конденсордан чанг ертўласига йўналтирилади. Чангли ҳавони тозаланган орешка ҳаво қувурлари орқали МНШ-48М маркали қопга жойлаш машинасига йўналтирилиши мумкин. Саваш машиналари остидан ажralастган чиқиндиларни олиш учун ишчи шиберни бураб қабул воронкаларидан бирини очиб юбориши кифоя, чиқиндиларни ҳаво қувурлари орқали йигувчи лабазга бориб тушади. Чиқинди цехларига ўрнатиладиган лабазлар ёнмайдиган материаллардан ясалади.

Кўпгина тўқимачилик корхоналари машина юзаларида ўтириб қолган чангларни пуллаб тушириб юборувчи АО-6 ва АОСП-1 момиқ ҳайдагичларини қўллайдилар.

Иваново жунли матолар комбинати мутахассислари ана шу АОСП-1 пухообдувателларда йигилган момиқларни автоматик равиша бўшатиш системасини ишлаб чиқишган ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишган. Ҳар тўқиз манинага мўлжалланган участкаларини айланиб чиқсан пухообдувател бўшатиш жойига келади. Махсус ричаглар ва тұғмалар ёрдамида бункери очилади, сўриб олувчи система вентилятори ишга тушади ва ундағи момиқ махсус имай орқали махсус идишга сўрилади. Бунда Ц6-46 № 6

вентилятори, ЧЗ-ПМ клапанли переключателлар ва ҳаво құвурлари системаси ишлатилади. Автоматик равища бункерларни бұшатиш системаси ишга туширилгач, чиқиндилар миқдори 0,1% га камайған, бу корхона бүйічі бир йилда 10 тонна чиқинди камайғанлыгини билдиради.

Момиқ қайдагичлар смеси давомида узлуксиз ишлаши керак, чунки уннинг узоқ вақт тұхтаб қолиши, юзаларда chanг ва момиқни тұпланиб қолишига ва уни йиғишириб олиш учун эса машиналарни тұхтатишига мажбур бұлилади.

Илғор тұқимачылык корхоналари тажрибасига ва илмий-тәдқиқот ташкilotтарининг тадқиқотлари асосида йигируд өткізу үшін корхоналари машиналардан chanг чиқиндин камайтириш ва chanгсизлантирувчи усқуналар ишиннеге самарадорлыгини ошириш бүйічі қуйидаги профилактикалық тәдбирларни амалға ошириш тавсия қилинади. Титиш-саваш бұлиміда дастлабки титиш агрегатларда chanг ажралиб чиқишини камайтириш мақсадыда агрегатнинг юқори қисмнинг зичлигини ошириш ва ажратувчи, тозаловчы, титувчи валиклар қисмінде chanгли ҳавони сұриб олиш самарадорлыгини ошириш, құшимча сұрувчи усқуналар үрнатыш ёки вентиляция системаларининг құвватини ошириш керак. Саваш машиналарда ҳам айниқса, савагич ва пичоқлы барабанлар қисмінде зичликни ошириш, шу билан берінде chanг ва момиқни бевосита ажралиб чиқаётгандай жойлардан сұриб олиш ва ҳаво құвурларига үйнәтириш учун махсус қабул қылувчи мосламалар үрнатылади.

Қабул қылувчи мосламаларға қуйидаги талаблар қўйилади:

— улар бевосита chanг ва момиқ чиқаётгандай жойға яқинроқ ва зичроқ жойлашиши керак;

— тузилиши момиқнинг ҳаракат йүлида кескин түсіктерге учрамаслығы, равон, текис ва силлиқ бұлиши, кескин үтимлардан холи бұлиши керак;

— үрнатилиш жойи чиқиндиларнинг ҳаракат траекториясини ҳисобға олиш ва уларни энг күп тушадиган ерларға мослаштирилиши керак;

— сұрувчи құвурнинг ҳаво кириш тирқиши машинанинг chanг ва момиқ чиқадиган ерига яқын үрнатилиши керак, чунки узоқлашған сары ҳавонинг тезлигі кескин камайиб боради.

Шундай ҳам таъкидлаш зарурки, айрим түқимачилик салоны машиналари юқоридаги талабларни ҳисобга олмай күрөлтән, шунинг учун яхши ишламайди.

Титаний-саваш бўлимларида чангли ҳавони тозалашни гемасини мукаммаллаштириш, яъни тозалашнинг биринчи ногонасидан сўнг иккинчи ногонасида ҳаво тозалашни нам усуулларидан фойдаланиш, бу цехларда биринчидан сингин хавфини кескин камайтиурса, иккинчидан ҳавони тозалашни самарарадорлигини оширади.

Чиқиндилар цехида айниқса чанг волчоги ва чиқинди тозалаш машиналарининг ишига алоҳида аҳамият бериш беради. Уларнинг эшик ва қопқоқлари зичлигини мусоидлагаш, тирқишларини беркитиш зарур.

Түқувчилик цехларида чангларнинг ажralиб чиқишини камайтириш бевосита ёки билвосита ишлаб турган дастгоҳларни эскирган конструкцияларини модернизация қилини, дастгоҳларни лойиҳалаш пайтида такомиллаштириш ва ҳифзизликни таъминловчи мосламаларни қўллашни тутиш ва янги дастгоҳларни технологик жараёнга тарабик этиш билан амалга оширилади. Булардан ташқари, дастгоҳларни ва бинонинг ички конструктив элементларини тозалаш мақсадида пулфлаб туширувчи ва чанг түргич ускуналаридан ҳам фойдаланилади.

Нардоэзлаш фабрикаларининг газламанинг тукини чиқариш цехларида чанг чиқишини камайтириш учун тукориҷи очарчи агрегатларга қўшимча вентилятор ускуналари тарабиши, тирқишларни беркитиш ҳамда мавжуд вентиляторни системалари қувватларини оширишга амал қилилади.

Нотуқима материаллар ишлаб чиқариш фабрикаси цехларидан ҳам ЧВП-600, АЧВ-В агрегатларида чанг ажralиб чиқишини камайтириш мақсадида, чиқиндиларни камера-лан ҳаво ёрдамида сўриб олиш, машинанинг устки қисми ёки тирқишларини беркитиш, мавжуд вентиляция системалари қувватларини ошириш ишларини бажариш мақсадида мувофиқдир.


Цехлардаги чангларни камайтиришнинг асосий омилларидан бири, машиналарга, полларга ва бинонинг конструктив элементлари (колонна, подоконник) га ўтириб қолган тоннажларини тезда тозалаб олишдир. Чунки улар озгина ҳаво

оқими тезлигига ҳам яна цех ұавосига күтарилиб, чангланғанлик даражасини ошириб юборади.

ЦНИИХПромда ұтказилған тадқиқотлар шуни күрсатады, пакта заводлари цехларида ұтирган чангни ұавога күтарилиши чангланғанликни аввалги даражасига нисбатан 2—3 баробар ошириб юборар экан.

Тұқымачилек саноати цехларида ұтириб қолған чангларни тозалашни механизациялаш асосан икки усулда олиб борилади, биринчisi вакуум ёрдамида юзалардаги чангни сұриб олиш, иккинчisi кучли ұаво оқими ёрдамида чангни шу юзалардан пулаб құзғотиб юбориш.

Биринчи усул, яни чангни сұриб олиш усули гигиеник нұқтаи назардан афзалроқдир, чунки чанг қайтадан ұавога күтариlmайди, лекин бунда иш унумдорлиги иккинчи усулга нисбатан 8—10 марта камдир. Бундан ташқары сұриб олиш усулида шип, устун ва баландлығи 5 м дан ортиқ жойларни тозалаш қийин. Пуфлаш усули эса буларни тезда бажаришга имкон беради. Бунда пулаб полға туширилған чангларни эса сұриб олиш усули билан тозалаш тавсия қилинади.



2-расм. Ұтирган чангни сұриб олиб тозалаш системасига узатиб берувчи ускуна. 1 — йигилған чангни узатиб берувчи ичак; 2 — икки погонали марказдан қочма вентилятор; 3 — ұтирган чангни сұрувчи ичак 4 — ұаво сұрувчи каллак

Үгіриб қолған чангларни пулфлаб күчириш, сиқилган өзінде ұзақ өкіми орқали бажарылып, улар компрессорлар тұрамыда қосыл қилинади. Бунда сиқилған ұзақ босими 0,4—0,6 МПа ( $4\text{--}6 \text{ кгс}/\text{см}^2$ ). Компрессорлардан ВУ-6,4, ПКС-3,5, КСЭ-5 ва бошқалар бу босимни береді.

Мұхандис Раҳматуллаев И. Р. томонидан яратылған өзінде ұзақ өкіми (2-расм) конструкциясынинг соддалиғи және инновациялығы билан диққатта сазовордир. Бу ускуна көмкесінде кетма-кест уланған юқори босимли вентилятордан чанг сүрүвчі каллаги ва эгилувчан ичаги ұамда цехдагы аспирация системасынан үләниш имконияти мавжуд ұавони пулғашты ичаклардан ташкил топған. Бу ускуна жуда кам ұзақ өкіми талаб қылғани учун ( $0,1 \text{ м}^3/\text{с}$ ) аспирация системасыннан ишини бузмайды.

Бу ускунаның құллаш нафақат чанг қабул қылувчи урдуп маніфий босим қосыл қилиши, тозаланағстан юзалардан чангны олишни тұла таъминлаши, шу билан цехларда өзінде сыйракликда ишлайдыган құшимча ұаво құвурларини үрнегінша зарурат қолдирмайды.




Рис. 4. Универсал аспирация — чангюткіч системасыннан схемаси.  
1 — станция; 2 — чанг ва чиқындыларни қабул қылған сүрүвчі; 3 — чанг сүрүвчи каллак үрнатылған эгилувчан ичак;  
4 — мұқим чанг сүрүвчи құвур; 5 — магистраль ұаво құвур; 6 — фильтр.

Юқорида келтирилган тадбирлар тұқымачылық корхоналарыда құлланадыған барча тадбирларни тұла акс эттиролмайды. Ҳар бир алоқида ҳолатда корхонанинг аниқ шароитидан келиб чиқиб, ишлатилаётган машиналарнинг ва уларнинг жойлаштирилишини ҳисобға олған ҳолда күриладыған тадбир тәнілаб олиниши керак.


Бошқа хонага ўрнатилган вентилятор 6 магистрал қувурдан ҳавони сўриб, ҳар бир тара什 машинаси чиқиндилар камерасида манфий босим ҳосил қиласди. Бу эса ўз навбатида машинанинг барча тескик ва тирқишларидан чангли ҳавони ичкарига чанг камерасига сўрилишини таъминлайди. Машина чиқиндилар камерасига ўрнатилган маҳсус таглик 2 нинг конструкцияси, катта бўлмаган ҳаво ҳажмида 0,3 м/с чиқиндиларни ҳам сўриб, ҳаво оқими билан олиб кетишига имкон беради.

Бу системанинг универсаллиги шундаки, биринчидан, машинасини аспирациялайди, яъни ажралиб чиқаёттеги чангли ҳавони цехга тарқалиб кетишига йўл қўймасдан ичиға сўрилиб кетади, иккинчидан, ажралиб чиқинчилар ҳаво оқими ёрдамида сўрилади, машинанинг устки қисмида, ерда ва бошқа ишларига йигилган чанглар ҳам эгилувчан ичак ёрдамида сўриб олинади.

### 17. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ЧАНГЛИ ҲАВОНИ ТОЗАЛАШ

#### Титиш ва саваш агрегатларидан чангли ҳавони сўриб олиш ва тозалаш


Манзумки, бу агрегатларда пахта хас, чўп, калта тола ва инжиклардан тозаланади. Машиналардан сўрилаётган ҳавонинг ҳар бир кубометрида 20—90 мг чанг бўлиши рутабатиди. Юқорида айтилгандек чангланганликнинг йўл қўни бўладиган концентрацияси эса  $4 \text{ мг}/\text{м}^3$ . Бу агрегатни согтига  $25800—25950 \text{ м}^3$  ҳаво сўрилади ва чангдан тозаланиди. Бунинг учун ҳозирги пайтда фабрикаларда мөн усул қўлланилади. Биринчиси, чангли ҳаво чанг агрегатларига йўналтирилади (4-расм) ва мўри орқали тошларига чиқариб юборилади ёки тозаловчи ҳамда рециркуляцияловчи фильтрларда тозаланиб яна қайта ишлатиш учун цехга юборилади.



Чангли ҳавони тозалаш схемалари. 1 — чанг ертўласи схемаси. 2 — ҳавони чангдан тозаловчи тўрли фильтр.

Барча эски фабрикалар чанг ертўлаларига эга. Улар саваш цехи тагидаги ертўлага жойлашган катта умумий хона шаклида ёки алоҳида каналлар умумий ертўлага бирлашган шаклда бўлади. Бу ертўлаларда ҳавонинг тезлиги 0,125—0,2 м/с дан ошмаслиги керак. Чунки ҳаво билан аралашган чанг заррачалари тезлигини йўқотиб, ўз оғирлик кучи эвазига ўтириши керак. Шунинг учун бу ертўлалар анча катта ўлчамларга эгадир. Бу ердаги ҳаво оқими ниҳоятда сокин бўлиб, гирдблар ҳосил қилмаслиги керак. Шу билан бирга ҳаво босими 29,4 Па дан ошмаслиги керак. Тозаланган ҳавони чиқариб юбориш учун чанг минораси қурилади. Чанг минораси бино томининг энг юқори нуқтасидан камида 3 м баланд бўлиши керак. Ертўланинг баландлиги 2—3 м, агарда канал бўлса, унинг ўлчамлари одатда 1,4x0,75 м бўлади.

Чанг ертўлалари қатор камчилик ва нуқсонларга эгадир. Уларни қуриш ва эксплуатация қилиш катта маблағ талаб қиласди. Цехдаги ҳавони 15—20 карра алмаштирилганда қиши вақтида цех ҳарорати пасайиб кетади, нисбий намлик ҳам нормадагидан ошиб кетади, натижада иссиқликнинг кўп сарф бўлишига олиб келади. Атмосферага чиқариб юбориладиган ҳаводаги чангланганлик даражаси юқори бўлганлиги учун бу ҳавони цехга қайтиб бериб бўлмайди. Эски фабрикаларни реконструкция қилишда шу нарса аниқланяпти, замонавий титиш ва саваш агрегатларининг қувватлари ва ундан сўриладиган ҳавонинг ҳажми ҳам катта бўлганлиги учун чанг ертўлаларининг ҳажми кичиклик қилиб қолаяпти. Ҳавонинг босими ва тезлиги ошиб, гирдблар пайдо бўлиши кузатилаяпти. Натижада, ҳаво орқага қайтиб цехдан сўрилиши ўрнига, цехга чиқиб кетиши кузатилаяпти.



5-расм. Рекиркуляцияловчи фильтр ФТ-2 нинг схемаси.

босими ва тезлиги ошиб, гирдблар пайдо бўлиши кузатилаяпти. Натижада, ҳаво орқага қайтиб цехдан сўрилиши ўрнига, цехга чиқиб кетиши кузатилаяпти.

Чине сртүлалари ўрнига бир поғонали ва икки поғонали рециркуляцион фильтрлар ФТ-1 ва ФТ-2 лар үзүннүүштүрмөңдө.

Грасемда икки поғонали ФТ-2 рециркуляцион фильтрларынын схемаси күрсатылган. Чангли ҳаво машиналардан 1 дан сүрилиб, диффузор 2 орқали вентилятор 3 түрли түрли барабан 4 камерасига юборилади ва унинг түрли юзасидан ўтиб ички қисмiga тозаланиб ўтади. Барабан майда ячайкали түр билан қопланади ( $1 \text{ см}^2$  да 1,0 ячайкалары бор). Түрли барабаннинг юзасида тозалар ва чанг заррачаларидан иборат қатлам ҳосил, ҳавони тозалашда асосий роль уйнайды. Барабан 4 орта сокин (60—300 минутда бир марта) айланиб, юзасида бўлган қатлам зичлаштирувчи валик 5 орқали бўйланиб, бункер 6 га тушади. Цехга чанг чиқмаслиги учун барабаннинг усти қопқоқ 7 билан ёпилган. Биринчи ҳисобланган түрли барабандан ўтган ҳаво унинг чотидан ҳаво қувури 8 орқали (пунктир билан обозначили) тозалашнинг иккинчи поғонаси ҳисобланган, фильтрловчи матодан тикилган енгимон фильтрлар 9 га бўйлтирилади. Одатда фильтрловчи мато сифатида 378-процентналь мато ва 461-арт. бўялмаган вегонъ мовути бўйлтирилади. Енгимон фильтрларнинг ички юзасига калта тола ва чанг қатламишининг ортиши билан фильтрнинг қаршилиги орта боради ва ҳаво оқимининг үзаклыгига мароми сезиларли равишда ўзгаради.

Енгимон фильтрлар ҳар 3—4 соатда пневматик равишда тозалаб турилади ва снглардан чангни тушириш учун титратувчи механизм ишга туширилади. Шу пайтда 10 ва 11 клапанлар очилиб, йигилган чанг бункерга тозалади. Бу фильтрларнинг чангли ҳавони тозалаш саманчалариги қўйидаги рақамлардан яқъол кўриниб турипти: машинасадан кейин чангланганлик  $90 \text{ мг}/\text{м}^3$  бўлса, ҳавони тозалашнинг биринчи поғонасадан (тўрли машина) кейин —  $13 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ва иккинчи поғонасадан (тўрли фильтрлар) кейин эса —  $1,0 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил қилини. Битта шундай фильтр соатига  $8—9 \text{ м}^3$  чангли тозалайди. Бир метр матога тўғри келадиган ҳаво 150—200  $\text{м}^3/\text{соат}$  бўлса, бундай фильтрлар қаноатлантирилди ишлайди.


Енгимон фильтрларни титиши ва саваш агрегатларининг вентиляторларига бевосита улаш яхши самара бермайди,

чунки 2—3 соат ишлагандан кейин ундаги босим 20 мм сув устунига күтарилади ва фильтрининг ҳаво ўтказиш қобилияти 25—30% гача пасайиб кетади.

Ҳар бир икки поғонали фильтр 12 та матоли енглар билан таъминланган бўлади.

#### ФТ-2 фильтрининг техник характеристикаси

Тўрли барабанинг диаметри, мм . . . . .	750
Эни, мм . . . . .	1365
Тўрли барабанинг айланиш даври . . . . .	60—300 минда бир марта
Енгларнинг диаметри, мм . . . . .	300
Енгларнинг узунлиги, мм . . . . .	1900
Енгларнинг фильтрловчи юзаси, м <sup>2</sup> . . . . .	22
Ҳар бир Т-30 саваш машинасига битта ФТ-2 фильтри тўғри келади.	



6-расм. Электр фильтрининг ишлаш принципи. 1 — тожли разряд ҳосил қилувчи электрод; 2 — заррачаларни ўтказувчи электрод.

Ҳозирги пайтда кимё, метал лургия ва бошқа саноатларди кенг қўлланадиган электр фильтрларининг чангли ҳавони тозалаш самарадорлигининг юқори лиги уларни тўқимачилик саноатида ҳам қўллашга даъват этади. Бир қатор амалий қийин чиликлар уларни толали чангларни тозалашда қўллашга мөнелик қилмоқда.

Электр фильтрларининг ишлаш принципи 6-расмда кўрсатилган.

Агар иккита-бирининг учи ўткирланган ёки игна кўрининшида, иккинчиси эса пластинка ёки қувур кўрининшида электродлар олиб, уларга катта кучлашиб берилса, бу электродлар орасида электр майдони ҳосил бўлади. Маълумки, ҳамма вакът ҳавода ионлар ва эркин электронлар мавжуд. Булар юқорида айтилган майдон таъсириди унинг куч чизиқлари бўйлаб ҳаракатга келади ва электронлар

Электр токи оқа бошлайды. Электродларга берилгеннен күчланишни маълум миқдорга оширилганда ионлар электр токилар шунчалик тез ҳаракат қиласиларки, ҳандиги молекулалар билан түқнашиб ва ташқи электронларни майдондан чиқариб юбориб, уларни ионлайди. Йонларнинг бу ҳосил бўлган ионлари электр майдони таъсирида яна ҳам катта тезланиш олиб, газларнинг молекулаларига түқнашади ва уларни ҳам ионлайди. Бу зарбали ионлаш деб аталади.

Зарбали ионлаш ўтириланган ёки игнали электрод таънида тожли разряд ҳодисасини келтириб чиқарсан.

Одатла тожлантирувчи электрод манбанинг манфий таънига уланади, шунда электродлар орасидаги бўшлиқ манфий ионлар ва электронлар билан қопланади. Электр майдонининг таъсири остида мусбат зарядланган электродга ҳавийиб, улар ўз йўлида учраган чанг заррачаларини ҳам манфий зарядлар билан зарядлайди, натижада улар ҳам




Рисунок 111ИИХПромда яратилган электрофильтр схемаси.

1 — цилиндр; 2 — сигналар; 3 — айланувчи метал стакан; 4 — шнек; 5 — чанг йигувчи шнек; 6 — шнек валининг подшипни; 7 — стакан 3 ни ҳаракатга келтирувчи механизм; 8 — чангли ҳаво юборувчи қувур.

мусбат зарядланган электродга йўналади ва унда ўтириб қолади. Шунинг учун ҳам бундай электрод ўтқазувчи электрод деб аталади. Чанг ўтқазувчи электрод вақт-вақти билан зарядсизлантирилиб, чангдан тозалаб турилиши керак.

Шундай электрофильтр ЦНИИХПромда техника фанлари доктори Х. А. Каримов бошчилигидаги бир гурӯз олимлар томонидан толали чанглар учун яратилган. Бундай электрофильтрнинг схемаси 7-расмда келтирилган. Ускуни ихоталовчи снгил материалдан ясалган ва рамага консоль равишда ўрнатилган юзасига тожли разряд ҳосил қилувчи металл иғналар 2 қадалган қўзғалмас цилиндр 1 дан иборат. Бу цилиндр атрофида металлдан ясалган, уч-беш минутда бир марта айланувчи стакан 3, уни ҳаракатни келтирувчи механизм 7 ёрдамида сакин-аста айланаб туради. Цилиндр 1 нинг ичидан диффузор 4 билан тугайдиган ҳаво қувури 8 ўтказилган.

Стакан 3 нинг пастки қисмида унинг деворидан 3-3 мм оралиқда шнек 5 ўрнатилган. Унинг ўқи подшипник 6 да консол равишда ётади.

Ўтқазувчи электрод вазифасини бажарувчи стакан 3 ерга улаб қўйилган. Тожли разряд ҳосил қилувчи иғналарни манфий ишорали 30—40 кВ ўзгармас ток берилади.

Чангли ҳаво 8 ҳаво қувури ва диффузор 4 орқали ўтиб, цилиндр 1 ва стакан 3 орасидаги ҳалқасимон тирқишига киради ва юқорида айтилган физик ҳодиса туфаили стаканнинг ички деворига ўтириб қолади. Тозаланган ҳаво стаканнинг очиқ томонидаги ҳалқали тирқишдан атмосферага чиқиб кетади. Стакан деворларига ўтирган чанг, унинг ва шнек 5 нинг ўзаро ҳаракати натижасида стакан ичидан чиқарилиб, ҳаво ёрдамида чанг йиғиш бункерига йўналирилади.

Юқорида келтирилган электрофильтр намуна ускуни бўлиб, у юқори иш унумдорлигига (секундига  $6 \text{ m}^3$  чангли ҳавони тозалай олади), юқори самараадорликка (99,9%) эга эканлигини ва толали чангларда ҳам қўллаш мумкинлигини кўрсатди. Бундай электрофильтрларни тўқимачилик саноати корхоналарида кенг қўллаш учун бу ускунани соддалаштириш йўлида илмий-тадқиқод ишларини давом эттириш керак.

### 1.3.1. Түқимачилик саноатида ажралиб чиқадиган чангларнинг концентрациясини аниқлаш


Чанглардаги вентиляция системаларининг самарадорлигидеги аниқлашда ва умуман чиқаётган чангларнинг ҳарабиятін концентрациясини аниқлаш мақсадида лаборатория ономалари томонидан вақти-вақтида цехларда ва корхона үзүндүсүдөн намуналар олиб турилади. Таҳлил натижалари чангларнинг дәражасы йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрациядан юқорилигини аниқласа дарҳол уни камидиришига қаратилган чора-тадбирлар қўлланади.


Ҳавонинг санитария ҳолатини назорат қилиш учун үзулларни усуслар қўлланилади: лаборатория усули, индикатор усули, экспресс усул, оптик усул, электрик ва оғирлик (огирлик) усуслари. Бу усусларнинг ҳар бири ўз афзалотлари ва камчилликларига эга. Түқимачилик санитария цехларда чанг концентрациясини аниқлашда энг яхши қўлланиладиган усул оғирлик усулидир. Оғирлик усули текширилладиган маълум ҳажмли ҳавони фильтрдан ўтириб ўтказилганда унинг оғирлиги ортиши принципига номланган.

Оғирлик усулида пластмассадан жасланган патронларга АФА-18, АФА-В-10 маркали фильтрлар ўринатилади. Бу фильтрлар диаметрлари 70 ва 56 мм, ширина диаметрлари 48 ва 36 мм, ширина көлемлари тегишлича  $18,1 \text{ см}^2$  (10,1  $\text{cm}^2$ ) ФПП-15 маркали ўринатиладиган қоғоздан ясалган ҳимоя ҳалқалари.

Бу усульда чанг концентрациясини ўлчаш ускунаси ўринатиладиганда ташкил топади. 9-расм.

Патрон 1 га ўринатилган фильтр намуна олиниши керак. Ағаш жойга штатив 2 ёрдамида ўринатилади. Одатда патронларнинг иш зonasида ердан 1,5 м баландликка, ширина пафас олиш зonasига ўринатилади. Патрон резинаси 4 билан реометр (ёки ротаметр) 5 га уланади, унинг нарабатидаги ҳавони сўриб турувчи пилесосга (чангютгичга) уланади. Бутун ўлчаш давомида фильтрдан ўтувчи ҳавони времининг бир хилдалигини таъминлаб туриш учун 500 кг/см<sup>2</sup> 3 дана фойдаланилади.





9-расм. Чанг концентрациясини үлчаш ускунасынинг схемаси.

Фильтрлар намуна олишдан аввал нормал ҳарорат  $\eta$  намлик шароитида 40—60 мин сақланади. Сұнгра пинциел билан түрт буклаб аналитик торози палласига қўйилади. Ҳар бир фильтрнинг тартиб номери ва массаси алоҳили журналга ва ҳимоя халқаларига ёзib қўйилади. Тўқими чилик саноати цехларида намуна олиш учун 3—5 мин вақт етарли.

Намуна олиб бўлингандан сўнг патрондан фильтр олиниб, 40—60 минут давомида аввалги шароитда ушлаб турилади ва сўнгра яна тортилади. Агар намуна олиш юқори нисбий намлик шароитида бўлса (90—100%), бунидди фильтрлар термостатда  $55-60^{\circ}\text{C}$  да 20—30 мин давомида ушлаб қуритилади ва ундан сўнг 40—60 мин аввалги нормал шароитда ушлаб, кейин тортилади.

Ҳаводаги чанг концентрацияси ( $\text{mg}/\text{m}^3$ ) қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\eta = \frac{(g_2 - g_1) \cdot 1000}{V \cdot t}, \text{ mg/m}^3 \quad (2.2)$$

бу ерда  $g_1$  — тоза фильтр массаси,  $\text{mg}$ ;

$g_2$  — чанг ўтирган фильтр массаси,  $\text{mg}$ ;

$V$  — фильтрдан ўтган ҳавонинг ҳажми,  $\text{l}/\text{мин}$

(реометр кўрсаткичи орқали маҳсус графиклардан фойдаланиб топилади);

$t$  — намуна олиш вақти,  $\text{мин}$ .

Айрим ҳолларда, ҳавода зақарли моддаларнинг концентрациясини тез аниқлаш зарур бўлганда универсал газоанализаторлардан (УГ) фойдаланилади. Уларнинг ишлаши индикаторлар билан шимдирилган маҳсус кутиялар солинган найчадан ҳаво ўтказилганда ундаги ҳарли модданинг концентрациясига қараб ранги ўзгаришига исослангандир. Найчадаги кукуннинг рангли қисмийи узунлиги қанча катта бўлса, мазкур зақарли модданинг концентрацияси шунча катта бўлади. Буни маҳсус индикаторка қилинган чизғич орқали аниқланади.

Индикатор усули хавфлилик даражаси юқори бўлган индикаторни (симоб, цианий бирикмалари ва бошқалар) индикаторниша ишлатилади.

### 2.3.2. Чангларнинг таснифи

Ҳолиги кунда чангли ҳавони тозаловчи ускуналарнинг оғизаб турлари мавжуд, лескин уларнинг қай бирини чангларнинг классификация гуруҳига боғлиқ.

Чанг заррачаларининг ўлчамларига биноан, барча саноат ускуналарнинг чантлари бешта тасниф гуруҳига бўлинади:

- I — жуда йирик чанг;
- II — йирик чанг;
- III — ўрта йириклидаги чанг;
- IV — майда чанг;
- V — жуда майда чанг.

Чангларнинг тасниф гуруҳига қараб, чангли ҳавони тозаловчи ускуналар ҳам самарадорлигига қараб қўйидаги беш таснифа бўлинади.

#### 3 - жадвал

Чангли ҳавони тозаловчи ускуналарнинг самарадорлиги бўйича таснифи

Чангли ҳавони тозаловчи ускуналарнинг таснифи	Самарали ушланниб қоладиган чанг заррачаларининг ўлчами, мм	Чангларнинг дисперслиги бўйича	
		дисперслиги бўйича чанг гурӯҳи	самарадорлиги
I	0,3—0,5, 20 ундан катта	V	80
II	2	IV	99,9—80
III	4	III	92—45
IV	8	II	99,9—80
V	20	I	99,9—99

Чангли ҳавони тозаловчи ускунанинг ишлаш самардорлиги ҳаводаги чангнинг қанча миқдори ушлаб қолинганлиги билан белгиланади ва одатда % ларда ҳисобланади. Масалан, ускунага  $m_1$  кг чанг кирди, унда  $m_2$  кг чини ушлаб қолинди, унинг самарадорлиги

$$\eta = \frac{m_2}{m_1} \cdot 100\% \quad (2.3).$$

Одатда бу катталик ускунага кираётган ва ундан чиқаётган ҳаводаги чанг концентрацияси билан аниқланинди:

$$\eta = \frac{C_k - C_q}{C_q} \cdot 100\% \quad (2.4).$$

Айрим ҳолларда чангли ҳавони тозаловчи ускуналар нинг самарадорлиги етишмаслиги натижасида икки босқични ускуналар ҳам қўлланилади. Бундай ҳолларда умумий самарадорлиги қўйидагича ҳисобланади:

$$\eta_{ym} = \eta_1 + \eta_2 - \frac{\eta_1 \cdot \eta_2}{100} \quad (2.5).$$

бу ерда  $\eta_1, \eta_2$  — ҳар бир чангли ҳавони тозалаш ускунасининг ишлаш самарадорлиги.

#### 2.4. ЦЕХЛАРНИ ЁРИТИШ

Тўқимачилик саноатида ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишининг асосий омилларидан бири иш жойлашрнинг ёритилишидир. Тўғри ташкил қилинган ёритилганинг меҳнат шароитининг нормал бўлишини таъминлайди. Фақатгина ёритилгандикни яхшилаш ҳисобига иш унумдорлиги 5% дан зиёдроқ ошганлиги аниқланган.


Маълумки, киши 90% ахборотни фақат кўз орқали олади. Демак, корхонада ёритилгандикни рационал ташкил қилиш киши саломатлиги ҳамда марказий асад системасининг фаолияти нормал бўлишига сабаб бўлар экан. Ёритилгандик етарли бўлмаса ёки у рационал жойлаштирилмаса, машинанинг хавфли қисмларини сезмай қолиши натижасида бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин. Нормал ёритилгандик меҳнат унумдорлигини ошишига маҳсулот сифатини яхши бўлишига олиб келади.

#### **2.4.1. Мөхнат муҳофазасининг ишлаб чиқаришдаги ёритилганликка бўлган талаблари**

Ишлаб чиқариш шароитида ёритилганлик ишчилар автоматлигига зарар етказмаслиги учун у кўзни зўриқтиришадиган, иш вақтида хонанинг ҳамма қисмларида бир тақсимланган бўлиши талаб қилинади. Ёруғлик қамаштирамайдиган бўлиши, бошқача қилиб айтганда, ёргулар нурлари кўзга тўғридан-тўғри тушмаслиги ёки ёруғлик спектрал таркиби шундай танланиши керак. Ёруғликнинг спектрал таркиби нарсаларнинг рангларини тугри қабул қилсин. Иш жойларида кескин ажралиб ёруғчи соялар бўлиши ва иш жойлари билан атрофдаги юнитнинг ёритилганлиги жуда катта фарқ қилмаслиги керак. Чунки, акс ҳолда киши кўзини бир шароитдан юнитнинг аккомодация хусусияти бузилиб, кўриш органининг толиқиши ҳолати рўй беради.

#### **2.4.2. Ишлаб чиқаришдаги ёритилишнинг таснифи**

Иш жойларининг ёритилиши асосан ишлаб чиқаришдаги схема бўйича амалга оширилади



## Ишлаб чиқаришда ёритилишининг турлари ва системалари

Маълумки, табиий ёруғлик манбай қўёшдир. Сунъий ёруғлик манбай эса элекстр энергияси бўлиб, у чўғланма лампалари ва люминесцент лампалар орқали амалга оширилади. Табиий ёруғлик бинонинг ён томонидан (деразалардан), юқоридан (бунда ёруғлик шедлер ёки зенит фонарлари орқали) ва комбинациялаштирилган, яъни ён тарафдаги деразалар орқали ҳамда юқоридан тушган ёруғлик орқали ёритилади. Цехлар кундуз куни одамга ёқимли ва фойдали бўлган табиий ёруғлик билан ёритилишига алоҳида аҳамият бериш керак.

Корхоналарда иш икки, уч сменали ёки цехларнинг ўлчамлари катта бўлганда тўқимачилик корхоналарига хос сунъий ёритиш қўлланилади, чунки бундай катта цехларда табиий ёруғлик билан бутун цех бўйича етарли ва бир текис ёритилишни таъминлаш мумкин эмас.

Сунъий ёруғлик умумий (бутун цех бўйича), маҳаллий ёруғлик эса фақат иш жойида, аралаш ёки умумий ёруғлик билан маҳаллий ёруғлик биргаликда қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакли, маҳаллий ёруғлик алоҳида, якка ўзи њеч маҳал қўлланилмайди.

Агарда бир хил ёруғлик оқими берувчи лампалар цех базаси бўйича бир текис ўрнатилган бўлса, буни тенг тақсимланган умумий ёруғлик дейилади. Агарда лампаларнинг ўрнатилишида ёруғлик оқими кўпроқ иш жойларига ёки бошқа зарур участкаларга йўналтириб ўрнатилса, буни умумий локаллаштирилган ёруғлик деб аталади.

Сунъий ёруғлик ўзининг вазифаси бўйича иш ёруғлиги — яъни корхонада технологик жараённи нормал бориши учун зарур бўлган ёруғлик, авария ҳодисалари вақтида ишлатиладиган ёруғлик ва максус ёруғликка бўлинади.

Авария ҳодисалари учун ишлатиладиган ёруғлик ишчиларни эвакуация қилиш ва айрим ҳолларда муҳим участкаларда ишни давом эттириш учун ишлатилади. Булар шундай ҳолларки, иш ёриткичи ўчса, портлаш, ёнгин, жароҳатлар содир бўлиши ва технологик жараён узоқ муддатга ишдан чиқиши мумкин. Бундай ҳоллардаги (яъни авария режимидағи) ёритилганлик иш ёруғлигининг меъридан 5%, шу билан бирга цехларда ва хоналарда 2 лк дан ва ташқарида 1 лк дан кам бўлмаслиги керак.

Ишчиларни эвакуация қилишга мүлжалланган ёритилгандык хоналарда камида 0,5 лк, ташқарыда 0,2 лк дан кам бўлмаслиги (айниқса зиналарда ва йўлакларда) шарт. Бунинг учун чўғланма лампалари ва люминесцент лампалар ишлатилиши мумкин. Авария ҳодисалари учун ишлатиладиган ёруғлик системаси алоҳида манбадан таъминлашини керак.

Махсус ёруғлик турига нурлантириш мақсадида ишлатиладиган ёруғлик киради. Бу ёруғлик ёритем нурланиши, яъни ишчиларни махсус хона — фотарийларда ёки лабиринт коридорларидан ўтказиб ультрабинафша нурлар билан нурлантириш. Бу айниқса ҳозирги пайтда кенг қўлланаётган, фақат сунъий ёруғлик билан ёритиладиган цех ишчилари учун зарурдир. Маълумки, бутун иш куни давомида улар қўёш нурини кўрмайдилар ва организмларда ультрабинафша нурларга муҳтожлик ортади. Яна бир нурланиш тури бўлган бактерицид нурланиши эса, сув ва ҳавони стериллаш мақсадида ишлатилади.

#### 2.4.3. Ёруғликни меъёрлаштириш

Маълумки табиий ёруғлик билан цехларни ёритганда улар катта чегарада ўзгаради. Бу ўзгаришлар, метеорологик шароитлар, йилнинг фасли ва бошقا бир қанча омилларга боғлиқдир. Шунинг учун цехларда табиий ёруғликни ёритилганликнинг миқдорий жиҳатдан месъёрлаштириб бўлмайди.

Тўқимачилик саноати цехларидаги табиий ёруғликни ҳисоблашда ва месъёрлаштиришда табиий ёритилганлик коэффициенти ( $T\dot{E}K$ ) қабул қилинган. Бу катталик бир пайтда ўлчангандан хона ичидағи ёритилганлик ( $E_u$ ) нинг ташқаридаги ( $E_m$ ) ёритилганликка нисбати билан характерланади, ёки

$$T\dot{E}K = \frac{E_u}{E_m} \cdot 100\% \quad (2.6)$$

Табиий ёритилганлик коэффициенти деразаларнинг ўлчамлари, ойна турлари, уларнинг ифосланиши ҳамда ёруғлик ўтказиш қобилиятига боғлиқдир.

Ҳар бир цех учун хонанинг нуртехник сифатини характерлайдиган табиий ёритилганлик коэффициентининг юза бўйлаб ўзгариш графиги чизилади. Цех ён томонидан

ёритилганды ТЕК нинг минимал миқдори, юқоридан ва комбинациялашган ёруғлик қўлланганда эса унинг ўрта миқдори меъёрлаштирилади. Бу эса ўз навбатида бир хил иш шароитида ТЕКнинг минимал қийматидан кам бўл- маслиги керак.

#### 2.4.4. Сунъий ёруғлик

Ҳозирги пайтда сунъий ёруғлик асосан икки хил лампалар — чўғланма ва люминесцент лампалар орқали амалга оширилади.

Чўғланма лампаларнинг фойдали иш коэффициенти кичик, уларга келадиган энергиянинг жуда озгина қисми ёргуларни, асосий қисми эса иссиқлик энергиясига айланади. Бу лампалар спектри қўёш спектридан кескин фарқ қилувчи ёруғлик берадилар, шунинг учун бу лампалар ишлатилган ерларда кишининг рангларни идрок қилиш қобилияти сусайди. Лекин, бу лампалар тузилишининг оддийлиги, хоҳлаган қувватда ишлаб чиқариш мумкинлиги, босимнинг ва намликтининг жуда катта диапазонида ишлатилиши мумкинлиги сабабли ҳам кенг миқёсда қўлланмоқда. Бу лампаларни ёрдамчи цехларда, фонарсиз биноларнинг техник этажларида, вентиляция камераларида ва кондиционерлар жойлашган хоналарда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Люминесцент лампалар табиий ёруғлик спектрига яқин спектрда ёруғлик тарқатадилар. Бу ишчиларни камроқ толиқтиради, рангларни идрок қилиш қобилияtlари ортади. Бу лампалар электр энергиясини тежашда анча афзалдир ва чўғланма лампаларга қараганда ёруғлик чиқарувчи юзлари катта бўлганлиги учун кўзни қамаштириш қобилияти камдир. Люминесцент лампалар паст ва юқори босимли қилиб тайсрланади.


Люминесцент лампалар камчиликлардан ҳоли эмасдир.

Ёруғлик оқимининг пульсацияли тарқалиши люминесцент лампанинг камчилигидир. Бу биринчидан, ишчиларнинг физиологиясига салбий таъсир қиласа, иккинчидан стробоскопик самара пайдо қиласи. Бу шундай ҳодисаки, машина ва дастгоҳларнинг ҳаракатдаги қисмлари тұхтаб турган, секин айланастган ёки нотұғри ҳаракат қилаётган бўлиб туйилади. Бу эса қўшимча хавф-хатар туғдиради. Бундан ташқари радиотүсиқлар пайдо қиласи, яъни то-

вушни тиниқ эшитилишига халал беради ва айрим пайттарда шовқин чиқарып ишлайди.

Тұқувчилик саноатида бу лампалар үраш машиналарининг бобиналарини, тандалаш машинасиянинг шпулярник ва ундан танда барабанига келестіган ипларни өритишда, охорлаш машиналарининг құритиши камераларида, ип улаш (узловязальная) машиналариде арқоқ ипларни өритишда ҳамда проборлаш станокларининг ресмиз ва бердоларини өритишда кенг құлланилади.


Қандилларнинг яна бир афзаллиги шундаки, ишловчиларнинг күзига лампалардан чиқаёттан нурларни түғридан-түғри тушишдан сақлады. Маълумки, күзге нур түғридан-түғри тушганда күз қамашиб, равшанлик катта булганда маълум вақтгача күз олди қоронғилашиб, объектлар ёмон күринади ёки күринмай қолиши мумкин. Ёруғлик манбаларининг күзни қамаштириш хусусиятини камайтириши қандилларнинг ҳимоя бурчагига боғлиқдир. Ҳимоя бурчаги (10-расм) бу қандилнинг пастки қиррасининг горизонтал чизиги билан лампанинг қиздириш чизигидан қарма-қарши томонға үтказилған нур орасидаги бурчакдир.



10-расм. Қандилнинг ҳимоя бурчаги. а — чүгланма лампаларда;  
б — люминесцент лампаларда.


Бу бурчак одатта қуйидеги формула буйича ҳисобланиб  
 $\lg \alpha = \frac{h}{d}$ , чүгланма лампалари учун  $\alpha = 30^\circ$ , люминесцент лампалар учун  $\alpha = 15^\circ$  олинади.

Конструкцияси буйича қандиллар очиқ, ҳимояланған, ёпиқ, чанг үтказмайдыган, намлиқ үтказмайдыган, портлаш хавфидан ҳимояланған турларга булинади (11-расм).



11-расм. Қандилларниң турлари. 1 — очиқ қандиллар; 2 — ёпиқ қандиллар; 3 — портлаш хавфидан ҳимояланған қандиллар.

Қандилларнинг махсус турларидан бири ҳисобланған тирқишли световодлар алоқида зътиборга лойиқидирлар. Булар портлаш хавфи бор корхоналарда ишлатилиді. Зеро, тұқымачилик саноати цехларыда құллаш ҳам фойдалдан холи эмас.



12-расм. Тирқишли қандиллиның схемаси.


12-расмда тирқишли нурбергичнинг схемаси берилген. Ёруғлик манбалари 5, оптик система билан биргаликта цехдан ташқары алоқида хона 4 да жойлашған бұлиб, ундан ёруғлик нурлари ҳам бериладиган ва нурларни яхши үтказадиган эластик плёнка световод канали 3 га йұналтирилади. Унинг ички юзаси алюминий фольгаси (зар) билан қопланғандыр. Маълумки, зар ёруғлик нурини яхши қайтаради. Қайтган нурлар тирқиши 7 орқали цех 1 га

йўналтирилиб, машина ва станоклар 2 ни ва иш жойларини ёритади. Цехдаги ёруғликни яхшилаш учун световод каналининг узунлигини, диаметрини ва формасини ўзгартириш имконияти мавжуд. Бу световодларни қўллаш, лампаларни ўз вақтида алмаштириб туриш, ёритиш системаларини мунтазам назорат қилиш, электр ва юқорида ишлаш сингари хавф-хатарлардан сақлади. Бу световодларнинг яна бир афзал томони шундаки ёруғлик оқимикинг бир текис тақсимланиши билан бирга цехда ёритилганликнинг юқори даражасига эришиш мумкин.

Юқорида айтилганидек, ёритишнинг маҳсус турлари қаторига нурланиш киради. Маълумки, нурланишнинг икки тури мавжуд бўлиб, булар эритем ҳамда бактерицид нурланишлари дид. Бактерицид нурланишлар сув ва ҳавони стериллаш мақсадида ишлатилади.

Ёритилганликни ўлчаш, асосан, объектив люксметрлар ёрдамида (Ю-16, Ю-116, Ю-117) бажарилади. Буларнинг ишлаш принципи фототокни ўлчашга асосланган (13-расм)

Ток ёруғлик оқимига сезгир бўлган селенили фотоэлементнинг қатлами ҳамда у билан туташган гальвонометр орасида пайдо бўлади. Гальвонометр стрелкасининг оғиши фотоэлементнинг ёритилганига пропорционалдир. Бу оғиши люксларда даражаланган-дир.



13-расм. Люксметр Ю — 16.  
1 — ўлчовчи асаб;  
2 — селенили фотоэлемент.

## 2.5. ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ШОВҚИН ВА ТИТРАШДАН САҚЛАНИШ.

Турли баландликдаги ва частотадаги товушларнинг тартибсиз равиша қўшилиб эшитилиши шовқин деб аталади. Товуш физик ҳолат сифатида ҳавода, сувда ва бошқа тарағ мұхитдан келиб чиқадиган түлқинсимон ҳаракатлардан иборатдир. У товуш чиқарадиган жисмларнинг төбранициши натижасида ҳосил бўлади ва бизнинг эшитиш органимиз томонидан қабул қилинади.

Шовқин касбий касалликка олиб келиши мумкин. У бошни айлантириб, мияда оғриқ турғизади ва қулоқ шанғиб асаб системасига ҳам ёмон таъсир қиласи. Айниқса фикрни

тұплаб, ақлий иш билан шугулланишга имкон бермайды, бутун диққат-эътиборни бсріб ишлаш лозим бұлса, иш қобилятини (10—60% га) пасайтириб юбориши мүмкін. Үзоқ вақт мобайнида шовқиннинг одамға сезилмас даражада таъсир қилиши асаб системасини ишдан чиқишига олиб келиши мүмкін. Айниңца қаттық ва күчли товушлар, шунингдес тұхтовсиз равища бир хилда чиқиб турадиган товушлар одамға ёмон таъсир қиласы.

Шовқин таъсирида түрлі аязолар ва системаларнинг, масалан ҳазм қилиш (ошқозон шираси секрециясининг ўзгариши), қон айланиши (қон босимининг күтарилиши) ва шунга үхашшларнинг нормал фаолияти бузилади.

Шовқинлар келиб чиқиши бүйіча асосан уч хил бұлади:

1. Саноат шовқини.
2. Транспорт шовқини.
3. Маший шовқинлар.

Шу билан бирға газ ва суюқликларнинг ҳаракати натижасыда ҳам шовқин чиқиши мүмкін. Бундай шовқинлар аэродинамик шовқинлар деб аталади.

Тұқымачилек саноати корхоналари ҳам бундан мустасно әмасдир. Шовқин даражасы юқори бұлған цехларда ишловчи ишчиларда касбий касаллик "шовқин касаллығы" учраб туради. Шу билан бирға айрим иш жойларининг сурункали титраши натижасыда "вибрацион касаллик" ҳам учраб туради.

### 2.5.1. Шовқин тавсифи ва уни меъёрлаштириш

*Шовқин* — бу товушдир. Товуш эса җаводаги заррачаларнинг меканик тебранишидір. Бу тебранишлар тұлқинсимон равища тарқалиб киши қулоғига бориб етади ва қулоқ пардасини босади, натижада товуш эшитилади. Товуш эшитилиши учун тұлқин маълум күчта әга бўлиши керак. Бу күч эса товуш тұлқинининг паскальда (Па) ўлчанадиган босими билан белгиланади.

Киши қулоғи товуш босимининг  $2 \times 10^{-5}$  дан  $2 \times 10^2$  Па гача бұлған диапозонини қабул қила олади. Пастки чегара яъни ( $P_0 = 2 \times 10^{-5}$  Па) киши қулоғи илгай оладиган минимал товуш босими — эшитиш чегараси деб аталади.

Юқориги чегара, яъни ( $P_{\max} = 2 \times 10^2$  Па), киши қулоғи оғриқ сезгунча чидай оладиган максимал товуш босими — оғриқ чегараси деб аталади. Оғриқ чегарасидан юқорида қулоқлардан қон сизиб чиқиши ва қулоқ пардасининг йиртилиши ҳоллари бўлиши мумкин. Икки кишининг ўзаро суҳбати одатда 0,1 Па босимда кечади.

Частоталари бўйича киши қулоғи 20 дан 20000 Герц оралиғидаги товушларни қабул қиласди. Бу кичик ва ўрта ёшдаги одамларга хос. Киши қариганда эса юқориги чегара 15000 Гц ларга тушиб қолади, шунинг учун кўпчилик кишилар қариганда ёмон эшитадиган бўлиб қолади. Киши қулоғи айниқса 37,5—9600 Гц оралиғидаги частоталар диапазонини яхши қабул қиласди. 20 Гц дан кичик ва 20000 Гц дан катта частотали товушлар инфратовуш ва ультратовуш дейилади. Бу областлардаги товушларни киши қулоғи эшига олмайди.

Киши қулоғининг эшитиш қобилиятини товуш босимининг абсолют ўзгариши бўйича эмас, балки унинг нисбий ўзгариши бўйича олиш қабул қилинган. Товуш босимининг бундай нисбий ўзгариши шовқин кучининг бошлангич даражаси (нулевой уровень) деб аталади ва этalon сифатида қабул қилинган.

Бошлангич даражаси (этalon) қилиб тебраниш частотаси 1000 Гц, товуш босими  $2 \times 10^{-5}$  Па қабул қилинган. Бу эшитиш қобилияти нормал бўлган кишилардаги эшитиш чегараси билан мос келади. Бу частотаси 2000 Гц бўлгандаги товуш қуввати  $10^{-12}$  Вт/м<sup>2</sup> га мос келади.

Шовқин кучини ўлчаш учун логарифмик шкала қабул қилинган, ҳар бир кейинги поғона, олдинги поғонадан ўн марта каттадир. Шовқинларнинг бундай нисбати шартли равишда бел (Б) деб аталиб, қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$B = \lg \frac{J_i}{J_0} \quad (2.7)$$

бу сарда  $J_i$  — товуш босимининг ўлчанган қиймати, Па.  
 $J_0$  — товуш босимининг этalon қиймати,  $2 \times 10^{-5}$  Па.

Агар бир қанча шовқинлар биргаликда таъсир қилгандা, биринчиси бошланғичидан, яъни асос қилиб олинганидан 10 марта катта бўлса,  $J_i/J_0 = 10$ . Бунда шовқин 1Б га катта деб олинади, чунки  $\lg 10 = 1$ . Агар  $J_i/J_0 = 100$  бўлса 2Б га

катта деб олинади, чунки  $lg 100 = 2$  ва ҳоказо. Бел анча катта қиймат. Одамнинг қулоғи одатда товуш кучи ўзгаришининг 0,1 Б ни пайқайди. Шунинг учун товуш кучининг ўлчов бирлиги қилиб амалиётда Белнинг ўндан бир бўлаги бўлган децибел (дБ) қабул қилинган. Эшитишнинг юқориги максимал чегараси 13 Б (130 дБ) га тўғри келади. Бундан юқори шовқинларда қулоқда оғриқ пайдо бўлади.

Частотаси бўйича шовқинлар уч синфга бўлинади:  
паст частотали — 350 Гц гача;

ўрта частотали — 350 дан 800 Гц гача;

юқори частотали — 800 Гц дан юқори бўлган частотали.

Инсон танасига таъсири бўйича юқори частотали шовқинлар зарарли ҳисобланади.

Шовқинлар товуш босими, частотаси, шовқин тури (тонал, кенг минтақали, импульсли) ва таъсир қилиш вақтининг узунлиги билан нормалаштирилади.

Ҳар хил частотали шовқинлар киши қулогига ҳар хил таъсир қиласи. Шунинг учун ҳар бир ўрта геометрик частотанинг октава чизиги шовқиннинг йўл қўйса бўладиган меъёри белгиланган.

Октава чизиги — товушлар частотасининг юқоригиси пасткисидан икки марта катта қийматга тенг бўлган интсрвалидир, яъни

$$\sqrt{\frac{f_{\text{юқори}}}{f_{\text{пастки}}}} = 2 \quad (2.8)$$

Шовқинларни мсъёрлаштиришда ўрта геометрик частоталарнинг қўйидаги октава чизиқлари қабул қилинган: 63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000, 8000 Гц.

Октава чизиқларининг ўрта геометрик частотаси қўйидаги формула бўйича аниқланади:


$$f = \sqrt{f_{\text{юқори}} \cdot f_{\text{пастки}}}$$

Шовқинлар частотасининг спектри бўйича кенг минтақали (бунда таркибида кўп товуш частоталари бўлади, масалан, тўқув дастгоҳидан чиқаётган шовқин) ва тонал турларига бўлинади. Тонал шовқинларда маълум тон аниқ эшитилиб туради. Масалан, вснтилятордан ажralиб чи-

## Товуш босимининг йўл қўйса бўладиган даражаси

Хоналар	Октава чизигининг ўрта геометрик частоталари, Гц							Товуш даражаси, ДВА
	63	125	250	500	1000	2000	4000	
Тўқумачлик корхоналарининг ишлаб чиқариш цехлари (домний иш жойлари) ва ҳудудлари	103	96	91	88	85	83	81	80
Тўқумачлик корхоналарининг ишларни хоналари	79	70	63	58	55	52	50	49
Яшаш жойлари ҳудудлари макор-районларининг дам олиш майдонлари	67	57	49	44	40	37	35	33

қаёстган шовқин. Тонал шовқин кенг полосали шовқинга нисбатан киши организмига күпроқ салбий таъсир күрсатади. (14-расм.)



14-расм. Шовқиннинг спектрал таркиби. а — кенг погонали; б — тонал.

холаш мумкин. Бунинг учун шовқин улчаш асбобининг А шкаласидан фойдаланилади ва бу дБА да ўлчанадиган стандартлаштирилган ва барча шовқин ўлчаш асбобларида мавжуддир.

Шовқин меъёrlарига, унинг таъсир қилиш вақтининг узунлигига қараб тузатишлар киритилади. Бу тузатишлар қўйидаги (5-жадвал) да келтирилгандир.

#### 5 - жадвал

Йўл қўйиш мумкин бўлган товуш босимига тузатишлар.

Шовқин таъсири вақтининг узунлиги, соат	Шовқин характеристи	
	кенг минтақали	тонал
4 дан 8 гача	0	-5
1 дан 4 гача	-6	-1
15 мин. дан 1 с гача	-12	-7
5 мин. дан 15 мин. гача	-18	-13
5 минутгача	-24	-19

Тўқимачилик корхоналарида ажralиб чиқадиган шовқинларнинг характеристикиси умумий тарзда қўйидаги жадвалда берилган.

Шундай қилиб, юқоридаги жадвалдан кўринниб туриптики, тўқимачилик саноатининг кўпгина машина ва дастгоҳларининг шовқин даражалари гигиена меъёrlаридан 10—20 дБ юқоридир.

## 6 - жадвал

Тұқимачилик саноати корхоналари машиналарининг товуш босими даражасы (ВНИИЛТекМаш бүйича)

Машина, (дастоқ түри)	Октава чизиқларининг ўрта геометрик частоталардаги, Гц, товуш босими даражалари, дБ.							
	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Кипорих литель	94	93	91	89	84	77	69	61
Пилик ма- шинасы	94	97	101	105	101	97	99	94
Йигириув машинасы П-76-ИГ- 1М	104	108	104	103	106	99	97	95
П-76-5М	98	102	107	110	106	101	99	94
ППМ-120-М	95	96	98	104	105	102	98	90
Үраш маши- насы М- 150-2	100	96	97	99	99	95	93	89
Пишитиш машинасы КЭ-1-175 ШЛ	97	95	99	101	101	105	108	104
КЭ-1-250- ЗИ	92	103	100	99	102	103	100	95
Күшиб үраш-пиш итиш ма- шинасы ТК-160-И	86	102	96	98	99	102	103	95
TK-200-И	79	83	81	84	88	100	100	85

Йигирув-пишитиш машинаси ПК-114 — ШГ	91	96	97	99	102	95	89	87
ПК-100 М	102	103	106	103	102	99	95	89
Түкүв дастгохлари АТ-100-5М, АТ-100-6	98	99	100	103	104	103	100	94
СТБ-2-175	95	95	95	99	99	98	96	96
СТБ-4-175	96	97	98	98	99	96	96	94
СТБ-2-250	97	97	98	97	96	94	92	91
СТБ-2-330	94	95	96	96	96	95	93	92
АТПР-100-1	93	92	95	99	96	94	93	93
АТПР-120-1	94	97	98	99	97	96	95	94
ТЛБ-80	92	98	98	98	96	93	89	86
ТЛБ-40	89	85	95	96	94	91	87	85

Тұқымачилик саноатининг йигирув-пишитув цехлары нинг иш жойларыда товуш даражаси А шкаласи бүйіча 80—98 дБА, тайсролов-түкүв ва йигирув цехларыда 75—95 дБА, пиликлаш ва пилталаш цехларыда 80—100 дБА ни ташкил этади. Шовқин чиқиши бүйіча әнг юқори даражани түкүв цехлари ташкил қиласади. Айниқса мокили автоматик түкүв дастгохлари үрнатылған цехларда умумий шовқин даражаси юқори частотали спектрларда 100—104 дБни ташкил этади. Бу эса ишчиларнинг организмыга салбий таъсир күрсатади. Ишлаб чиқаришга янги жорий қилингандык мокисиз ва пневматик түкүв станокларыда шовқин 15—20 дБА камроқ.

## 2.5.2. Шовқинга қарши курашиш усуллари


Шовқинга қарши курашиш қуйидаги усуллар билан ишалға оширилиши мүмкін:

оқилюна акустик режалаштириш (шовқинли ускуналарни тұгри жойлаштириш);  
манбанинг шовқин чиқаришини камайтириш;  
шовқинни ихоталаш;  
шовқинни ютиш;  
шовқинга қарши түсіклар құллаш;  
шовқинни бұғувчи мосламалар құллаш;  
шовқинга қарши шахсий ҳимоя воситалари құллаш.

Рационал акустик режалаштириш. Корхона обьектларини режалаштириш, бош режани лойиҳалашда шовқин чиқарувчи обьектларни локаллаштириш, маълум обьектарга, яғни бошқа обьектларга шовқиннинг зарари тегмайдиган қилиб жойлаштириш талаб қилинади. Бунда биринчи навбатда "шамоллар гулдастаси", яғни шу аҳоли пунктіда шамолнинг асосий йұналиши ҳисобға олинади.

Шовқинли цехлар билан "тінч" хоналар (идоралар, конструкторлық бюролари, кутубхона, тиббиёт хонаси ва ы. к. лар) орасидаги масофа шовқинни кераклы миқдорда камайтира оладиган даражада бұлиши керак. Агар корхона шаҳар ҳудудида бұлса (тұқимачилик корхоналари аксар шаҳар ҳудуди ичіда жойлашған бұлади), шовқинли цехлар аҳоли яшовчи үйлардан узокрөкде, яғни корхона ҳудудининг ичкарисида жойлаштирилиши керак. Агар бундай цехлар бир бинонинг ичіда жойлаштирилиши керак бұлса "тінч" хоналар шовқинли хоналардан шовқинни яхши ихоталовчи түсіклар билан тәммілләніши ёки бошқа, одам әм бұладиган хоналар, санузел ва коридорлар билан көратылған бұлиши керак.

Умуман шовқин манбасидан 1, м узоқликда қанчага сұннини қуйидаги формула билан инцилаш мүмкін (15-расмге қарасты). Масалан, тұқым цехиден 30 м узоқликда корхона ҳовлисінде жойлашған сартарошхоналарды шовқиннинг күчини анықлай. Шовқин манбасидан 1 м масоффадаги кучи 94 дБ.



15 расм.

$$L_x = L_{\text{шм}} - 20 \lg L - 8 = 94 - 20 \lg 30 - 8 = 56,4 \text{ дБ}$$

бу ерда  $L$  — шовқин манбаси билан бирор обьект орасидаги масофа, м;

$L_{\text{шм}}$  — шовқин манбанинг шовқин чиқариш кучи даражаси, дБ (одатда ундан 1 м масофада ўлчанади);

$L_x$  — шовқинни  $L$  масофада сўниши, дБ.

Шовқин кўп чиқарадиган цехлар атрофи яхши қўказамзорлаштирилган, барги қалин дараҳт ва буталар билан қопланган бўлиши керак.

Манбанинг шовқин чиқаришини камайтириш. Манбанинг шовқин чиқаришини камайтириш усули энг радикал усуллардан ҳисобланиб, у шовқинни кескин камайтириш имконини беради. Бу шовқинли машинанинг конструкциясини ёки технологик жараённи ўзгартириш орқали амалга оширилади. Масалан, машина ва ускуналардаги зарбали ҳаракатларни зарбасиз ҳаракатларга алмаштириш, агрегатларнинг кичик тезланишли кинематик схемаларини яратиш ва т. к.

Манбадаги шовқинни пасайтиришда энг қулай усуллардан бири деталларнинг титрашини камайтиришdir. Бунинг учун, металдан ясалган деталларни ички ишқаланиш коэффициенти катта бўлган материаллар (резина, битум, битумлаштирилган кигиз, картон) билан қопланади.

Пластмассадан ясалган шестерняларни қўллаш ва шестернялар юзасини резина билан қоплаш шовқинни сезиларли дараҷада пасайтиради.

Пневматик йигирив машиналарида халқали йигирив машиналарига нисбатан шовқин 10—20 дБ камдир.

Кейинги йилларда кўлгина фабрикаларда шовқинни камайтириш мақсадида T-150 қўшиб ўраш машинасининг эксцентрик механизми ариқчали барабанча билан алмаштирилди. Бунда асосий шовқин манбаси бўлган ип йўналтиргич, эксцентрик ва унинг вали керак бўлмай қолди ва улар олиб ташланди.

Тўқимачилик саноатида шовқин, асосан механик ва автоматик тўқув дастгоҳларидан чиқади. Дастгоҳ механизmlарининг зарбали иш принципи айниқса тепки механизми, ҳаракат узатувчи шестернялар, батанинг ва мокининг урилиш пайтларида шовқин ошиб кетади. AT-120-5 автоматик дастгоҳнинг иш пайтидаги шовқин даражаси 98 дБ бўлса, мокисиз ишлаганда эса 83 дБ га, батан ва

шогонялкасиз ишлаганда 79 дБ, тепки механизмисиз ишлаганда эса 65 дБ гача камайган.

Автоматик түқув дастчоҳлари ишининг зарбали принципининг ўзгариши, мокисиз дастгоҳларга алмаштириш шовқин даражасини сезиларли камайтириш имконини беригина қолмай, шу билан бирга унинг иш унумдорлигини оширишга имкон беради.

Фақатгина механик түқув дастгоҳларидаги түғри тишли ҳаракатлантирувчи шестерняларни қийшиқ тишлilarга алмаштиришнинг ўзигина шовқин даражасини 60—75% га камайтиради. Шестерняларни сифатли ва аниқ қилиб тайёрлаш 3—4 дБ, ҳаракат узатувчи қисмларнинг сифатли мойланиши эса шовқин даражасини 2—3 дБ га камайтиради.

### Шовқинни ихотлаш

Шовқинни манбада ихотлаш, уни пасайтиришнинг таъсирчан тадбирларидан биридир. Ҳозирги пайтда ихоталашнинг техник даражаси шовқинни 20—40 дБ камайтириш имконини беради. Шовқинни ихоталовчи воситаларга кабиналар, тўсиқлар ва ҳимоя қобиқлари ҳамда машина ва механизмларни ерга ўрнатиш жойларига резина қистирмалар, пўкак ва пўлат пружиналар орқали ўрнатиш мисол бўлиши мумкин.

Масалан, қалинлиги 40 мм ли намат ва резина-намат қистирмалар ишлатилганда түқув дастгоҳларидан ажralиб чиқадиган шовқин 1—2 дБ, юқори частоталарда эса 5—7 дБ га камаяди. Түқув дастгоҳларининг юзаларини 0,1—0,15 мм қалинликдаги 709 номерли лок билан қоплаш эса шовқинни 4 дБ га камайтириши маълум.

Машина ва унинг айрим қисмларини қобиқлар билан беркитиш шовқинни камайтиради. Буларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қобиқлар ичи товуш ютувчи материаллар билан қопланади. Бунда машина ва механизмларнинг ҳаракатидан қобиқларнинг ўзи титраб, шовқин чиқармаслигига эришиш керак.

Тбилиси Мехнатни муҳофаза қилиш илмий тадқиқот институтининг тажрибалари шуни кўрсатади, түқув дастгоҳидаги моки қутичасини  $0,99 - 0,1 \text{ г}/\text{см}^3$  зичликдаги микровак пластикат билан қоплаш шовқинни 3—3,5 дБ камайтириш имконини беради.

Қобиқнинг шовқинни камайтириш самарадорлиги қўйидаги формула билан аниқланади:

$$A = \sigma + \delta \quad (2.10)$$

бу ерда  $\sigma$  — ютилиш ҳисобига шовқиннинг камайиши, дБ.  
 $\delta$  — ихоталаш ҳисобига шовқиннинг камайиши, дБ.

Ютилиш ҳисобига шовқиннинг камайиши товуш ютувчи материалнинг зичлигига боғлиқ бўлиб, уни қўйидаги формулалар орқали ҳисобланади:

$$\sigma = 13,51 \lg P + 13 \text{ дБ; } P < 200 \text{ кг/м}^3 \text{ бўлганда.} \quad (2.11)$$

$$\sigma = 23 \lg P - 9 \text{ дБ; } P > 200 \text{ кг/м}^3 \text{ бўлганда.} \quad (2.12)$$

Бунда  $P$  — товуш ютувчи материалнинг зичлиги,  $\text{кг/м}^3$ .

Товушни ихоталаш ҳисобига шовқиннинг камайиши эса қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\delta = 10 \lg \frac{S_2 \alpha_2}{S_1 \alpha_1}, \text{ дБ} \quad (2.13)$$

бу ерда  $S_1$  — қобиқ деворлари юзасининг майдони,  $\text{м}^2$ ;  
 $S_2$  — товуш ютувчи қоплама деворлари юзасининг майдони,  $\text{м}^2$ ;

$\alpha_1$  — товушни ихоталаш коэффициенти ( $\alpha_1 = 0,01$ )

$\alpha_2$  — товушни ютилиш коэффициенти (бу қопламанинг материалига боғлиқдир, техник намат учун ( $\alpha_2 = 0,3$ ))

Тўсиқларнинг (қурилиш конструкциялари) ўртача шовқинни ихота қилиш қобилияти қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$R_{yp} = 10 \lg \sum_{i=1}^n S_i - 10 \lg \sum_{i=1}^n \frac{S_i}{10^{0,1} R_i}, \text{ дБ} \quad (2.14)$$

бу ерда  $R_i$  — шу қурилиш конструкциясидаги ҳар бир элементнинг товушни ихоталаш қобилияти. Масалан, конструкциядаги тешиклар (дереза ёки эшик ўринлари) учун  $R_i = 0$

$S_i$  — қурилиш конструкциясидаги ҳар бир элементнинг майдони,  $\text{м}^2$

Мисол. Проборлаш участкаси тўқув цехидан умумий юзаси  $S_1 = 50 \text{ м}^2$  бўлган девор билан тўсилган. Унинг икки дарձаси ва эшик ўрни (очиқ) каби конструктив элементлари мавжуд. Бунда деворнинг товушни ихоталаш қобилияти 500 Гц частотада  $R_1 = 50 \text{ дБ}$ , деразанинг юзаси  $S_2 = 3,0 \text{ м}^2$ ,  $R_2 = 38 \text{ дБ}$  ва эшик ўринининг юзаси эса  $S_3 = 5,0 \text{ м}^2$ ,  $R_3 = 0$ .

Шу тўсиқнинг товушни ихоталаш қобилиятини аниқланг.

$$M_{\text{ш}} = 10 \lg (50+3+5) - 10 \lg (50 \cdot 10^{-5} + 3 \cdot 10^{-38} + 5 \cdot 10^0) = 11 \text{ дБ}$$

### Шовқинни сұндириш

Тұдымачилик корхоналарда шовқинни бүғиш ниятида биноси элементларига шовқин ютувчи панеллар иштеп табады. Айрим ҳолларда цехларнинг шифтлари ораси билан тұлдирилган ёғоч рамаларига жойлашган шовқинни көплемширилген пұлат қопланамалар билан қопланады.

Санкт-Петербург мәжнатни мұхофаза қилиш илмий-тәжірибелі институтининг тадқиқотлари шовқин ютувчи шовқиннен шифтларининг кесінг диапазонида (4000—6000 Гц) шовқинниң көффициенті юқориленгіні (0,5—0,65) күрсатады. Мәннен, 4000 Гц атрофидаги частоталарда санитария нормаларидан ортувчи шовқинлар әнд заарлы ҳисобланады.

Бұлардан ташқари, айрим корхоналарда цех деворлари шифтларини шовқин ютувчи материаллар билан параллель жорий қилинады. Бунда цехнинг баландлиги жуда әдем юқори бұлмаган ҳолларда (4—6 м) юқори самаратағанда мүмкін. Цех шифтлари баланд бұлған ҳолларда бұның құшымча равища шовқин манбасы билан иш жойларынан шовқинни қопланған шовқин түсүвчи экранлар (улар металдан, пластика, ёғоч, пластмасса ва башқа материаллардан тайёрланғанда мүмкін) үрнатылады.

Юқорида айтиб үтилған пардозлаш материалларининг шовқин күтиш ҳисобига умумий шовқин кучининг камайтын қыйындағы ҳисобланады (дБ).



$$\Delta L = 10 \lg \frac{\sum \alpha_2 S_2}{\sum \alpha_1 S_1} \text{ дБ} \quad (2.15)$$

Бұл ерда  $\sum \alpha_2 S_2$  — хоналарда пардозлаш ҳисобига шовқин күтилиши эквивалентининг йигиндиси, дБ;


$\sum \alpha_1 S_1$  — хоналарда шовқин ютувчи пардозлаш құлданғандағы шовқин күтилиши эквивалентининг йигиндиси, дБ;

$\alpha_{1,2}$  — девор, шифт әки панелларнинг товуш күтиш қоғамашындығы;

$S_1, S_2$  — девор, шифт әки панелларнинг юзалари,  $\text{м}^2$ .



16-расм. Найсимон шовқин сұндиригичлар



17-расм. Ғовак (ари инига үхаш) шовқин сұндиригичлар.

Найсимон сұндиригичлар учун товушни сұндириш қобиляти қыйидагида ҳисобланади.

$$\Delta L = 10 \lg \frac{\alpha_p}{\sqrt{D}}, \text{ дБ} \quad (2.16)$$

бу ерда  $D$  — найнинг диаметри, м.


$\alpha_p$  — товуш ютиш коэффициентинің ҳисоблаш учун ишлатиладиган қиймати,  $\text{дБ}/\text{м}^{0.5}$ .

Найсимон сұндиригичларда доира шаклидагилар, түртбұрчак шаклдагиларға нисбатан шовқинни камроқ сұндиради.

Сұндиригичлар товушни бүгіб, унинг спектрал таркиби ни кескін ўзgartыради. Айниқса одам қулолигига ёқимсиз бұлған ўрта ва юқори частотали товушларни интенсив равишда бұғади.

Товуш ютувчи пластинкалар — ораси товуш ютувчи материаллар билан тұлдирилған, түр билан қопланған ёғоч ёки металл ғовлардир. Бунда товуш ютувчи материаллар сифатида, пахта ва луб толаси, гишт кукуни ва шунга үхаш материаллар құлланиши мүмкін.

Күпинча тұқымачилик корхоналарда аэродинамик шовқинлар, яғни кучли ҳаво оқими ҳисобига ажралиб чиқадыган шовқинлар учрайди. Бу ҳолларда шовқинни камайтириш мақсадида ҳар хил конструкциялы глушителлар ишлатилади. Булар, найсимон (16-расм), ари инига үхаш ғовак (17-расм) пластинкалы, камерали ва бошқа шаклларда булиши мүмкін. Буларнинг умумий хусусияти шундаки, ички дөворлари товуш ютувчи материаллар билан қопланған бұлади.



18-расм. Пластинкали шовқин сүндиргичлар

Пластинкали сүндиргичларнинг (18-расм) товушни бўгиш қобилияти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Delta L = 15,8 \alpha_p \sqrt{\frac{F_k}{F_r}} - 1, \text{ дБ} \quad (2. 17)$$

бу срда  $F_k$  — ҳаво ўтувчи каналларнинг кўндаланг кесим юзаси,  $\text{м}^2$ .

$F_r$  — сўндиригичнинг кўндаланг кесим юзаси,  $\text{м}^2$ .


#### 7 - жадвал

Товуш ютиш коэффициентининг ҳисобланниш учун ишлатиладиган қийматлари

Материаллар	Сүндиргичлардаги товуш ютиш коэффициентлари нинг ҳисобланниш учун ишлатиладиган ўрта геометрик частоталардаги қийматлари, Гц.							
	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000
Луб, капрон тоналари, пакта, шина толаси	0,22	0,30	0,51	0,61	0,70	0,72	0,60	0,50
Гишт кукуни	0,20	0,26	0,42	0,50	0,53	0,52	0,50	0,48

Шовқинни сўндириш учун цехларда бундан ташқари лабиринтлар (19-расм) қўлланилади.

Аэродинамик шовқинларда сўндиригичларнинг турлари ва ўлчамлари улардан ўтасhtган ҳавонинг ҳажми, тезлиги ва шовқиннинг талаб қилинадиган даражаси ва . 19-расм. Шовқин бўгувчи лабиrint схемаси.



Бунда сұндиригичнинг күндаланг кесим юзаси қойидаги формула бүйіча ҳисобланады:

$$S = \frac{Q}{V_{\text{йкб}}} \quad (2.18)$$

Бұу ерда  $Q$  — сұндиригичдан үтадиган ҳавонинг ҳажми,  $\text{м}^3/\text{с}$ ;

$V_{\text{йкб}}$  — сұндиригичда ҳавонинг йўл қўйса бўладиган тезлиги,  $\text{м}/\text{с}$ ; жамоат ва маъмурӣ биноларда  $V_{\text{йкб}} = 4 - 10 \text{ м}/\text{с}$  ва тўқимачилик саноати корхонаси биноларида —  $12 \text{ м}/\text{с}$  гача қабул қилинган (тезлик  $12 \text{ м}/\text{с}$  бўлганда глушительнинг узунлиги  $1 \text{ м}$  қилиб олинади).

Умуман сұндиригичнинг узунлиги қойидагича ҳисобланады:

$$L_{\text{шв}} = \frac{\Delta L_{\text{тд}}}{\Delta L}, \text{ м} \quad (2.19)$$


бу ерда  $\Delta L_{\text{тд}}$  — сұндиригичда шовқиннинг талаб қилинадиган даражадаги камайиши, дБ;

$\Delta L$  — сұндиригичда шовқиннинг ҳар бир метрига тўғри келадиган камайиши, дБ.

Маълумки, цехлардаги шовқин даражаси фақатгина манбалардан тўғридан-тўғри келаётган товушлар ҳисобигагина эмас, балки акс-садо (яни, қайтган товушлар) ҳисобига ҳам ошиши мумкин. Бундай ҳолларда, манба шовқинини камайтириш имкони бўлмаса, қайтган товушлар энергиясини сўндириш цсхнинг ички дэвор ва шифтлари товуш ютувчи қопламалар билан қопланади ҳамда шифтларга куб, конус ва бошка шаклларда товуш ютувчи материаллар осиб қўйилади. Яъни хоналарга акустик ишлов берилади.

Одатда ҳамма қурилиш материаллари товуш ютиш хусусиятига эга, лекин уларнинг товуш ютиш коэффициентлари ( $\alpha$ ) ҳар хил. Фишт, бетон ва шунга ўхаш қурилиш материалларида  $\alpha = 0,01 - 0,05$  булиб, бу жуда камдир. Хоналарга акустик ишлов беришда  $\alpha$  ўрта частоталарда  $0,2$  дан юқори бўлган материаллар ишлатилади.

Кўпинча хоналарга акустик ишлов беришда  $20$ -расмда кўрсатилган материаллар ва шакллар қўлланилади. Акустик плиталар (4) шифтларга тўғридан-тўғри ёки маълум масофа қолдириб бириктирилади. Бу плиталар, шиша, капрон, минерал толалардан ҳамда ҳар хил бириктирувчи моддалар билан қориштирилган ёғоч қипиқлари, поливинилхlorид ва шунга ўхаш ғовак материаллардан ясалади, уларни бўяб ёки маълум формаларда ишлаб чиқарилади.



20-расм. Хоналарга акустик ишлов беришда құлланадыган төвак шақлалар.

Бу плиталарнинг товуш ютиш хусусиятлари төвак материалларнинг қалинлигига, товушнинг частотасига ва плита билан девор орасида ҳаво қатлами бор еки йүқлигига боғлиқдір.

Айни пайтда бу қоплама 20—200 мм ни ташкил қилади, бунда асосан үрта ва юқори частоталардаги товушлар ютилади.

Ишчиларни шовқиндан сақлашнинг самарали турларидан яна бири, шовқин манбалари билан иш жойлари орасига үрнатыладыган экранлардир. Экранларнинг акустик афзаллиги уларнинг орқасида товуш түлқинлари қисман ўта оладыган зона ҳосил қилишидан ибораттады. Шовқиннинг экрандан ўтиш даражаси экраннинг үлчамига ва товушнинг түлқин узунлигига боғлиқдір. Экраннинг бир хил үлчамида товуш түлқин узунлиги қанча катта бұлса, экран ортида товуш ўта оладыган зона шунчак кичик бұлади. Шунинг учун экранлар асосан үрта ва юқори частотали шовқинлардан түсіш учун ишлатылади. Паст частоталарда экранлар кам самаралидір. Шовқин даражаси юқори бұлған айрым цехлардаги иш жойлари, масалан, операторларнинг бошқариш пультлари шовқиндан ҳимояланған кабиналарга жойлаштырилади.

### 2.5.3. Титрашни камайтириш йўллари

Титраш киши организмига салбий таъсир қилади, натижада иш унумдорлигини пасайтиради, кўпинча оғир касбий касаллик — титраш касаллигига олиб келади. Шунинг учун титрашга қарши тадбирларга алоҳида аҳамият берилади.

Титраш касаллиги касбий касалликларга киради. Бу касалликни бошланғич давридагина яхшилаб даволаш мумкин. Титраш касаллигини даволаш, айниқса, касаллик ружу қилган ҳолатларда узоқ муддатда даволанади. Кўп ҳолларда касаллик ўтиб кетса, ногиронликка олиб келиши мумкин.

Машина ва механизмларнинг титрашини камайтириш қуйидаги усусларда олиб борилади:

- титрашни келтириб чиқараётган манбага таъсир қилиш;
- резонанс ҳолатидан чиқариш;
- титрашни демпферлаш;
- титрашни динамик сўндириш;
- машина ва қурилиш элементларининг конструктив элементларини ўзгартириш;
- титрашни ихоталаш ва шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш.

Механизациялашган, электр ёки ҳаво асбоблари ёрдамида ишлаганда, қўлни титрашдан сақлаш учун маҳсус қўлқоплар, қистирма ва пластиналардан ташкил топган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланилади. Шахсий ҳимоя воситаларига қўйиладиган умумий талаблар ГОСТ 12.4 002—74 да белгиланган. Титраш касаллигини олдини олиш учун титраш мавжуд бўлган ишларда маҳсус иш тартиби қўлланилади. Масалан, титраш мавжуд бўлган машиналарида умумий иш вақти сменанинг 2/3 қисмидан ошмаслиги керак. Бунда тинмасан ишлаш вақти 15—20 мин ва дам олиш вақтлари бўлиши кераклиги кўзда тутилган. Ишни ташкил қилишда титрашли операцияларни титраш бўлмаган ишлар билан алмаштириб туриш керак.

Титрашни ўлчаш СТ СЭВ 1931—78 "Титраш. Ўлчов ўтказиш учун умумий талаблар"да белгиланади. Титрашни ўлчаш учун кўпгина асбоблар мавжуд, булардан стандарт октава фильтрли ИШВ-1 ҳамда ВИП-2., ВР-1 ва бошқалар.

Це тада чиқариладиган асбоблардан RFT (Германия) жана "Брюль ва Къср" фирмасининг (Дания) асбоблари.

## 2.6. ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

Узбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонунин ишсларига биноан корхона маъмурияти ишчи ва инженерларни бепул шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаши, уларни сақлаш, ювиш, қуритиш, дезинфекцияни, дезактивациялаш ва таъмирлаш ишларини бажарини керак.

Бошқа тармоқлар сингари түқимачилик саноати корхоналари ишчиларини ҳам маҳсус коржома, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш кўзда тутиши.

Барча ҳимоя воситалари ишлатилишига қараб жамоа воситалари ва шахсий ҳимоя воситаларига бўлинади.

Андр ишнинг хавфсизлигини машиналарнинг конструкцияси, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш, архитектура режалаштириш очимлари ва колектив ҳимоя воситаларини қўллаш билан таъминлаш иложи бўлмаган шутирила шахсий ҳимоя воситалари қўлланилади.

Ҳимоя воситалари техник эстетика, эргономика талабларига қавоб бериши, ҳимоя самарадорлиги юқори бўлиши, ишлатилишда қулай бўлиши керак. Улар технологик фирадида бажариластган иш турига мос бўлиши керак. Шу иш учун мўлжалланган ва қабул қилинган тартибда ишлатилишда ҳимоя воситаларини қўллаш тақиқланади. Улар вазифаси, ишлаш муддати кўрсатилган инструкция ҳамда сақлаш ва ишлатилиш ишлалари билан таъминланади.

Шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) вазифаларига қараб ишлатилишда:

иҳоталовчи костюмлар (пневмокостюмлар, намдан иштадончи костюмлар, скафандрлар);

нафас аъзоларини ҳимоя қилиш воситалари (газинфильтраторлар, респираторлар, ҳаво шлемлари, ҳаво маскалари);

коржомалар (комбинзонлар, ярим комбинзонлар, куртказмалар, шимлар, костюмлар, халатлар, плашлар, пустинлар, фартуклар, нимчалар);

маҳсус пойабзал (этиклар, қўнжи калта этиклар, ботинкалар, қўнжли ботинкалар, туфлилар, калошлар, ботилар);

- қўлларни ҳимоя қилиш воситалари (қўлқоплар);
- бошни ҳимоя қилиш воситалари (каскалар, шлемлар, шапкалар, береткалар, шляпалар);
- юзни ҳимоя қилиш воситалари (ҳимоя ниқоблари);
- кўзни ҳимоя қилиш воситалари (ҳимоя кўзойнилари);
- эшитиш аъзоларини ҳимоя қилиш;
- эҳтиёт мосламалари (эҳтиёт камарлари, диэлектрик гиламчалар, қўл чангаклари, манипуляторлар, тиззани, тирсакни ва елкани эҳтиёт қилиш мосламалари);
- ҳимояловчи дермотологик воситалар (ювидадиган пасталар, кремлар, мойлар).

Шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, уларни ўз вақтида алмаштириш, таъмирлаш ва уларни вазифалари бўйича ишлатиш юзасидан корхона маъмуриятига қўйидаги вазифалар юкландади:

1. Ишчи ва хизматчиларга шахсий ҳимоя воситаларини бериш бўйича назорат ва ҳисобот ишларини ташкил қилиш, улардан иш пайтида тўғри фойдаланишни, бузилган, ифлосланган ҳолларда эса уларни қўллашни тақиқлашни қатъий назорат қилиш.

2. Шахсий ҳимоя воситаларини белгиланган муддатларда муунтазам равишда синовдан ўтказиш, уларнинг созлигини текшириб туриш ҳамда уларнинг ҳимоя хоссалари пасайган фильтрлари, ойналари ва бошқа қисмларини ўз вақтида алмаштириш ва текширилган воситаларга келгуси синов муддати ҳақида тамға қўйиш.

3. Тозалаш, ювиш, таъмирлаш, дегазациялаш, дезактивациялаш, зарарсизлантириш ва чантсизлантириш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, ишчи ва хизматчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан ўз вақтида таъминлаш корхона маъмуриятига, назорат қилиш эса касаба уюшмаси қўмитасига юклатилади.

### 2.6.1. Maxsus коржома ва пойабзалларга қўйилладиган талаблар

Maxsus коржома ишловчиларни ташқи муҳитнинг салбий таъсиридан сақлашга мўлжалланади. Бунда киши танасининг ҳаво алмашиб функцияси бузилмаслиги керак.

У шундай бичиладики, унда одам ўзини қулай ҳисбалиши ва иш шароитида хавфсиз бўлиши керак; у

Биинниң әркин ҳаракатига тұсқынлик құлмаслиги ва айла-  
нан турувчи қисмларга үралиб кетиши мүмкін бўлган  
илиб ёки чиқиб турувчи қисмлари бўлмаслиги керак.  
Миссус коржомалар пишиқ, снгил тозаланадиган ва бадан-  
ни қичитмайдиган матолардан тикилади.

Тұдымачилик корхоналарда иш шароитларига мос-  
транса таңланган маҳсус коржомалар берилади.

Чангли шароитда ишловчи ишчиларга пахта ипидан  
түқилған сатин халатлар, ута чангли хоналарда, масалан,  
Чингиз камераларини, фильтр хоналарини, шахта, чанг  
ортуулаларини тозалашда ишчилар чанг үтказмайдиган  
түқилған комбинзонлар билан таъминланади.

Ҳаракатланиб турувчи механизмлар яқинида туриб  
ишловчиларга (операторлар, мойловчилар, таъмирчи-слес-  
арлар ва ш. у.) пахта ипидан түқилған белбоғсиз ички  
шартыни комбинзонлар берилади.

Күдайларни жароқтланишдан сақлаш мақсадида ишчилар  
шартыни берилептірілгендер билан таъминланади. Сочни ҳаракатдаги меха-  
низмлар үраб кетмаслиги учун аёллар учбурчак рүмол  
шартыни беретка кийишлари керак.

Нардоэлаш фабрикаларининг кислота билан ишлайдиган  
шартыни дағал жундан ёки пахта ипидан түқилған,  
кислота таъсирига қарши модда шимдирилған матолардан  
түқилған шим ва курткалар билан таъминланадилар. Шу  
шартыни дағал жун ва хлорин толаси аралашмасидан  
берилептірілген кислота таъсирига чидамли мовутдан маҳсус  
коржомалар тикилади.

Хөзирги пайтда кислота ва ишқорлар таъсирига чидамли  
синтетик толалар (лавсан, нитрон) ва жун толалари билан  
аралаштирилиб ёки фақат синтетик толалардан түқилған  
матолар кенг қўлланилади.

Кислота билан бевосита ишловчиларга резина шимди-  
рилған кўкрак фартуклари, қўлларига кийиш учун дағал  
шундай қўлқоп берилади.

Ишқор билан ишловчиларга пахта ипидан ёки брезент-  
түқилған костюм ва кўкрак фартуклари берилади. Шунни айтиш керакки, ишқорлар жундан түқилған мато-  
ларини снгил парчалайди, шунинг учун уларни ишқор билан  
шартыни қўллаб бўлмайди.

Ути нам хоналарда ишловчи ишчиларга пахта толасидан  
түқилған ва намиқмайдиган (сувни ўзига тортмайдиган)

костюм ва кўкрак фартуклари берилади, қўлга кийиш учун резина қўлқоплар берилади.

Махсус пойабзал ишчининг оёқларини ҳар хил заарали модда ва хавфлардан сақлашга мўлжалланган.



Ишлаб чиқаришдаги заарларнинг характеристига мослаб шахсий ҳимоя воситалар тикилади ва материали танланади.


### 2.6.2. Нафас аъзоларининг шахсий ҳимоя воситалари

Нафас олишдаги ҳаво орқали таъсир қилувчи хавфли ва заарали ишлаб чиқариш омилларидан киши нафас олиш аъзоларини ҳимоя қилувчи мосламалар тўрт хил бўлади: газ ниқоблар, респераторлар, ҳаво шлемлари ва ҳашу ниқоблари (ГОСТ 12.4.034—78). Булар кишини иш жойидаги ҳавода аралашган ҳар хил ифлосликлардан самарли ҳимоя қилиши керак. Уларни танлашда цехдаги ҳашу муҳитининг таркиби ва ҳолатини, ишлаб чиқариш жараёнини ва бошқа месҳнат шароитларини ҳисобга олиш керак. Юқорида келтирилган ГОСТ га асосан нафас аъзоларининг шахсий ҳимоя воситалари ишлаш принципи бўйича иккита турли-фильтровчи ( $\Phi$ ) ва ихоталовчи ( $I$ ) бўлади. Фильтрловчи турлари цех ҳавосида кислород миқдори старли (18% дан кўп) бўлганда ва заарали моддалар миқдори кам бўлганда қўлланилади. Ихоталовчи ҳимоя воситалари жада заарали моддалар цех ҳавосида чегараланмаган ва кислород эса старли миқдорда бўлмаган ҳолларда ишлатилиади. Ўз навбатида фильтрловчи ҳимоя воситалари ўз вазифасига кўра, аэрозоллардан ҳимояловчи ва универсал турларига бўлинади. Ихоталовчи ҳимоя воситалари конструкцияси бўйича-ичакли, нафас олиш учун ҳавони тоза зонадан олиб берувчи ва автоном — нафас олиш учун шахсий манбани бўлган турларга бўлинади.

Фильтрловчи респераторлар ҳам газниқоблар сингари цех ҳавосидаги аэрозол, буг ва газларда кислород миқдори 18 фоиздан кам бўлмаган ҳолларда ишлатилиб, улар учун турли бўлади: аэрозоллардан ҳимояловчи, газлардан ҳимояловчи ва универсал. Тўқимачилик саноати корхоналарида асосан чанглардан ҳимояловчи тури ишлатилиади.

Ишлаш муддати бўйича респераторлар бир марта ишлатишга ярайдиган (Лепесток, "Кама", "У-2К, 21а-расм) ва кўп марта ишлатиладиган 21б-расм турларига бўлинади.






21-расм. Респераторлар турлари. а — бир марта ишлатиладиган респераторлар. б — күп марта ишлатиладиган респераторлар.

Фильтрнинг ишга яроқсиз бўлиб, тўлиб қолганлигинин белгиси, нафас олишнинг қийинлашганидан билинади. Бу снгил ва ўрта оғирликдаги ишларда нафас олишга қаршилик 100 Па дан, оғир ишларда эса 70 Па дан бошлиб сезилади. Бундай ҳолат юзага келганда фильтрлар алмаштирилади ёки чангдан тозаланади (регенерация қилинади). Бунинг учун фильтрга ўтириб қолган чангни силкитиб қоқиб ташланади, бунда яхши тозаланмаса, қарама-қарши томондан сиқилган тоза ҳаво билан пулаб тозаланади, бунда ҳам яхши самара бермаса, уни янгисига алмаштирилади.

### 2.6.3. Эшитиш аъзоларини ҳимоя қилиш

Эшитиш аъзоларини ҳимоя қилиш воситалари ўз вазифаси ва конструкцияси бўйича уч турга бўлинади: наушниклар-қулоқ супрасини ёпиб туради, тиқинлар-ташқи эшитиш каналини ёпиб туради, шлемлар — калланинг бир қисмини ва қулоқ супрасини беркитиб туради. Буларни қўллаш айрим оқтава чизиқларида товуш босими сатҳини 35-40 дБ миқдорда камайтиради. Шуниси диққатга сазоворки, улар айниқса киши организми учун хавфли бўлгани юқори частотали шовқинларни пасайтиришда яхши самаржеради.



22-расм. Шовқиндан ҳимоя қилувчи наушниклар.

1 — ВЦНИИОТ — 2М наушники.

2 — ВЦНИИОТ — 4М наушники.

Тұқымачилик саноатининг шовқинли цехларыда эшитиш көзінде шовқинниң қилишга зарурат сезилади. Уларни әзізлек шовқинниң жадаллігига ва ишчининг шахсий ауруптарына бояғылған. Товуш босими сатқы 120 дБ гача өткізу үшін шовқинлар таъсир қилаёттан шароитта 2М наушник — ВЦНИИОТ-2М турига мансуб наушникларни құллаш таңдаудың көзінде (22а-расм). Тұқыв, калавалаш ва қайта үраш шовқинларда кичик габаритті 4А наушник — ВЦНИИОТ-4А турига мансуб наушникларни құллаш мақсадға мувоғиқ (22б-расм.) 2М наушники ишлатышига қулай ва спектрнинг өзгерген частотали қисміда самараидір, 4А наушники — үлчамлари кичик ва енгіл, лескін уларнинг өзгерген самарадорлығы бироз паст.

#### 8 - жадвал

##### Наушник жана тиқинларнинг акустик самарадорлығы

Шовқине қарши ҳимоя посетілары	Октава чизигининг ўрта частоталар- даги иннеші самарадорлығы, Гц					
	125	250	500	1000	2000	4000
<i>Самарадорлар:</i>						
ВЦНИИОТ-2М	7	11	14	22	35	45
ВЦНИИОТ-4А	4	—	—	16	—	35
<i>Иннешілер:</i>						
111 маркалы үтә ингічка посетілден ясалған тампон	5	5	10	18	24	27
111-15 маркалы үтә ингіч- канан ясалған тампон	8	8	15	22	25	31
Акустик тиқинлар	10	10	12	13	24	29

Тұқимачилик корхоналарининг товуш босими саты 100—105 дБдан кам бұлған цехларда УТВ маркалы үтінгічка шиша толасидан ясалған тампон, ФПП-15 маркалы үтінгічка толадан ясалған тампон (Беруши) ва резинадан ясалған қаттиқ тиқинлар билан таъминланадилар.

Шовқинга қарши құлланиладиган ҳимоя воситаларға бир қатор гигиеник талаблар қўйилади. Тозалаб туриш имконияти бұлған, қулай ишлатиладиган, үзидан заразы ва терини қичиштирувчи моддалар чиқармайдиган, терини ифлослантирумайдиган бўлиши керак. Булардан ташқары улар бутун иш куни давомида қулоқни оғримаслиги иш кишининг ғашига тегмаслиги лозим.

Ҳимоя воситалариниң танлаш иш жойидаги шовқининиң частота бўйича спекторига, микроқлим шароитларига ишчининг шахсий хусусиятларига боғлиқ. Улар шовқинин ГОСТ 12.1. 003—76 да кўрсатилган, йул қўйса бўладиган қийматларигача пасайтира олсагина, тўгри танланган иш собланади.

Тиқинлар турига толали, ғовак ва юмшоқ пластик материаллардан ясалған заглушкалар, втулкалар, тампонлар ва пробкалар мансубдир. Улар юмшоқ ва эластиклиги туфайли эшитиш каналига кириб у срни зичлаб беркитади. Улар кўзойнак тақишига, бош кийим кийишшига халақит бермаслиги билан қулайдир, сенгил ва ихчам, гигиеник нуқтаи назаридан тоза ва ишлатилишда қулай. Лекин уларни одатда, иш жойларида умумий шовқин саты 100 дБ дан катта бўлмаган ҳолларда ишлатилади. Бир марта ишлатишга ярайдиган (УТВ ва ФПП толали материаллардан ясалған "Беруши") тиқинлар, билан одатда, бир варакайига кўп ишчилар бутун иш сменаси давомида таъминланади.


УТВ толасидан қилинган тиқинлар қўйидагича тайерланади: ўлчамлари  $4 \times 4$  см ли тола қатламини диагонали бўйича бир неча марта кетма-кет буклаб конус ҳолига келтирилган ва қулоқнинг ташки каналига тиқиб қўйилади. Қулоқнинг ташки канал териси яллиғланган пайтда бу тиқинни қўллаш мумкин эмес. Бундай ҳолларда наушниклар қўллаган маъқул.

ФПП толали материаллардан қилинган бир марта ишлатиладиган "Беруши" тиқини охиригина пайтларда кен қўлланилмоқда. Бу тиқиннинг ўлчамлари  $40 \times 40-1,4$  мм, массаси 140—220 мг бўлиб, терини қичитмайди ва анти-септик хоссалари билан ажralиб туради (23-расм).



23-расм. "Беруши" тиқини.

Күн марта ишлатыладиган тиқинлар "Антифонлар" шигитиш аязоларини юқори частотали ишлаб чиқариш шөпкениларидан ұмома қилади 24-расм. Улар юмшоқ резина пансула шаклида бўлиб, ички ўрта қисмига кичкина пластмасса ўзак киргизиб қўйилган бўлади. Камида бир қифтада уларни совунли илиқ сув билан ювиб туриш тиқиния этилади.



24-расм. "Антифон" тиқини.

Хозирги пайтда илғор түқимачилик корхоналарида монотон ва бир хил ритмли ишларда (түқувчи, йигириувчи, әйлаваловчи ва ш. ў) ишчиларни шовқин таъсиридан сақлаш учун радиолаштирилган наушниклар қўлланилмоқда. Бу ишларда функционал музика дастурларини қўллаш асаб, психик кучланиш, ҳолатини камайтиради, чирвоқни олади, ишчининг кайфиятини яхшилайди ва иш унумдорлигини оширади.

Радиолаштирилган "Мелодия" ускуналари ВЦНИИОТ-2М туридаги наушникларга ўрнатилган бўлиб, унинг ұмома кусусиятини сақлаган ҳолда, паст частоталарда бериладиган музикали радиоэшилтиришларни ҳам олиб боради.

Хозирги пайтда ишлаб чиқариш цехларида 90 дБ гача ва 90—120 дБ гача құлланадиган радиолаштирилған ВЦНИОТ-4ФМ ва ВЦНИОТ-2ФМ наушниклари кеп құлланилмоқда. Ишлаб чиқариш операцияси доимо юриб бажариладиган ишларда маҳсус ихчам приёмники "Орфей-1" радионаушниклардан фойдаланиш тавсия этилады.

## 2.7. ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ҲУДУДЛАРИННИГ САНИТАРИЯ ОБОДОНЧИЛИГИ

Түқимачилик корхоналарининг бош режалари тузилғанда технологик жағаённинг узлуксизлиги ва изчиллигига ақамият берилади. Үнда хом ашё йұналиши түгри чизик бүйлаб ёки жуда бұлмаганда 90° га бурилиши мүмкін. Хом ашёнинг маълум бир участкада орқага қайтарилиши ёки унинг йұналишида ҳалқа ҳосил булишига йўл қўймаслик даркор. Түгри ташкил қилинган бош режа бўйича қурилған корхоналарда қулай иш шароитлари, цехларда, корхона ҳудудида ва унинг атрофидаги туаржой районларида нормал санитария-гигиена шароитлари мавжуд бўлиши таъминланади.

Шунинг учун түқимачилик корхоналарини лойиҳалаш пайтида уларни туаржой районларидан санитария-химоя зоналари билан ажратилади.

Түқимачилик корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаштиришда қурилиш меъсрлари ва қоидалари СНиП-II-89—80 ҳамда санитария нормалари СН 245—71 асосида олинади. Уларда корхоналардан ажралиб чиқадиган зарарли моддалар яқин атрофидаги туаржойларда яшовчи кишилар соғлигига зарар етказмаслиги учун қўйидаги санитария-химоя зоналари қабул қилинган:

1000 м — I класс корхоналари учун (нитрон толаси ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ш. ў.)

500 м — II класс корхоналари учун (капрон, лавсан, хлорин ва бошқа химиявий толалар, сунъий чарм ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ш. ў.)

300 м — III класс корхоналари учун (пластмассалар, тол, рубероид пахтани ва бошқа үсимлик толаларини дастлабки ишлаш корхоналари).

100 м — IV класс корхоналари учун (пахта, каноп ва жүнни йигириш, тұқиши фабрикалари, совун ишлаб чиқариш, бетон маҳсулотлари, полимер қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар).

50 м — V класс корхоналари учун (тикув ва пойабзал фабрикалари, типографиялар, пластмасса ва металларга механик ишлов бериш, гилам тұқиши корхоналари ва ш. ў.).

Ин йигируг вә түкүв фабрикалари пардоzлаш вә бүяш фабрикалари билан бирга қурилган бұлса, IV класс, яғни санитария-жимоя зоналари 100 м, бу фабрикалар билан бирга қурилган бұлмаса, V класс, яғни санитария-жимоя зоналари 50 м олинади.

Корхонадаги ҳар бир ишчига нормал шароит яратилиши үшүн камида  $4,5 \text{ м}^2$  ишлаб чиқариш майдони вә  $15 \text{ м}^3$  бине қажми түғри келиши керак.

Корхона бөш режаси унинг географик жойлашган үрни, шамолнинг йил давомида асосий йұналишини ҳисобға олган қолда, чанг ажратиб чиқарувчи, юқори ҳарорат, бүг, ҳар үйде заңарлы газлар, шовқин вә башқа заарарлы чиққандарининг ақоли яшайдиган объектларга иложи борича берарысиз қилиб лойихаланади.

Корхона ҳудудида объектларни жойлаштиришда шу географик ақоли пункти учун шамолнинг әнг күп эсадиган үйнендиши ҳисобға олиниши керак. Бунда ҳавонинг йұналиши чанг, шовқин, бүг, газлар вә заарарлы моддалар ажратылған чиқадиган цех вә фабрикалардан одамлар яшайдын томонға қараб әсишига йүл құйымаслик керак. Шу билан бирга ҳавонинг асосий йұналиши үт чиқиши хавфи үзүли бұлған объектлардан башқа биноларға қараган бұйымаслиги керак.

Тұқымачилик корхоналари ҳудудидеги бинолар орасынан әнгинга қарши масофа биноларнинг әнгинга қаршилик үзүрдешіш даражаси ҳамда корхонанинг әнгин чиқиши әзипфилигі билан белгиланади. Бунда бино вә корпусларнинг жойлашиши технологик жараённинг талаблари ҳисобта олинған ҳолда вә бинонинг исталған срига үт үчирувчи машиналар кела олишини ҳисобға олған ҳолда булиши керак.

Ишлаб чиқариш санитариясини, хавфсизлик техникасын таъминлаш, ишловчиларға құлай шароит яратиш ҳамда технологик жараённин яхши ташкил қилиш мақсадида корхона ҳудуди алоқида зоналарға бұлинади.

Корхона ҳудудини зоналарға бұлиш хом ашени вә технологик жараённин әнгин чиқиши хавфига, бино вә ишшөйтларни санитария характеристига, транспорт хизматига, ишловчилар сонига вә башқа шунға үхшаш күргина омилларға қараб ажратиласы.

Корхона биноларини жойлаштиришда яна шунға ақамыт бериш керакки, ҳудудида хавфсизликни таъминлаш мақсадида транспорт күп қатнаайдиган бинолар алоқида бир

жоюда қурилиши, ёнғин чиқиши хавфи бўлган цехлар шамол йўналишига қарши, заарли газлар ажралиб чиқадиган цехлар одамлар зич жойлашган иш жойларидан узокроқ қилиб қурилиши керак. Бунда ҳар бир бино ўт ўчириш машиналари бемалол кела олиши учун атрофи ҳалқали йўллар билан таъминланиши керак.

Хавфсизликнинг ёнг зарур талабларидан яна бири шуки, ҳудудда юк ташиш йўллари одамлар оқими билан кесишмаган ҳолда қурилиши ксрак. Ёнғин хавфини камайтириш ва ўт ўчирувчи машиналарни ҳудуддаги ҳаракатини яхши таъминлаш мақсадида қарама-қарши томонларида бўлган дарвозаларга тўппа-тўғри борадиган йўллар қурилади.

Корхона ҳудудидаги тозаликни ва тинчликни таъминлаш шарт бўлган маъмурӣ бинолар, ошхона, конструкторлик бюроси, тиббиёт пункти, бухгалтерия ва шунга ўхшашибинолар ишлаб чиқариш зonasидан шамол йўналиши бўйича қурилиши, чангиси мумкин бўлган, снгил ўт олувчи ёқилги ва мой омборлари ва бошқалар қарама-қарши томонда жойлашиши мақсадга мувофиқdir.

Корхона ҳудудини кўкаlamзорлаштириш, гулзорлар қилиш ва дараҳтлар ўтқазиш шовқинни, чангни ва заарли моддаларни тарқалишига, ўтни тарқалиш зonasини чегаралаш, корхона дэворлари, йўлаклар ва дам олиш зоналарини салқин тутиш, ишчи ва хизматчиларга очиқ ҳавода месъёрида майший шароит яратиш ниятида қилинади.

### 2.7.1. Санитария-маиший хизмат бинолари

Тўқимачилик корхоналарида ишчиларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида санитария-маиший хизмат хоналари ташкил қилинади ва уларнинг месъёрида ишлаши таъминланади. Буларнинг таркибига гардероблар, коржомаларни тозалаш ва заарсизлантириш хоналари, ҳожатхоналар, аёллар учун шахсий гигиена хоналари, бет-қўул ювадиган хона, душхона, қўл ва оёқларни ювиш ванналари, чекиш хоналари, овқатланиш хоналари, ёш болаларни эмизиш хоналари, кутиш хоналари, тиббиёт хоналари, маҳсус коржомаларни ювиш хоналари ҳамда ичиш учун сув билан таъминланган ускуналари киради.

Ёрдамчи хоналарга умумий овқатланиш хоналари, спорт ўйинлари ва гимнастика машгулотлари учун майдончалар, конструкторлик бюроси, дарсхоналар, хавфсизлик техники хонаси, жамоат ташкилотлари хоналари киради. Бу

хоналар мәжнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш сама-  
радорлигини оширишда, ишчиларнинг соғлигини муҳофаза  
қилишда ва колективни мәжнатсварлик руҳида тарбия-  
лашда катта аҳамият касб этади.

Санитария-маиший хизмат бинолари цехлардан унча  
узоқ бўлмаган ва қулай жойларга жойлаштирилади. Уларга  
бориладиган йўллар заарли чиқиндиilar чиқадиган цехлар  
орқали ўтмаслиги керак. Агарда майший хоналар бинонинг  
ертуласида жойлаштирилса, албатта улар ҳаво юборувчи  
ва сўрувчи вентиляция системаси билан таъминланган  
бўлиши керак, бошқа пайтларда давлат санитария назорати  
органдари билан келишилган ҳолда қурилади.

Хозирги пайтда илғор корхоналарда дам олиш хонала-  
рини жиҳозлашга катта аҳамият беришяпти. Бу хоналар  
дид билан безатилиб, юмшоқ кресслолар, журнал столча-  
лари, телевизор, магнитофон, яхна ичимликлар, чой, кофс  
ва шириналиклар билан савдо қилувчи буфет билан таъ-  
минлангандир. Уларда ором берувчи музика садолари  
янграб туради, бу киши чарчогини қолдиришга, соғлигини  
мустаҳкамлашда ёрдам беради.

Ишловчилар сони 300 ва унда ортиқ бўлса, фельдшер  
хизмат қиласидиган тиббиёт хоналари, агарда 4000 тагача  
бўлса, врач хизмат қиласидиган здравпунктларга бўлинади.  
Улар кўпинча майший бинонинг биринчи қаватида ёки  
ишлаб чиқариш биносининг энг кўп одам ишлайдиган  
ҳамда жароҳатланиш жиҳатдан энг хавфли бўлган цехга  
яқин срга қурилади. Уларни корхонага киравсеришдаги  
йўлакка яқин срларда ҳам жойлаштирса бўлади.

### 3-боб

## ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ

### 3.1. МАШИНА ВА АППАРАТЛАРНИНГ ХАВФСИЗ ИШЛАШИННИ ТАЪМИНЛАШ

Тўқимачилик саноатида технологик жараённинг жадаллашиши, машина қисмларининг иш тезликлари, машина ва дастгоҳларнинг иш унумдорлигининг ошиши, уларнинг хавфсизлигини оширишини ҳам тақозо қиласди.

Машина ва дастгоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш уларни лойиҳалаш жараёнидан бошлаб амалга оширилади. Биронта янги машина ёки дастгоҳ хавфсизлигини таъминланмаган бўлса, фойдаланишга руҳсат берилмайди.

ГОСТ 12.2. 003—74 ускуналарнинг хавфсизлик иш принципини, конструкциясининг хавфсиз схемасини танлаш, уларнинг конструкциясида механизация, автоматизация ва четдан туриб (дистанцион) бошқариш воситаларини қўллаш, эргономик талабларни бажариш, хавфсизлик техникаси ва ёнгинга қарши тадбирлар, уларни ўрнатиш, фойдаланиш, созлаш, сақлаш ва транспортировкалашларни техник ҳужжатларга киритилишини талаб қиласди.

Машина ва дастгоҳлар керакли ҳимояловчи ва сақловчи мосламалар билан таъминланиши керак. Булар қуйидаги-ларга бўлинади:

— тўсувчи мосламалар. Булар машина ва ускуналарнинг ҳаракатдаги ёки хавфли механизм ва қисмларини кишининг бехосдан тегиб кетишдан тўсади. Бунга қайишли узатиш, шестернялар, электр токи остидаги қисмлар киради;

— блокировка қилувчи мосламалар. Буларда тўсқич электродвигатель билан занжир орқали бирлаштирилган бўлиб, тўсқич очилган вақтда машина тухтайди;

— тормозловчи мосламалар. Машина учирилгандан сўнг унинг тезда тўхташи хавфсизлик жиҳатдан катта аҳамиятга эга;

— сигнал берувчи мосламалар. Машина ва дастгоҳларда ишлаш жараёнидаги хавф туғилганда товушли ёки ёруғлик сигналлари берилади;

— ишчиларга хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари таъсирини камайтирувчи ёки олдини олувчи ҳимоя воситалари.

### 3.1.1. Жароҳатловчи омиллар ва хавфли зоналар

Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳодисалари қўйидаги омиллар мавжуд бўлганда булиши мумкин: элекстр токи, машина ва дастгоҳларнинг ҳаракатланувчи қисмлари, қайишлар, барабанлар, шкивлар, тишли иш шестернилари ва бошқалар, иссиқ юзалар, мато тукларини кўйдириш машинаси, заарли химиявий моддалар, матоларни пардозлашда ишлатиладиган кислота, ишқор ва бошқа ўювчи моддаларнинг бексосдан тушиб кетиши, юқоридаги иш жойларида тўсиқларсиз ишлаш.

Киши ҳаётига ёки соғлиғига доимий ёки вақти-вақти билан хавф түғдирувчи жой хавфли зона деб аталади. Бундай зоналар тўқимачилик корхоналарида талайгинадир.

Машина ва дастгоҳларнинг ҳар қандай айланувчи қисми хавфлидир. Тўқимачилик корхоналарнинг барча машиналари тез айланувчи қисмларга эга. Масалан, горизонтал титувчи машинанинг пичоқли барабани 450—700 айл/мин, саваш машинасининг игнали савағичи 1000—1200 айл/мин, тараш машинасининг қабул қилув барабани 900—1200 айл/мин, бosh барабан эса 200—400 айл/мин тезликка эт бўлиб, чизиқли тезлиги 800—1600 м/мин ни ташк қилади. Бу эса катта инерция ҳосил қилиб хавфли ҳисобланади.

### 3.1.2. Сигнал ранглари ва хавфсизли белгилари

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришда хар таъминлаш мақсадида ГОСТ 12.4. 026—76 да "Сигнал ранглари ва хавфсизлик белгилари" моқда.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида аранг қабул қилинган бўлиб, улар қўйидайлади:

- Қизил — "Тұхтанг", "Тақиқланган"
- Сариқ — "Диққат", "Хавф-хатар

Горизонтал бүйича кўриш бурчаклари (26-расм)  $18^0$ —  
кўзнинг иш жойида оний кўриш бурчаги,  $30^0$ —кўзнинг  
иш жойида самарали кўриш бурчаги,  $120^0$ —кўзнинг бош  
қимирлатмай тургандаги кўриш бурчаги,  $220^0$ —кўзнинг  
боши бургандаги кўриш бурчаги.

Вертикал бүйича юқорига кўриш бурчаги  $55$ — $60^0$  ни,  
пастга кўриш бурчаги эса  $70$ — $75^0$  ни ташкил қиласди.  
Бунда ҳам самарали кўриш бурчаги  $30$ — $40^0$  ни ташкил  
қиласди.

Тўқимачилик корхоналарида (айниқса йигириув ва тўқув  
фабрикаларида) машина ва дастгоҳларни бошқариш жуда  
кўп ҳаракат қилишни тақозо қиласди. Масалан, ипни  
калаваловчи смена давомида  $10$  км га яқин масофани юриб,  
 $1800$  марта узилган ипни улаш ва бўшаган галтакларни  
алмаштириш учун энгашар экан. Калаваловчининг ишини  
снгиллаштириш мақсадида корхоналарда уларга ҳара-  
катланувчи ўриндиқ қилиб берилган. У махсус тепкини  
босиб, машина бўйлаб ўнгта ва чапга ҳаракатланиши ва  
ўриндиқда ўтирган ерида узилган ипларни улаши ва бошқа  
операцияларни бажариши мумкин. Бу уларнинг ишини  
анча снгиллаштиради.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш бинолари  
жиҳозларини пардозлаш СН-181-70 санитария месъёларидан  
белгиланган бўлиб, улар корхона жойлашган срнинг об-  
ҳавосига, кўришга оид ишларнинг шароитларига, ёритилиш  
характери ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиш-  
ни талаб этади. Бу санитария месъёларидан цехнинг ички  
деворлари, шип, пол, машина ва дастгоҳлар қандай рангта  
бўялиши мақсадга мувофиқлиги тавсия қилинган.

### 3.2. ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ

Ҳозирги пайтда элекстр токи ҳалқ хўжалигининг барча  
соҳаларида, кундалик турмушнинг барча жабҳаларида кенг  
қўлланилмоқда.

Тўқимачилик корхоналарида элекстр токидан жаро-  
ҳатланиш жуда кўп учрамасада, лекин барча ўлим билан  
тугаган баҳтсиз ҳодисаларнинг қарийб  $50$  фоизи элекстр  
токи уриши оқибатида бўлганлиги қайд этилади. Бундан  
ташқари кўпинча элекстр токидан нотўғри фойдаланиш  
ёнгин ва портлашга олиб келади. Юқорида келтирилган-  
ларнинг ҳаммаси элекстр токидан сақланиш усувларини  
ўрганиш нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

### 3.2.1. Электр токининг киши организмига таъсири

Электр токи организм орқали ўтганда иссиқлик, электролитик ва биологик таъсири кўрсатади.

Иссиқлик таъсири баданнинг айрим жойларининг қўйиши, қон томирлари, асаб ва бошқа тўқималарнинг қизиши билан характерланади.

Электролитик таъсири қоннинг ва бошқа органик суюқликларнинг қуришига ва уларнинг физик-химик таркибининг бузилишига олиб келади.

Электр токидан олинган жароҳатларни шартли равишда маҳаллий ва умумий турларга бўлиш мумкин. Умумий турини одатда ток уриши дейилади. Маҳаллий турлари организмнинг маълум қисмини электр токи ёки электр ёйи таъсирида шикастланишидир.

Электр токидан қўйиш бадандан ток ўтганда ҳамда электр ёйи таъсирида бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда жароҳат нисбатан снгил ўтади. Бунда терининг қизариши, пуфакчалар пайдо бўлиши кузатилади. Электр ёйи таъсирида бўлган қўйиш одатда анча оғир характеристерга эга бўлади.

Электроофтальмия — электр ёйидан чиқадиган кучли ултрабинафша нурлар оқимининг кўзга таъсири натижасида ташқи пардасининг яллиғланишидир. Одатда касаллик бир неча кун давом этади. Кўзнинг мугуз пардаси жароҳатланганда даволаш мураккаблашади ва узоқ давом этади.

Кишининг электр токидан жароҳатланиши қатор омилларга: ток кучи, кучланиш частотаси ва унинг тури, токнинг организмдан ўтиш йўли, таъсири давомийлиги ҳамда киши танасининг хусусиятларига боғлиқдир.


Ток кучи. Кишининг шикастланишида ток кучи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича  $0,0001\text{ A}$  ток кучи танага таъсири қилмайди.  $0,001\text{ A}$  да бармоқлар снгил қалтирай бошлайди.  $0,002\text{ A}$  да эса қалтириш кучаяди.  $0,01\text{ A}$  да бармоқларда қаттиқ оғриқ сезилади, мускуллар қисқара бошлайди. Бундай ток кучидан одам мустақил ўзини ажратиб олади. Ток кучи  $0,02\text{ A}$  га стганда панжа ва бармоқлар мускуллари қаттиқ оғриқ, гайрииҳтиерий равишида тиришиб-тортишиб қолади. Бундай токдан киши ўзини ажратса олмайди.  $0,025-0,05\text{ A}$  миқдоридаги ток кучи кўкрак қафаси мускулларига таъсири қилиб, нафас олишни қийинлаштиради, ҳаттоқи тўхтатиб

ҳам құяди. Бундай катталиктаги ток күчи узоқ вақт таъсир этса, бир неча минут давомида — ўпканинг ишлашыннан тұхтатиб ўлимга олиб келиши мүмкін. 0,1 А ток күчи юрак мушакларига бевосита таъсир келади. Бу таъсир 0,3 с ва ундан ортиқ вақт давомида бұлса, юракни тұхтатиб қўйиши ёки юрак фибрилляциясыга олиб келиши мүмкін. Фибрилляция юрак мушакларининг бетартиб тез-тез шаҳилма-хил қисқаришидір. Бунда юрак иши бузилади, натижада организмда қон айланыш тұхтайди ва ўлимға олиб келади.

Кишининг электр токи билан шикастланишида баданыннан қаршилиги ҳал қылувчы рол үйнайды. Бу қаршилик негізде катталиги терининг (унинг намлығы, нозик ёки дағаллиғи, яра-чақаларнинг мавжудліғи ва қ. к.) ҳамда сүяқ ва ички аъзоларнинг ҳолатига бағытталған болып табылады.

Тери қуруқ, тоза ва бешикаст бұлса, тананинг қаршилиғи — 2 млн Ом бұлади. Агар тери нам бұлса, тоза бұлмаса, ҳамда шикастланған бұлса, унинг қаршилиғи кескин камайып ички аъзоларнинг — 500 Ом га яқин булиб қолади. Ҳисобларда тананинг қаршилиғи одатда 1000 Ом деб қабул қилинади.

**Күчланыш.** Агар шартли равища хавфли деб одам мустақил равища токдан үзини ажратиб ололмайдынан катталиқ қабул қилинса, бунда 42 В дан 200 В гача миқдордаги күчланишлар хавфлидер. Айниқса 42 дан 100 В гача бұлған диапазондаги күчланишлар диктатга сазовор, 200 дан — 1000 В оралигидаги күчланишлар ҳам хавфли, лекин бұл оралиқта хавфнинг ўсиши күзатылмайды. 1000 В дан юқорида эса күчланишнинг киши танағында салбий таъсири яна ортиб кетади (27-расм). Агарда киши бир неча киловольтли симни ушлаб олса, у үзини симдан мустақил равища ажратиб ололмайды, лекин күпгина ҳолларда хавфли қисмларға тегишдан одам билан ускуна орасыда электр ёи пайдо бўлиб одамни ускунадан отиб юборади. Бу ҳол кишини бирор срини күйдирса ҳам ўлимдан асрәб қолиши мүмкін.




27-расм. Шикастланиш хавфлининг күчланишнинг қаршилиғи күрсатувлы график.

Шундай қилиб хавфсиз күчланиш катталиғи сифатида қуруқ иш жойларыда 42 В, намроқ иш жойларыда 12 В қабул қилинген. Албатта, бу ток күчи-

шундай миқдорига ҳам боғлиқ. Шунинг учун алоҳида хавфли ишларда күчланиш 42 ва 12 В қабул қилинганд.

Очиқ иш жайларида ток ўтаётган бирор сим узилиб ерга тушган ҳолда бирор электр ускунасининг ерга уланган жойидан ерга ток ўтиши натижасида ўша ерда күчланиш найдо булади. Шу зонага кирган одам икки оёғи тегиб турған тупроқдаги икки нүкта орасыда (0,8 м) потенциаллар айирмасини сезади. Бу қадам күчланиши дейилади. Қадам күчланиши ўтказгичгача булган масофага ва қадамнинг катта-кичиклигига боғлиқ. 28-расмдан күришиб, ерда потенциаллар айирмасининг тарқалиши гипербола қонунига бўйсунар экан.



28-расм. Ерга узилиб тушган токли симдан тупроққа токининг тарқалиш графиги.

Токининг тарқалиш радиуси 15—20 м ни ташкил қилиди. Бу зонадан ташқарилда потенциаллар айирмаси лоирили сезилмайди.

Симнинг срга тегиб турган нуқтасидан узоқлашгани саримиз қадам кучланиши кескин камайиб боради.  $I_1$  масофада турган кишининг оёқлари орасидаги потенциаллар айрмаси  $I_1$  бўлса, ундан яқинроқ  $L_2$  масофадаги кишининг оёқлари орасидаги потенциаллар айрмаси  $I_2$ . Кўриниб туриптики  $I_1 << I_2$ . Энди шу мосафада турган, лекин катта қадам ташланган кишини кўрайлилк—  $I_1$ . Бунда  $I_3 >> I_2$  лиги дарҳол сезилади.

Булардан шундай хулоса қилиш мумкин: қадам кучланиши таъсирига тушиб қолган киши аввало тахликага тушмаслиги, шошмаслиги ва қўрқмаслиги керак. Ўзини қўлга олиб, тұхтаб, атрофни диққат билан назорат қилиши, токнинг срга ўтиши мумкин бўлган жойни топиши ва шу нуқтадан қарама-қарши тарафга майда қадамлар билан юриб, шу зонадан чиқиб кетиши керак. Қадам қанча катта бўлса, оёқлар орасидаги потенциаллар айрмаси шунча катта бўлишини эсда тутмоги керак.

Токнинг частотаси ва тури организмнинг шикастланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўзгарувчан токдан 20—100 Гц частота энг хавфлидир. Бу диапазондан ташқарида хавф бирмунча пасаяди.

500000 Гц дан катта частотали токлар тўқималарни қиттиқламайди ва шунинг учун электр токи уриши кузатилмайди, лекин улар терини куйдириши мумкин.

Токнинг организмдан ўтиш йўлининг шикастланиш натижасига таъсири катта. Токнинг организмдан ўтиш йўллари шартли равишда уч хил бўлиши мумкин. "Қўлдан қўлга"—бунда киши бир қўли билан токли қисмларга тегиб, бир қўли билан бирор ўтказгичга тегиб турган ҳол. "Қўлдан оёққа"—бу энг кўп учрайдиган ҳол бўлиб, бу киши бир қўли билан (ёки икки қўли билан) токли қисмга тегиб, ток оёқлари орқали срга ўтади. Учинчи ҳол "Оёқдан оёққа"—бу қадам кучланиши мавжуд ҳолларда юз беради. Бу ҳол кам учрайдиган ва хавфлилиги кам бўлган ҳолdir.

Организмда ток энг қисқа йўл билан юрмайди. Унинг йўли учрайдиган ички аъзоларнинг қаршилигига боғлиқ. Бунда токнинг энг нозик аъзоимиз—юрак орқали қанча миқдорда ўтишига боғлиқ. Яъни юрак орқали қанча кўп ток ўтса шунча хавфли. Масалан: Қўлдан-қўлга ўтганда юракдан 3,3%, чап қўлдан оёққа ўтганда юракдан 3,7%, ўнг қўлдан оёққа ўтганда юракдан 6,7%, оёқдан-оёққа ўтганда юракдан 0,4% ток ўтади.

Электр токи таъсирининг давомийлиги ҳам шикастлашши натижасига катта таъсир қилади. Токнинг организмга таъсир вақти ортиши билан организмнинг қаршилиги камая боради, натижада токнинг миқдори орта боради. Масалан, 10 с да баданнинг қаршилиги 25% га, 90 с да эса 70% га камаяди. Шунинг учун ток урган кишига зудлик билан ордам бериш керак. Ток урган кишиларга дастлабки таъсирларда ёрдам берилганда 90 фоизигача қутқариб колинганилиги тажрибаларда кузатилган.

Булардан ташқари электр токининг таъсири киши организмининг физик ва психик хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Юрик, ошқозон-ичак, асаб касалликлари ва сил билан ортиган кишиларга ток хавфли таъсир кўрсатади. Шунинг учун электр ускуналарида ишловчи ишчилар маҳсус медицина кўригидан ўтказилади ва маҳсус ўқитилади.

### 3.2.2. Электр токидан сақланиш

Түқимачилик корхоналарининг барча цехлари хавфли тиги юқори бўлган хоналарга ёки ўта хавфли хоналарга мансубдир, чунки бунда қўлланиладиган электр ускуналарининг, ёритгичларнинг, сигнал берувчи ускуналарнинг қисмлари юқори ҳарорат, юқори намлик шароитларida ишлайди. Бунинг натижасида симларнинг ихотаси бузилади, қаршилиги камаяди, қобиқларига ток ўтиш хавфи ортади ва широравард натижада машиналарни бошқарувчи ва цехдаги бошқа ишчиларнинг шикастланиш эҳтимоли ортади.

Гокдан сақланиш учун ускуналарнинг ток юрувчи қисмларига яқин келмаслиги, қўл тегизмаслиги, бехосдан тегиб кетмаслиги керак. Қобиқ ва бошқа металл қисмларда ток пайдо бўлганда, хавфни олдини ола билиши, паст кувланишида ишлаши, икки қайта ихоталаш, срга улаш, занурение, нол симига улашни (зануление), ҳимояловчи тириб қўйгичларни (защитнос отключение) қўллаш билан тишинилади.

Электр ускуналарининг ток юрувчи қисмларига бехосдан тегиб кетмаслик учун уларни ихоталаш, қўл етмайтили баландликка ўрнатиш, тўсқичлар билан таъминлаш ва бошқа тадбирларни қўллаш керакдир.

Бундан ташқари ўта хавфли шароитларда, металл қисмларнинг ичиди ишлаётганда, ток ўтказувчи полда тириб ёки ётиб ишлаётганда қўл асбоблари учун паст кувланиш — 12 В қабул қилинади.

## Ҳимояловчи срга улаш

Машина ва дастгоҳларнинг ток юрмайдиган металл қисмларини атайлаб ўтказгич ёрдамида срга улаб қўйилади (29-расм). Бундан мақсад қобиқقا ўтиб кетишади у машинани бошқарувчи ишчини бехосдан тегиб кеттиш маҳалда ток уришдан сақлашдири.

Ҳимояловчи срга улаш қурилмалари икки хил: ташқарига чиқарилган (ёки бир срга тўпланган) ва контурли (ёки бир текис тақсимланган) бўлади. Ташқарига чиқарилган қурилмаларда кўпинча уловчи асбоб-ускуналар турган цехдан ташқарига чиқариб маълум бир майдончага тўпланиб ўрнатилади.


Ерга улашнинг бу тури асосан кучланиши 1000 В гача бўлган қурилмаларда ишла тилади. Бунинг афзаллиги шундаки, электрод вазифасини бажарувчи қозиқларни срга қоқиши учун қаршилиги кам бўлган (нам, серлой ва ш. ў.) срларни танлаш имкони бор.


29-расм. Ҳимояловчи срга улашнинг схемаси. 1 — электродвигатель қобиги; 2 — срга уловчи

Контурли срга улашда якка уловчилар асбоб-ускуналар ўрнатилган цех контури (периметри) бўйлаб бир текис қилиб жойлаштирилади. Бунда хавфсизлик кучланишининг уловчилар орасида бир текис тақсимланиши ҳисобига эришилади (30-расм).

Ерга уловчилар сунъий ҳамда табиий бўлиши мумкин. Табиий уловчилар вазифасини ср остига ўрнатилган водопровод, артезиан ва бошқа қудуқларнинг металл қувуслари бино ва иншоотларнинг ер билан бирлашган темирбетон ва металл конструкциялари, ср остидан ўтган кабелларнинг қўроғошин қобиқлари ўташи мумкин.

Табиий срга уловчиларнинг қаршилиги кам бўлганлиги учун қўллаш фойдалидир, лекин уларнинг жiddий камчилклари ҳам бор. Созлаш ишлари ва шунга ўхшаш пайтларда уловчининг узлуксиз бўлмаслиги ва кўпчиликнинг бу қувурларга бемалол тега олиши, улардан хавфсирамаслиги натижасида шикастланиш эҳтимоли бор лиgidir.





30-расм. Машиналарни срга улаш схемалари. а — ташқарига чиқарилган. 1 — машиналар; 2 — магистрал сим; 3 — электрод қозықлари. б — контурли срга уланы. 1 — машиналар; 2 — контур сими; 3 — электрод қозықлари.


Кучланиши 1000 В гача бўлган ускуналарда ҳимояловчи срга уловчининг қаршилиги йилнинг хоҳлаган пайтида 4 Ом дан ошмаслиги керак.

Очиқ жойларида, хавфлилиги юқори ҳамда ўта хавфли хоналарда ўрнатилган электр ускуналари кучланишнинг қиймати 42 В дан катта, хавфлилиги кам бўлган хоналарда эса 380 В ва ундан юқори бўлган барча ҳолларда срга уланиши шарт. Портлаш хавфи бўлган хоналарга кучланиш миқдоридан қатъи назар барча ҳолларда электр ускуналари срга уланади.

#### Ҳимояловчи нол симига улаш

Машина ва дастгоҳларнинг ток юрмайдиган металл қисмларини атайдаб үтказгич ёрдамида ҳимояловчи нол симига улаб қўйилади.

Ҳимояловчи нол симига улашни қўллашдан мақсад ҳам срга улашни қўллаш каби ихотасининг бузилиши натижасида қобиқка ток ўтиб кетган чоқда шикастланиш хавфини камайтиришdir. Ихотасининг бузилиши натижасида электродвигателнинг



31-расм. Ҳимояловчи ноль симига улаш схемаси. 1 — ҳимояловчи электродвигатель қобиги. 2 — сигнал эрувчан сақлагачи.

1 (31-расм) қобигига ток ўтиб кетади. Бунда бузилган фаза билан нол орасыда қисқа туташув ҳосил бўлади, сақлагич 2 куяди ва бузилган фаза автоматик равишида тармоқдан узилади.

Нол симининг срга уланиши жуда ишончли бўлиши керак. Унга занжирни ажратувчи ускуна ва аппаратларни улаш мумкин эмас. Уларнинг узилиб кетмаслиги учун

трансформатор олдида, тармоқланиш ерларида ва албатта занжирнинг охирги пунктларида срга улаб қўйилади.

Кишини токдан шикастланиш хавфи туғилганда зудлик билан автоматик равишида элкстр ускунасини токдан узib қўювчи қурилмалар ишлатилади. Бу қурилма ҳимояловчи срга улаш ва нол симига улашлар хавфсизликни таъминлай олмаган ҳолларда ишлатилади. 32-расмда шундай схемаларнинг энг оддийларидан бири келтирилган. Бундай қурилмалар аксарият ҳолларда кўчма ускуналарда қўлланилади.


32-расм. Хавф-хатар туғилганда автоматик равишида электродвигателини токдан узib қўювчи қурилманинг схемаси.

Бошқа сабаблар туфайли электродвигатель 1 қобигига ток ўтганда, ерга уловчи 2 орқали ерга ўтиб кетаётган ток, ток рельssi ТР ни ишлатади. У эса ўз навбатида узиб қўювчи фалтак УF ни ишлатади, унинг ўрамларида ток пайдо бўлгач, автоматик равишида электродвигателини занжирдан узib қўяди.

### 3.2.3. Статик электрдан сақланиш чоралари

Электростатик зарядлар диэлектрик материалларнинг ишқаланиши, қувурлардан снгил ёнувчи суюқликларнинг оқиши ҳамда пахта толаларини ва тайёр маҳсулотларни транспортировка қилиш вақтида пайдо бўлади.

Тўқимачилик саноатида электростатик зарядларнинг роли сезиларлидир. Пахта ёки айниқса сунъий толалар билан ишлаганда статик электр зарядлари кўп ҳосил бўлади. Бу зарядларнинг йиғилиш интенсивлиги ишқаловчи



материаларнинг турига, контакт майдонига, атроф-муҳит қишининг нам-қуруқлигига, ишқаланаётган материалларнинг қашнигида қаршилигига ва бошқа сабабларга боғлиқдир.

Ишқаланиш натижасида ҳосил буладиган элекстростатик зарядлар катта миқдорлардаги кучланишларга эга булиши мумкин. Масалан: сунъий толалардан түқилган поёндоz, олар кийимларга ишқаланиши натижасида кун охирига көлиб 15—20 кВ гача, сунъий толалардан ясалган аёллар пустини куни билан кийилганда ишқаланиши натижасида 10—16 кВ гача потенциаллар айирмаси ҳосил қилиши мумкин. Бу катта миқдордаги кучланишлар ток кучи ва төргани жуда оз миқдорда бўлганлиги учун кишига катта барор етказа олмайди, лекин у кишига ноxуш таъсир қилиши, таърихтиёрий ҳаракатларга олиб келиши мумкин. Булар да кишини бирор срини уриб олиши, ишлаб турган машинага йиқилиб тушиш ва бошқа хавфларни тұғдиради.

Технологик жараёнда синтетик толалар ұзаро ва машина қисмларига ишқаланиши натижасида статик элекстроридлари түпланиб, улар разрядланганда учқун пайдо булади ва ёнғин чиқиш хавфини тұғдиради.

Кишига узоқ вақт элекстростатик зарядларнинг таъсир қишини оғир касалликларга олиб келиши мумкин.

Булардан ташқари элекстростатик зарядлар түқимачилик саноатыда технологик жараённинг барча үтимларида қўшимча қўйинчилликлар тұғдиради.

Тараш машинасидан чиқаётган тарам, муаллифнинг тақвіқотларига биноан, 1500—1800 В гача мусбат зарядлар экан. Бунда зарядлар тарамнинг эни бўйича бир кишлоғи тақсимланмаган, айни пайтда тарам ўртасида потенциаллар айирмаси 1800 В бўлса, унинг четларида 1000—1100 В булиши аниқланган. Цехда нисбий намликтининг қимайиши, тарам четларининг ҳурпайишига, пахмоқланишига, ўртасининг кўтарилиши ва ҳатто узунаси бўйлаб биртилишига олиб келади. Бу кўнгилсиз ҳодисалар бир кишлоғи зарядланган толаларнинг бир-биридан итарилиши натижасида рўй беради.

### 3.3. БОСИМ ОСТИДА ИШЛАЙДИГАН УСКУНАЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИК ШАРТЛАРИ

Түқимачилик саноати корхоналарида босим остида ишлайдиган, аппарат, идиш ва қувурлар кўп ишлатилади. Булар кўпинча портлаш хавфини тұғдириши мумкин. Булай портлашларга занглаш натижасида ускуна девор-

ларининг емирилиши ва механик пишиқлигининг йўқолиши, айрим қисмларининг қизиб кетиши, бирор қаттиқ жисмнинг урилиши сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари портлаш ва ёнувчи моддаларга учқун таъсир қилиши натижасида ҳам содир бўлиши мумкин. Бунда ёниш тезлиги сенундига юзлаб метрни ташкил қилади.

Босим остида ишлайдиган идишлар қайта таъмирланган кавшарланган бўлса, бир жойдан иккинчи жойга курилганда ёки унинг хавфсиз ишлашига жавобгар шахснинг талаби билан муддатидан илгари техник кўрик ўтказилади.

Гидравлик синов эса ҳар саккиз йилда бир марта ўтказилади. Иш ҳарорати 200°C гача бўлган идишларнинг гидравлик синови, уларга сув ёки заҳарсиз ва портламайдиган бошқа суюқлик билан қўшимча босим бериш орқали ўтказилади. Қўшимча босим идишнинг иш босимига боғлиқ бўлиб, қўйма идишлардан ташқари барча идишлар учун иш босимидан 25—50 фонз катта бўлади. Шундай босим остида (деворларнинг қалинлиги 50 мм гача бўлган идишларда) 10 минут ушлаб турилади ва бирор сензиларли ўзгариш бўлмаса, яъни чоклардан ажралиш, суюқлик томимиши, ташқи деворларининг терлаши, қолдик деформациялар кўринмаса идишлар гидравлик синовдан ўтган ҳисобланади.

Босим остида ишлайдиган ускуналар нормал технологик режимда ва хавфсиз ишлашини таъминлаш учун қўйидаги назорат-ўлчаш асбоблари ва ҳароратни назоратни берадиган бўлиши керак: улардаги суюқлик ёки газнинг босимини ўлчаш учун ва доимо назорат қилиб туриш учун манометр, ҳароратни назорат қилиб туриш учун термометр, босим ошиб кетган тақдирда портлашни олдини олиш учун сақлагич, идишда бир вақтнинг ўзида газ ва суюқлик бўлган тақдирда суюқликнинг кўп ёки озлигини кўрсатувчи асбоб, идиш ичида моддани бутунлай чиқариб ташлаш имконини берувчи мослама, агар идиш ичида конденсат тўпланса, уни чиқариб ташлаш имконини берувчи мослама.

Қувурларнинг ишончлилигини таъминлаш учун уларнинг иссиқдан узайишини ҳисобга олиш керак. Бунинг учун уларнинг бурилган жойлари равон ва силлиқ қилиб ясалади ҳамда компенсатор ҳалқалари ва шунга ўхшаш элементлар киритилади. Иссиқлик деформацияларини бир тесис тақсимлаш мақсадида, уларни айрим участкаларга бўлиб чиқиб, иссиқдан узайишига имкон қолдириб, охириги нуқталарини таянчларга мустаҳкамланади.

## ІІ. ЮҚОРИГА ЮҚ КҮТАРИШ ВА ТАШИШ ИШЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ШАРТЛАРИ

### 3.4.1. ІОкларни құлда ташиш

ІОкларни құлда ташиш ишларини бажариш, узунлиги 10 м ва юқориги баландлығы 3 м гача бұлған масофаларғана рухсат этилади. Бунда күтарилиши мүмкін бұлған юқориги максимал қиймати құйидагилардир: балоғат ёшига стмаган қызлар учун (16 дан 18 ёшгача) — 10 кг; балоғат ёшина стмаган үғил болалар учун (16 дан 18 ёшгача) — 16 кг; 18 ёшдан катта аёллар учун — 20 кг; 18 ёшдан катта еркаклар учун — 50 кг;

Аёлларға, иккі кишига, замбилинг оғирлігі билан түшиб ҳисоблаганда, 50 кг дан оғир бұлмаган юқ күтариши рухсат берилади. Бошқа барча қолларда юқ күтариши, тушпрыш ва ташиш ишлари механизациялаشتырилған керак.

Ташилаёттан юқориги хавфли-хавфсизлігінде қараб, шарнірта мос равишида ҳимоя воситалари ишлатилади.

### 3.4.2. Юқ күтариш ва ташишда құлланиладиган механизмлар

Тұқимачилик корхоналарда юкларни ташиш ва юқориги күтариш учун күргина машина ва механизмлар ишлатылади. Ташувчи механизмлар асосан горизонтал йұналишта қарқатланадылар. Улар узлуксиз ишлайдын: лентали транспортёр, ҳаво ѡрдамида, ролганлар, тарновлар ёрдамыда ишлайдын ва бошқа турлардан иборат бўлади. Даврий равишида ишлайдынларга эса автомобиллар, автотранспорт, электропогрузчиклар, темир йўл вагонлари ва ҳоказолар киради.

Юқорига юқ күтарувчи ускуналарга күпrik кранлари, автомобилларга ўрнатылған айланма кранлар, тельфер, ўзи куар аравача ўрнатылған таль ва бошқалар киради.

Юқ күтариш ва ташиш ускуна ва машиналари Давлат қоғын назорати органлари томонидан расмийлаштирилгач, техник күрикдан ўтгандан сүнг ишлатилиши мүмкін. Техник күрик тұлық — ҳар уч йилда бир марта ва ғисман — ҳар 12 ойда бир марта ўтказилиши мүмкін.

Тұлық техник күрикда юқ күтариш машиналари яхшилаб қараб чиқылады, статик ва динамик синовлардан

ұтказилади. Қисман техник күрікда эса статик ва динамик синон ұтказилмайды.

Күрік пайтида барча механизм ва электр асбоблари, хавфсизлик асбоблари, тормозлар, бошқариш аппаратлари, сигнал беруучи ва ёритувчи асбоблар ишлаб турған ҳолатда текшириб чиқлади.

Статик синон машинанинг юк күтариш қобилиятыдан 25 фоиз күп юк ортилган ҳолатда ұтказилади. Бунда, срдан 20—30 см юқорига күтарилиб, 10 минут давомида ушлаб турилади ва шундан сұнг қолдик деформациялар бор ёки йүқлиги текшириб чиқлади.

Динамик синон машинанинг юк күтариш қобилиятыдан 10 фоиз күп юк ортилган ҳолатда бир неча марта күтариб ва тушириб бажарилади.

Машиналарнинг бевосита юк күтарувчи мосламалари (стропалар, трасслар, занжирлар, кисқичлар, илгаклар ва бошқалар) фойдаланишга туширилишидан олдин ва ҳар галғы созлашдан сұнг синовдан ұтказилиши керак. Синов месъердаги юк күтара олиш қобилиятыдан 25 фоиз күп юк ортилган ҳолда бажарилади.

Пұлат арқонлар ұрамнинг ҳар қадамидаги узилган симлар сонига ва занглаш сабабли диаметрининг камай-ғанligига қараб, месъерге солишириб, ишга яроқлилиги ёки яроқсизлиги аниқланади.

Пұлат арқон ёки занжирларни оддий, синалмаган симлар билан улаб узайтириш мүмкін эмас. Ердан бироз күтарилган юкларни тәгіга кириб стропаларни ұтказиш мүмкін эмас, уларни йұғон сим ёки узун илгак билан бажарып керак. Синов муддати тугамаган стропалардан фойдаланиш керак. Юк нотұғри осилған вақтда стропаларни болға ёки мисранг билан уриб тұғрилаш мүмкін эмас. Бунинг учун, юкни срга тушириб, қайтадан илгакларни тұғрилаб илиш керак. Юкнинг усти тоза бүлмаса, тупроқ, шағал остида бўлса, ёки устида бошқа нарсалар бўлса уни күтариш мүмкін эмас. Танаффус вақтида ёки иш тугагандан сұнг юкни срдан кутарилган ҳолда қолдириб кетиш қатъян ман қилинади.

### 3.4.3. Тұқимачилик корхоналаридаги транспорт воситаларининг хавфсизлиги

Замонавий тұқимачилик корхоналари жуда мураккаб ва күп тармоқлы хұжалик бўлиб, катта майдонларни ишғол қиласи. Табиийки бундай майдонларда хом ашё, тайёр маҳсулот ва ёрдамчы материалларни бир срдан

ишилни срга ташиш учун хилма-хил транспорт воситалари ишлатилади. Масалан, пахта тойларини пахта тозалаштырмодларидан поездларда ёки автопоездларда, тракторда принципларда ташиб келтирилса, уларни омборлардан автомашина, автокара, электрокара ёки занжирли конвейерларда йигирив фабрикаларига ташилади. Тайёр маҳсулотни, чина шу транспорт воситалари ёрдамида тайёр маҳсулот омборларига ва у ердан контейнер ва вагонларга ортилиб савдо базаларига юборилади. Бундан ташқари неодалараро ҳамда фабрикалараро транспорт воситалари шилаб туради. Булар осма конвейерлар, юк лифтлари, пол устида юрувчи аравачалар, тирқишли конвейерлар, осма бсланчаклар, аравачаларни судраб юрувчи конвейерлар, ҳаво оқими ёрдамида ишлайдиган транспорт воситалари ва ҳ. к.

Тұқимачилик корхоналарида құлланадиган барча автомашина ва автопоездлар "Автомобиль транспорти корхоналари учун хавфсизлик қоидалари" талабларига түлиқ жавоб бериши керак.

Автомобилларнинг юк ортилган ҳолдаги тұқимачилик корхоналари ҳудудидаги тезлиги 10 км/соат дан ошмаслиги керак. Уларнинг юриш йұналиши писдалар йўли билан кесишмаслиги ва бу йўллар умумий йўл ҳаракати белгигарни билан бошқарип борилиши керак. Бу қоидалар билан барча транспорт ҳайдовчилари таништириб чиқилган булиши керак. Уларнинг ҳаракати пайтида, ҳатто энг паст төзілікда кетаётгандан ҳам зинапояларига ва кузовларига ғамларнинг чиқиб олишига йўл қўймаслик керак.

Тұқимачилик корхоналари ҳудудида ички ёниш движатели транспорт воситалари албатта (искрогасителлар) учқун чиригичлар билан таъминланган ҳолда юришлари керак.

Цехлардаги ташиш воситалари эса маълум аниқ маршрут бўйлаб юришлари ва бу маршрутлар одамлар гавжум йўлаклар устидан ўтмаслиги керак. Беланчак, аравача, ишлак ва занжирларнинг тепадан тушиб кетмаслигини таъминловчи мосламалар билан таъминланиши керак. Бу конвейерлар одамлар юрадиган йўл билан кесишган срарда ҳимоя тўсиқлари билан таъминланади.

### 3.5. ТҰҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ ШАРОИТИНИНГ ЯХШИЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙҰНАЛИШЛАРИ

Меҳнат шароитларини яхшилаш, хавфсиз технологик каралынушларни, хавфсиз машина ва ускуналарни яратиш, тұқимачилик корхоналарини лойиҳалаш даврида ёки ҳисобга

олиниши керак. Лойиҳалаш даврида йўл қўйилган хатоларни эксплуатация қилиш даврида тузатиб бўлмайди.

Тўқимачилик саноатида технологик жараёнларни автоматлаштириш яқин келажакда ишчиларни хавфли ва зарарли меҳнат шароитларидан халос қиласди. Тез ва аниқ ўлчайдиган, мураккаб жараёнларни белгиланган иш тартибидан чиқиб кетмаслигини, цехлардаги микроқлим катталикларини (ҳарорат, намлик, ҳаво ҳаракати тезлиги ва ҳ. к.) мўтаъдил қийматларини ушлаб тура оладиган асбоблар бошқариб турадилар.

Тўқимачилик саноати корхоналарида меҳнат шароитини яхшилашнинг истиқболдаги йўналишлари технологик жараёнларни автоматлаштириш даражасининг тез суръатлар билан кўтарилишига боғлиқ. Бу автоматик равишда ишлайдиган поток линиялари, роботлаштирилган комплекслар, интеграциялашган иш жойлари, электроника ва микропроцессор техника воситаларининг кенг жорий этилиши ҳисобига амалга оширилади.

Йигирув жараёнининг дастлабки бошланғич ўтимларидә ёнчалик чиқишини камайтириш ва қулай иш шароитларини яратиш мақсадида яқин келажакда автоматик маромда ишлайдиган пахтани тойларнинг устки қисмидан оладиган, микропроцессорли бошқарилувчи-таъминловчи АП-36, чангли ҳавони узлуксиз сўриб турувчи мослама билан таъминланган ОНб-П қия пахта тозалагич, аррали пахта титувчи РПХ-М, чангсизлантирувчи МО-М машиналарини титиш-саваш агрегатлари таркибига киритилади.

Илғор йигирув фабрикаларида титиш-саваш агрегати ва тараш машинасидан чиққан чиқиндиларни ҳаво қувурлари орқали йиғиб, аралаштириб улардан роторли йигирув машиналарида паст номерли ип йигириш йўлга қўйилган.

Истиқболли йигирув машиналари қаторига автоматлаштирилган пневмомеханик ППМ-120 А 1 М йигирув машинаси киради. Унда бир қанча илгари қўлда бажариладиган ишлар: тайёр маҳсулотни йигишириб олиш, ўрнига бўшлирини қўйиш, ипларни керакли жойга узатиш ва узилган ипларни улаш ишларини автоматик равишда бажариш кўзда тутилган. Бу машина автоматик равишда бошқариладиган, чиқиндиларни марказлаштирилган пневматик система ёрдамида сўриб олинадиган автоматик поток линиялари таркибига киритилади. Бунда технологик жараёнинг автоматик бошқарув системаси бу машиналарининг ҳар бир

қисмидан шошилинч ахборот олиб туради. Бу машинада роторининг ҳаракат тезлиги жуда юқори (31000—75000 айл/мин бўлиб, албатта уни бошқариш юқори малака талаб қилиди).

Тўқув цехларини мокисиз тўқув дастгоҳлари билан таъминлаш тўқимачилик саноатининг барча тармоқларида давом эттирилади. Ҳозирги кунда бизда мокисиз тўқув дастгоҳлари билан таъминланганлик даражаси илғор давлатлар қаторидадир.

Келгусида тўқимачилик саноати цехларини автоматик линиялар, блоклар билан жиҳозлаш, цех ва корхонани ёнисига автоматлаштириш назарда тутилиши керак.

Технологик жараёнда механизацияни ва автоматлаштириши кенг жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнлари тезлигининг кескин ўсиши ишчиларнинг асаб чарчаши ҳамда ҳаракат координацияси бузилиши хасталикларига олиб келади. Шунинг учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олдиндан кўра билиш зарурати ортади. Айниқса, тиббий тадқиқотлар, норматив ҳужжатларни ва меҳнат хавфсизлиги талабларини такомиллаштириш, меҳнат шароитларини, ишлаб чиқариш жароҳатлари, порглаш ва ёнгиллар ҳақидаги омиллар мажмуасини анализ қилишининг янги илмий-техник усулларини яратиш назарда тутилиши керак.

Саноат санитарияси бўйича асосий йўналиш — ишлаб чиқариш муҳитида заарли моддаларнинг мавжудлиги ва миқдорини узлуксиз ва автоматик равишда аниқлайдиган ўга сезгир асбоблар ва янги усуllар ишлаб чиқиш назарда тутилиши керак.

Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган янги моддалар таъсирида пайдо бўлиши мумкин бўлган касбий касалликлар, ошиқозон-ичак ва асаб касалликларига олиб келиши мумкин бўлган омиллар таъсирини ўрганиш давом эттирилади.

Цех ҳавосини янгилаш бўйича илмий ишлар, ишлатилган ҳавони марказлаштирилган ускуналар ёрдамида сўриб олиш, уни чанг ва заарли моддалардан тежамли ва ишончли усуllар билан тозалаш, автоматик равишда ишлатиладиган назорат воситаларини қўллаш, машиналарни ва цехни тозалашда вакуум ускуналари қўллаш ва чангни марказлашган ҳаво системалари ёрдамида сўриб олиш ривожлантирилади. Бунинг учун ўзидан чанг чиқармайдиган, чангли ҳавони самарали тозалай оладиган, мукаммал автоматлашган кондиционерлар ва бошқа машина ва

и-  
та  
ка-  
ат  
да  
ан  
ан  
аб  
н.  
и,  
ш-

в-  
и-  
и-  
гр  
и-  
т-  
и-  
и-

и-  
и-  
и-  
и-  
и-  
и-  
и-

ускуналарни яратишдек тұқимачилик корхоналарига хік мұаммоларни ҳал қилиш керак.

Ишлаб чиқариш цехларини ёритиш борасида ҳім илмий ишлар давом эттирилади. Айниқса күзни толиқты рувчи омилларни камайтириш, фонарсиз цехларда инсон учун зарур бұлған ультрабинафша нурланишга әга бұлған сұнъий ёруғлик манбалари құллашни күпайтириш, ёритиш ускуналарини эксплуатация қилиш рационал тартибии ишлаб чиқиши, машиналарга ўрнатылған ёритиш асбобаларини яхшилаш ишларига катта ақамият берилади. Қандилларни тозалаш ва ювш мұаммолари ҳал қилинади.

Ишлаб чиқаришни узлуксиз механизациялаш, машиналарнинг ва транспорт воситаларининг құввати ва ҳаракат тезлигининг ошиши бевосита шовқин ва титрашнинг ортышига олиб келмаслиги керак. Бунинг учун шовқин ва титраш борасидаги илмий ишлар давом эттирилиши, шовқин ва титрашни кескин камайтирувчи ҳимоя воситалари ва материаллар ишлаб чиқариш көнг жорий қилиниши керак.

Электр хавфсизлиги бүйіча тадқиқттар электр токи ва электромагнит майдонларининг инсон танасиға биофизик ва электрофизиологик таъсирини ўрганишга йұналтириш, бундан мақсад ток кучи, кучланиш ва майдон кучланған лигининг йўл қўйса бұладиган қийматини аниқлаш, мөттёрларни белгилаш, электр ускуналарининг срга улаш мосламаларининг мұкаммал схема ва конструкцияларини яратиш, толали чангларнинг ёнгин хавфи мавжудлигини ҳисобға олған ҳолда электродвигателлар ҳимоясининг рационал схемасини ишлаб чиқиши ва бошқа шунгага үхшаш тадбирларни ҳисобға олишдир. Келгусида машиналар ишини бошқаришга паст кучланишлардан фойдаланыш көнг жорий қилинади. Тұқимачилик саноатининг барча үтимларыда статик электр зарядларига қарши самарали антистатик моддалар құллаш күзде тутилади. Келгусида электр жароҳатларининг барча турларини илмий асосланған статистик ҳисоботини ягона усулини ишлаб чиқиши ва тадбик қилиш назарда тутилади.

Ёнғин ва табиий оғаттар пайтида корхонадан ишчиларни хавфсиз эвакуация қилиш тадбирлари ва воситаларини ишлаб чиқишига катта ақамият берилади. Бир нечеси тасодиғий жараён сифатида эвакуациянинг математик модели ишлаб чиқилади.

Техник эстетика ва ишлаб чиқариш маданияти тадбирларини илмий асосда яратиши, хавфсиз меңнат шароитларини ташкил қилишда мұхым ақамият касб этади.

#### 4-боб

### ЁНГИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

#### 4.1. ЁНГИНГА ҚАРШИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ёнгинлар халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиришлар. Ёнгин бир неча минут ёки соат ичида жуда катта шиғордаги халқ бойликларини ёндириб, кулга айлантиради. Ёнгин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат шигидрид ва бошқа заарали ҳид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнгиндан қўриладиган заарларнинг энг ёмони шуки, унда кўплаб синилар жароҳатланади ва ҳатто ўлиши ҳам мумкин. Йўларнинг ҳаммаси, ёнгинга қарши кураш тадбирларини, бу вақтда пайдо бўладиган ишларни хавфсиз бажариш усуслари ва меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишга мажбур қиласди.

Ҳозирги пайтда тўқимачилик корхоналарида ёниш хавфиини камайиши борасида бирмунча ишлар амалга оширилган. Тўқимачилик корхоналарида ёнгин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган элекстр ускуналари қўлланилмоқда. Тўқимачилик корхоналари бино ва иншоотлари таркибидан ёнувчи қурилиш материалари сиқиб чиқарилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизацияланган ва автоматлашган системалари тобора кенгроқ қўлланилмоқда.

Лекин, ёнгин чиқишининг олдини олишда, ўт ўчиришда ясасий масъулият кишилар зиммасига тушишини ва уларнинг ёнгинни ўчириш техникасининг барча талабларини тұлиқ бажаришларига боялиқ эканлигини унутмаслигимиз кирак. Тўқимачилик корхоналарида бу тадбирлар тартибли ранишда, ёнгин техникаси ҳақидаги низом, ёнгин хавфсиллиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши керак.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мүлкини кўз қорачиғидай сақлаши ва асраб-авайлаши уни

бойитиши ҳақида қайгуриши керак. Шунинг учун тұқимачилік корхоналаридан әнғинни олдини олиш ва үт үчириш тадбирлари кенг жамоатчилікка сұяңған қолда, цехлардаги қар бир ишчининг иштирокида олиб борилади.

#### 4.1.1. Ёнғин мұхофазаси ишларини ташкил қилиш турлари

Ёнғин мұхофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтисрий турларга бүлинади.

Касбий әнғин мұхофазаси үз навбатида, ҳарбийлаштирилған (йирик шаҳар ва мұхым обьектларға хизмат күрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (район марказлари ва йирик саноат обьектларига хизмат күрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарға хизмат күрсатади) турларига бүлинади. Йирик саноат корхоналаридан касбий әнғин қысмлари ташкил қилинади. СН и П II-89—80 "Саноат корхоналарининг бөш режалари" га асосан ишлаб чиқаришнинг әнғин хавфи бүйіча А, Б ва В тоифалары учун (маълумки тұқимачилік корхоналари В тоифасига мансуб) касбий әнғин қысмларининг хизмат күрсатиши радиуси 2 км дан ошмаслиги керак. Бу қысмлар одатда корхона құдудидан ташқарига жойлаштирилади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда әнғин мұхофазаси ва обьектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади.

Тұқимачилік корхоналаридан әнғин мұхофазасини ташкил қилиш ва әнғин чиқишини огохлантириш; үт үчириш техникаси ва қуролларини алоқа ва үчириш воситаларини жанговар қолатда сақлаш; әнғин чиққан тақдирда уларда фаол қатнашиш, халқ мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш ва шу каби кундалик профилактика ишларни олиб боришни тақозо қиласи.

Корхоналарда әнғин мұхофазасининг қандай структураси мавжуд бўлишидан қатъи назар кўнгилли үт үчириш дружиналари тузилиши керак.

#### 4.2. Ёнишнинг физик-химик асослари

##### 4.2.1. Ёниш ва портлаш учун қулай шароитлар

Ёниш деб әнүвчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажralиб чиқувчи химиявий реакцияга

айтилди. Күп ҳолларда ёниш ёнувчи модда заррачаларини нурланиши билан бирга кечади. Ёниш ҳосил булиши ва у даюм этиши учун ёнувчи модда (қаттиқ, суюқ ёки гасимон), оксидловчи модда (оддий шароитда оксидловчи модда вазифасини ҳаводаги кислород үташи мүмкін) ва қызыгурувчи манба (учқун, очиқ аланга ва құғанған нарса) мәнжуд булиши керак. Шуни айтиш керакки, ҳаводаги кислород, миқдори 15 фоиздан юқори бұлғандагина оксидловчи вазифасини бажара олади, ундан паст концентрацияда эса ёниш мавжуд бұла олмайди. Бундан тиімдіктері оксидловчи модда вазифасини тегишли шароиттарда хлор, бром, калий ва бошқа моддалар ҳам үташи мүмкін.

Хавфлиліги бүйіча барча модда ва ашёларни қуїидаги түрларға булиш мүмкін: ёнмайдиган моддалар, ёниш киғи мавжуд моддалар, ёниш ва портлаш хавфи мавжуд қимдә портлаш хавфи мавжуд моддалар.

Ёнмайдиган модда ва ашёлар — ёниш ёки ёнғинни аныттында үзата олиш хусусиятлари йўқ нарсалардир. Масалан, ғишт, металл, бетон ва бошқалар.

Ёниш хавфи мавжуд модда ва ашёлар ҳавода ёниш ва ёнғинни үзата олиш хусусиятига эгадирлар. Масалан, ёғоч, қотоғ, пахта толаси, мазут, портлаш хоссасига эга бұлмаган чанглар (тұқымачилик корхоналарда ажратылған чанглар ҳам шунга киради).

Ёниш ва портлаш хавфи мавжуд модда ва ашёлар, қызығынан ёки суюқ ёнувчи моддалар билан бириккандың көбумда аланталанып кетиш хоссасига эга. Бундай моддаларға водород ангидриди, азот кислотаси ва бошқалар, ҳамда ёнувчи моддалар билан аралашғанда үзидан кислород ажратылған чанглар, кислота таъсирида, қыздырылғанда ёки механик таъсири остида портловчи бирикмалар киради. Масалан, пахта чанги билан сслитра аралашғанда шу ҳол руи беріши мүмкін. Шу билан бирга бундай нарсаларға қарында тарқалған ҳолда портловчи аралашмалар ҳосил қылувчи чанглар ҳам мансубдир. Масалан, луб ва кенаф топалары чанглари. Ёниш ва портлаш хавфи мавжуд моддаларға үзлери ёнмайдиган, лекин сув билан аралашғанда парчаланып, газ ажратылған чанглар, кислота таъсирида портловчи бирикмалар ҳосил қылувчи моддалар ҳам киради (кальций карбид).

Портловчи нарса ва моддалар ҳаво билан аралашып портловчи бирикмалар (ёнувчи газ, водород, ацетилс) ҳосил қиласылар. Портлаш хавфи мавжуд моддаларга ёнувчи газлар билан аралашганда портлаш хавфини вұжудға келтирадиган әнмайдиган газлар ҳам киради (кислород ёнувчи газ билан аралашганда портлашга олиб келади). Айрим ҳолда ёнмайдиган ва ёниши таъминлай олмайдиган портловчи газлар ҳам бұлиши мүмкін. Масалан, баллонларда сиқылған ҳолда сақлануучи карбонат аңгидрид гази. Портловчи моддаларга, шунингдес ҳаво билан аралашған ҳолидаги неорганик моддалар ҳам (алюминий, магний ва бошқа моддалар куқунлари) киради.

#### 4.2.2. Ёниш фазалари

Ёниш фақат маълум ҳарорат шароитидагина мавжуд бұлиши мүмкін. Барча ёнувчи моддаларнинг таркибида углерод ва водород мавжуддир. Иссиқлик таъсири остида ёнувчи моддалар парчаланиб юқоридаги газлар ажралиб чиқиб, ҳаводаги кислород билан бирикіб аланга ҳосил қиласы.

Ёниш фазаларининг құйидаги хили аниқланған.

1. **Чақнаш.** Агар секин-аста қиздириләтгандың ёнувчи суюқликка вақт-вақты билан ташқаридан аланга таъсир қилдирсак, маълум бир ҳароратта стендада, ундан ажралиб чиқаётгандың газсимон маҳсулотта қақнайды ва шу заҳотиёқ үчіб қолади. Суюқликнинг ана шу пайтдаги ҳарорати қақнаш ҳарорати дейилади. Қақнаган газларнинг тез үчіб қолишининг сабаби, бу ҳароратта суюқликтан ажралиб чиқаётгандың газлар аланғани давом эттириш учун етарлы әмаслигидир.

Қақнаш ҳарорати моддаларнинг ёнғын жиҳатидан хавфлилигини аниқлашда катта аҳамиятта моликдир. Айрим моддалардан ажралиб чиқувчи бүгінші газлар күп миқдорда үйніліши натижасыда очиқ аланга билан бирикіб күчли портлаш пайдо қилиши мүмкін.

2. **Алангаланиш.** Суюқ, ёнувчи моддаларни қиздириш қақнаш ҳароратидан юқорида ҳам давом эттирилса, уннан бүгланиши жадаллашади ва шундай бир вақт келадики, унга аланга яқынлаштирилса чиқаётгандың бүглар қақнайды ва ёнишда давом этади. Суюқликнинг шу ҳолатдаги ҳарорати алангаланиш ҳарорати деб аталаади.

1. Үз-үзидан аланталаниш. Агар ёнувчи суюқ-шашни аланталаниш ҳароратидан юқори бўлган ҳолатда ҳам ғимориши давом эттирилса-ю, лекин очик алантага яқин-шашнирилмаса, маълум бир вақтда, ажралиб чиқаётган бугдар үзидан-ўзи аланталаниб кетади. Ёнувчи суюқлик-нинг ана шу ҳолатдаги ҳарорати ўз-ўзидан аланталаниш ҳарорати дейилади.

2. Үз-ўзидан ёниб кетиш. Айрим ёнувчи қатни маддаларни сақлаш нотўғри ташкил этилган ҳолларда ёниб кетиши мумкин. Масалан, нам ҳолда ишончланган похол, пахта, тошкўмир, мой артилган латта иш бошқалар. Бу жараён ўз-ўзидан ёниш ҳарорати маълум ҳароратдагина бўлиши мумкин.

Каттиқ маддалар ёнаётганда, ёнаётган қисмларига ёниш қисмлари қизиши ва улардан ўз наъбатида ёнувчи қисмлар ажралиб чиқиши ва уларнинг ҳам ёна бошлиши иштасида узлуксиз занжир реакцияси кечади. Бу бирор бир тусувчи омилга учрамаса ёнувчи модда ёниб тамом бўлгунча давом этади.

Ёнувчи суюқ маддаларнинг ёниши фақат юзалари очик ҳолатдагина, яъни ҳаво билан туташ бўлган юзалардагина юз бериши мумкин. Бунда суюқлик юзасидаги алантага пастки қатламларни қиздиради ва ёнувчи бугдарнинг янги-янгиларини чиқаради ва улар ҳам ёна бошлайди, шундай қилиб бу срда ҳам занжир реакцияси кечади.

Ёнувчи суюқ маддаларнинг чақнаш ҳарорати  $45^{\circ}\text{C}$  га тик ёки ундан кичик бўлса бундай маддалар снгил ёнувчи суюқликлар (ЛВЖ) дейилади. Буларга бензин, сероуглерод, спиртлар ва бошқалар мисол бўла олади. Чақнаш ҳарорати  $45^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганлари эса ёнувчи суюқликлар дейилади (ГЖ). Қурилиш меъёрлари ва қоидалари СН и II II. 3—70 да келтирилиши бўйича ёнғиндан муҳофаза қилиши илмий текшириш институтининг тавсиясига биноан снгил ёнувчи суюқликларга чақнаш ҳарорати  $61^{\circ}\text{C}$  га тенг во ундан паст бўлганларни, ёнувчи суюқликларга эса  $61^{\circ}\text{C}$  дан юқориларини киритиш белгиланган.

Газларда эса, газнинг ҳар бир молекуласи кислороднинг молекулалари билан бевосита kontaktда бўлиши мумкинлиги ва улар бир вақтнинг ўзида оксидланиш жараёнига тайёр бўлганлиги учун, ёниш жараёни катта тезликда кечади.

Ёнувчи модда бўйлаб аланганинг тарқалиш тезлиги секундига бир неча метрни ташкил этса ёниш, бир неча юз метрни ташкил этса портлаш, бир неча километрини ташкил этса детонация деб аталади.


#### 4.2.3. Портлаш чегаралари

Газ ва буғларнинг ҳаво билан аралашмасининг ёниш ва портлаш хавфи, аланганинг тарқалиш тезлиги, чақиши, алангаланиш, ўз-ўзидан алангаланиш ҳароратидан ташқари уларнинг ҳаводаги концентрация чегараси (газ ва буғлар учун) ҳамда ҳарорат чегараси (буғлар учун) билан характерланади.

Портлашнинг концентрация чегараси деб ёпиқ тигели ичida ёнувчи газ ва буғларнинг ҳаводаги миқдори ташни аланга таъсири остида алангаланиб кета оладиган миқдорни айтилади.

Ҳаво билан тўлдирилган берк идиш олиб, унга маълум миқдорда ёнувчи газ ёки буғ қўшиб борамиз ва ҳар гал уни ёқиб кўрамиз. Бу газнинг миқдори (фоизларда ёки огирилик концентрациясида) кам бўлганда алангаланмайди, яъни идиш ичидаги босим атмосфера босимига тенглигичи қолаверади. 33-расмда кордината ўқларида ёнувчи газнинг ёки буғнинг идиш ичидаги концентрацияси, абсцисса бўйича портлаш босими кўрсатилган.

Ёнувчи мoddанинг концентрацияси ошириб борилиши натижасида шундай ҳолат юзага келадики, бунда аралашма кучсиз портлайди (расмда "A" нуқтаси). Ёпиқ идиш ичida ёнувчи газ ёки буғнинг ҳаво билан аралашмасининг ёндирилганда портлаш пайдо қиласидан минимал қиймати портлашнинг пастки чегараси деб аталади. Идиш ичига бсрлаётган газ ёки буғнинг концентрацияси яна ошира борилса, портлаш кучи орта беради ва бирор максимал қийматга эришади. Концентрациянинг янада ошириши бориши энди портлаш кучини оширмай, балки пасайти-



33-расм. Ёнувчи газ ва буғларнинг портлаш концентрацияси чегаралари  
А — портлашнинг пастки чегараси.  
Б — портлашнинг юзори чегараси.

роли на сескин-аста сұна бошлайды ва маълум концентрияда эса бутунлай тұхтайди ("Б" нүкта). Ёпиқ идиш ичидә ёнувчи газ ёки бүгнинг ҳаво билан аралашмасыннан, әндирілгандан портлайдиган максимал қиймати портлашнинг юқори чегараси деб аталади. Портлашнинг пастки ва юқори чегаралари орасидаги фарқ қанча катта бұлса, модданинг портлаш хавфи шунча юқори булади.

Хар бир ёнувчи модданинг бүглари ва газлари, ҳамда өнгілдер үзларининг пастки ва юқориги портлаш чегаралари қийматларига зә.

Енүвчи өнгілдер ва толалар, уларнинг пастки портлаш чегараси  $65 \text{ г}/\text{м}^3$  дан паст бұлса, портлаш хавфи мавжуд қисобланади. Агар уларнинг пастки портлаш чегараси  $65 \text{ г}/\text{м}^3$  дан юқори бұлса, улар әнғин хавфи бўлган өнгілдер қисобланади.

Суюқликлар бүглари учун ҳам портлашнинг ҳарорат чегаралари пастки ва юқориги қийматларга эгадир.

Портлашнинг пастки ҳарорат чегараси деб, ёпиқ идиш ичидаги, суюқликнинг түйинган бүгларининг ташқи манба таисирида аланга олиши мүмкін бўлган энг пастки ҳарорат тушунилади.

Портлашнинг юқориги ҳарорат чегараси деб, ёпиқ идиш ичидаги суюқликнинг түйинган бүгларининг ташқи манба таисирида аланга олиши мүмкін бўлган энг юқориги қарорат тушунилади.

Енүвчи суюқликларнинг газ ва бүгларининг ҳаво билан аралашмасини юқорида күрсатилган чегаралардан ташқари қийматларида ҳеч қандай манба билан аланталатиб бўлмайди. Масалан, ацетон түйинган бүглари учун портлашнинг пастки ҳарорат чегараси —  $20^\circ\text{C}$ , юқоригиси —  $7^\circ\text{C}$ , сероуглерод учун тегишлича —  $14^\circ\text{C}$  ва —  $7^\circ\text{C}$ .

#### 4.3. ӘНҒИНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

##### 4.3.1. Ёнғин чиқиши сабабларининг таснифи

Ишлаб чиқаришда бўладиган ёнғинларнинг келиб чиқиши сабабларини иккى хилга булиш мүмкін.

1. Ишлаб чиқариш технологик жараёнидан аланга манбани чиқариб ташлаб бўлмайдиган ва цехларда ёнувчи ёки портловчи моддалар йигилиб қолган ҳолат.

Масалан, пардозлаш фабрикасининг матонинг тукини куйлириш жараёни юқори ҳароратда ишлайди, яъни куй-

дирувчи юза чўгланиб турганда 100 м/мин тезликда мато утказилади. Машинанинг ҳаракат қисмларидан бирортаси тўхтаб қолса ёки мато озгина бўлсада тўпланиб қолса дарҳол алангаланиб ёнгин чиқиши мумкин.

2. Ишлаб чиқариш технологик жараёнидан ёнувчи ёки портловчи моддаларни чиқариб ташлаб бўлмайдиган иш аланга манбанини қўллашга йўл қўйилган ҳолат. Масалан, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборларида, титиш-савони цехларида пахта ва матолар кўп миқдорда тўпланиши табиий. Лескин бу хоналарда маълум эҳтиёт чоралари кўрилмасдан очиқ аланга манбай ишлатилса ёнгин чиқиши мумкин.

Тўқимачилик корхоналари учун характерли бўлгани ёнгинларнинг сабабларини қўйидагича таснифлаш мумкин:

- технологик жараённинг бузилиши;
- машина ва аппаратларнинг техник фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;
- хом ашё ва тайёр маҳсулотларни сақлаш қоидаларининг бузилиши;
- машина ва аппаратларнинг аспирация ҳамда чангли ҳавони тозалаш системаларининг қониқарсиз ишлаши;
- электр ускуналарини нотўғри ўрнатилганлиги ва нотўғри ишлатилиши;
- ишлаб чиқариш цехларида ва корхона ҳудудида ўтирган чангларни тозалаш ишлари қониқарсиз ташкил этилиши;
- ишлаб чиқариш цехларида ва корхона ҳовлиларида аланга билан боғлиқ ишларни нотўғри олиб бориш;
- ўт ўчириш ва хабар бериш воситаларининг техник жиҳатдан қониқарсиз аҳволдалиги;
- корхона ишчи ва хизматчиларининг ҳамда кўнгилли ўт ўчириш командаларининг тайёргарлиги қониқарсиз эканлиги.

#### 4.3.2. Ишлаб чиқариш корхоналарини ёнгин хавфи бўйича таснифлаш

Корхоналарни ёнгин хавфи бўйича таснифи уларни лойиҳалаш, реконструкция ва эксплуатация қилиш жараёнларида катта аҳамият касб этади ва ўтга чидамлилик даражасини, қаватлар сонини, бинолар орасидаги масофа-ларни тўғри танлашда мухим рол ўйнайди. Корхонанинг ёнгин хавфи бўйича тоифасига, биносининг ўтга чидамли-

даражасига ва ҳажмига қараб ички ва ташқи ўт ўчириш водопровод системасига керакли сувнинг сарфини, шинни системаси, вентиляция ва ҳавони мұтадиллаш, руа тұмминоти, ёритиш, электр ускуналари ва ўт ўчириш мөнгөләри турларини танлаш мүмкін.

1986 йилда қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг ишлаб чиқарыларига биноан барча ишлаб чиқарыш корхоналарыда технологик жарасынларни портлаш ва ёнғин хавфи бүйічі беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

Ишлаб чиқарышнинг "А" ва "Б" тоифалари портлаш ва табиии кавфи мавжуд корхоналардир. Тұқымачилик корхоналарыда химиявий толалар чанги ва улар билан табиии толалар чанги аралашган цехлар, ёнувчи ва мойловчи машиналар сақланадиган омборлар, чақнаш ҳарорати  $28^{\circ}\text{C}$  ви ундан юқори бўлган суюқликлар ишлатиладиган цехлар киради.

Ишлаб чиқарышнинг "В" тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар "А" ва "Б" тоифаларыда тұраімайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ сууичи модда ва материаллар мавжудлігі билан харектерленади. Бу тоифага тұқымачилик корхоналарининг пигириүп, тұқыу фабрикалари, пардозлаш фабрикаларининг ономастік цехлари, газламаларнинг түкини күйдириш, маҳсулот сипаттими текшириш ва тайёр маҳсулотни таҳлаш цехлари, умуман ишлаб чиқарышнинг қуруқ жараёнлари кечадиган барча цехлари, трансформаторлар жойлашган хоналар, ёнувчи суюқликларни сұрувчи насос станциялари киради.

Ишлаб чиқарышнинг "Г" тоифасига ёнмайдиган моддалар на материалларни иссиқ, құғланған ёки эриган ҳолда иштейдиган ва иш жараённіда нурсимон иссиқлик ажралапшыны учқун ва аланга чиқиб турадиган, шунингдек қаттиқ, суюқ, на газсимон ёқилғи ёқладиган цехлар киради.

Ишлаб чиқарышнинг "Д" тоифасига ёнмайдиган моддалар на материалларни совук ҳолатида ишлейдиган цехлар киради.

Енувчи суюқликлар, газлар ва буғлар ёнилғи сипатида ишлатиладиган ёки шу хонанинг ўзида ёқиб утилизация сипатидиган жараёнлар, шунингдек технология жараённіда оның алансадан фойдаланиладиган корхоналар "А", "Б" ва "Г" тоифаларига кирмайди.

Омборлар, уларда сақланадиган материалларнинг ёнғин сипатидан қанчалик хавфли бўлишига қараб тоифаларга оғартилади.

#### **4.3.3. Ишлаб чиқариш биноларининг портлаши ва ёнгин хавфи бўйича тоифаси**

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаетган барча ускуналар ёнгин ва портлаб кетиш жиҳатидан хавфсиздир. Йёкни бу ускуналар ишлаб чиқаришнинг ёнгин ва портлаш хавфи бўйича турига мос равишда тўғри танлангандагина ҳамфи сизликни таъминлай олади. Ишлаб чиқариш хоналарини "электр ускуналарининг ўрнатиш қоидалари" га ривоқ қилинган ҳолдаги ёнгин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш учун маҳсус гуруҳлар ишлаб чиқилган.

**Портлаш бўйича хавфли хоналарининг гуруҳлари**

B-1 бунга фақат авария ҳолатидагина эмас, балки олий иш шароитида ҳам ёнувчи газ ёки буғларнинг ҳаво билан ёки бошқа оксидловчилар билан қўшилганда аралашма ҳосил қиласиган хоналар мансубдир. Масалан, сингил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни очиқ идишларга сақлаш, бир идишдан бошқа идишга ёки аппаратларга қўйиш ишлари бажарилаетган ва бошқа хоналар.

B-1a — бунга оддий фойдаланиш шароитида ёнувчи газ ёки буғларнинг ҳаво билан ёки бошқа оксидловчилар билан аралашмаси портламайдиган, балки фақатгина авария ҳаво бузилган ҳолдагина портлаш мавжуд бўладиган хоналар мансубдир.

B-1б — юқоридаги B-1a классига мансуб, лескин қўйидаги хусусиятлардан бири мавжуд бўлган хоналар: ёнувчи газларнинг пастки портлаш чегараси баланд (15 фоиз ни ундан ортиқ) ва йўл қўйса бўладиган концентрацияларда ўтқир ҳидли; авария ҳолатларида хоналарда умумий портлаш концентрацияси тўпланмайди, балки маҳаллий портлаш концентрациясигина тўпланниши мумкин; сингил аллангаланувчи ёнувчи газлар ва ёнувчи суюқликлар кам миқдорда сақланувчи хоналар ва улар билан ишлаш, ҳам сўрувчи шкафларда ёки сўрувчи зонтлар остида олий борилувчи хоналар киради.

B-1г — авария ёки бузилиш орқали таркибида портлаш хавфи вужудга келадиган газлар, буғлар ва енгил аллангуланувчи суюқликлар мавжуд бўлган ташқи (хоналардан ташқарида ўрнатилган) қурилмалар.

B-II — фақатгина авария ҳолатида эмас, балки мөъёрий қисқа иш маромида ҳам ҳаво ва бошқа оксидловчи моддалар билан портлаш хавфи мавжуд аралашмалар ҳосил

Олардан да бүлгелеги олалык хавфли толалар ажралиб  
иқтималдан хоналар.

II-На — юқоридаги В-II классига хос, лекин нормал  
шартлаштырылғанда шароитида хавфли ҳолат вужудга келтирілген,  
фақаттегі авария ёки бузилғандагына хавфли  
мүмкін вужудга келтириши мүмкін бўлган хоналар.

Тұқимачилик корхоналарының асосий цехларыда толали  
мәденият ишлатилиши ва улардан ажралиб чиққан толали  
шартлаштырылғанда хавфли тадқиқотлардан маълум. Шунинг учун тұқима-  
чилик корхоналарының асосий цехларыниң өнгөн хавфи  
түбінчі тоифаланишини билиш катта ажамиятта эга.

Өнгөн хавфи бўйича хоналарнинг тоифаланиши

II-I — чақнаш ҳарорати  $45^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган ёнувчи  
суюқликлар ишлатиладиган ёки сақланадиган хоналар.

II-II — ҳавода учеб юриш ҳолатига ўтадиган ёнувчи  
шартлаштырылғанда бўлганинг ҳавф, чанг ёки толаниң физик хоссалары  
биноан, ёки шароитида улар концентрациясининг  
шартлаштырылғанда хавфи туғдириш даражасида старли бўлмаслиги  
бўйин (шартлаш билан эмас) билан чегараланади.

II-IIa — юқоридаги II-II классига хос хусусиятлардан  
мұстасно бўлган, қаттиқ ёки толали ёнувчи моддалар  
сақланадиган ёки ишлатиладиган ишлаб чиқариш ва омбор  
хоналари.

II-III; — буғларнинг чақнаш ҳарорати  $45^{\circ}\text{C}$  дан юқори  
бўлган ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи қаттиқ моддалар  
сақланадиган ёки сақланадиган ташқи ускуналар.

#### 4.3.4. Ёнгин ҳақида хабар бериш ва алоқа воситалари

Ёнгин бошланиши ҳақида ўз вақтида хабар бериш, уни  
тарқалиб кетмасдан тезда ўчиришга ва жуда катта тала-  
шыларни олдини олишга имкон беради. Ёнгин бошланған-  
дигы ҳақида хабар өнгинни дастлаб кўрган киши томонидан  
ёнгиндан муҳофаза қилиш пунктига ҳамда цехнинг кўн-  
гилли ўт ўчириш командасига хабар қилиниши керак.

Автоматик равишда хабар берувчи ускуналар самара-  
мироқдир, чунки уларнинг датчиклари ёнгин чиқиши  
мүмкін бўлган хавфли жойларга ўрнатилади.

Ёнгин ҳақида бақириб, товуш сигналлари бериб, сирено, гудок бериб, металл парчасини уриб, телефон, рации ғана автоматик сигнал берувчилардан ҳам фойдаланиб хабар берилади.


Ёнгин хавфи юқори бўлган корхоналар район ёки шахтада ўт ўчириш командалари билан бевосита телефон алоқаси билан боғланади. Йигирув фабрикалари ҳам, айниқса титиш-саваш цехлари шундай алоқа воситаларига эга.

Цехларга ўрнатилган хабар берувчи мосламалариниң (извещателлар) бир нечтаси алоқа тармоғига кетмайди уланиши мумкин. Бундай система шлейф системаси дейилади. Параллел уланган ҳолда ҳар бир мослама қабули станцияси билан иккита сим орқали уланади. Бундай система "нур" системаси дейилади. Ҳар бир нурга кетма-кет ҳолда учтагача мослама улаш мумкин. Алоқанинг "шлейф" системаси йирик саноат корхоналарида қўлланилади. Йирик тўқимачилик комбинатлари шулар жумласига киради.

Ёнгин ҳақида хабар берувчи асбоблар тугмали (одам ишга туширади) ва автоматик равишда ишлайдиган турларга бўлиниади. Автоматик хабар берувчи асбобларнинг иш принципига қарорат ёргулик нури, тутун, ҳарорат таъсирида ишлайдиган ва комбинациялашган турлари бор. Улар ёнгин пайтида ажралиб чиқадиган ёруғлик энергиясини, тутун туфайли ўзгарадиган ёргулик кучини ҳамда ҳарорат ўзгишларини электр сигналларига айлантириб, симлар орқали қабул пунктларига ёнгин чиққини жой ҳақида хабар берадилар, ёки бу сигналлар автоматик равишда ўт ўчириш воситаларини ишга тушириб юборади.

34-расмда ҳарорат ўзгишни натижасида ишга тушадиган хабар берувчи ПТИМ-1 нинг принципиал электр схемаси тасвиранган. Қаршилик атрофидаги

34-расм. Ҳарорат ўзгишни осигурашадиган хабар берувчи "ПТИМ-1" нинг принципиал схемаси.



Ҳинонинг ҳарорати меъёрида бўлганда тиратроннинг анод тинжиридаги ток реле Р нинг ишлашига старли бўлмайди. Ҳарорат ортиши билан иссиқлик қаршилиги  $R_1$  ўзининг қаршилигини тезда тушириши натижасида кўпrik схемаси олкаларининг мувозанати бузилади ва тиратроннинг бошқарувчи электродида кучланиш ортади. Натижада тиратрон ёниб унинг қаршилиги камаяди. Бу эса ўз навбатида анод тинжиридаги токнинг ортишига ва реле Р нинг ишлаб кетишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда ёнгин ҳақида электр сигнал бергичларнинг (ЭПС) кўплаб схемалари мавжуд. Масалан, ўнта нурли оптик сигнал берувчи асбоб ТОЛ — 10/100 микротелефон орқали гаплашиш имконини берибгина қолмай, ўтириш воситаларини ҳам ишга тушириб юбора олади. Ёнгин ҳақида хабар берувчи комплекс мослама СКПУ-1 сидамида эса тутун, ҳарорат, очик аланталарни қаерда пайдо бўлганлигини ҳам билиш мумкин.

#### 4.4. ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ЁНГИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

Тўқимачилик корхоналарининг ёнгин чиқиши сабаблари технологик жараёнларнинг ҳамда ишлаб чиқариш ускуналарининг ёнгин чиқишига мойиллиги билан ажралиб туради. Бунда пахтани титишдан бошлаб, то тайёр газлама ҳолига келгунча барча жараёнлар ёнгин хавфи билан боғлиқдир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ёнгин чиқишининг энг кўп ҳоллари титиш агрегатлари (31,0 фоиз) ҳамда саваш машиналарига (45,2 фоиз) тўғри кслар экан.

Тўқимачилик саноати корхоналарида ёнгиннинг асосий сабаблари қўйидагилардир: машина қисмларининг ишқаланиши, айланувчи қисмларига толаларнинг ўралиб қолиши, машина ичига металл тушиб қолиши, электр ускуналаридаги бузукликлар, эксплуатация қонидаларининг бузилиши ва шунга ўхшашлар.. Қўриниб туритики булар аксар техник сабаблардир. Шунинг учун тўқимачилик корхоналарида ёнгинга қарши тадбирлар асосан қўйидаги йўналишларда олиб борилиши керак:

— технологик ускуналарнинг ишида электр ускуналаридан аланталаниш манбалари пайдо бўлишини олдини олиш тадбирлари;

— машиналардан чанг ажралиб чиқишини ҳамда қурилии конструкцияларига, машинанинг устки қисмларига ва

бошқа срларга чанг ва момиқ түпланиб қолишини камайтириш тадбирлари;

— автоматик хабар берувчи ва ўт ўчирувчи воситаларнинг ҳар доим ишлатишга тайёр ҳолда туришини таъминлаш тадбирлари.

#### 4.4.1. Тўқимачилик саноати хом ашёсини ёнгин хавфи бўйича баҳолаш

##### Толаларнинг ёнгин хавфи бўйича хусусиятлари

Тўқимачилик саноатида турли хил толали материаллар ишлатилади. Улар асосан табиий ва химиявий толалар бўлиб, табиий толалар ўсимликлардан (пахта, лён, каноп, жут ва бошқа) ҳамда ҳайвонлардан (жун, ипак) олинади.

Химиявий толалар сунъий ва синтетик тола турларга бўлинади. Химиявий толалар соғ ҳолда ва бошқа толалар билан аралашма ҳолида ишлатилади.

Пахта толаси учқундан снгил алангаланади ва яхши ёнади. Ёнганда ўзига хос ҳид чиқаради. Абсолют қуруқ пахта толаси ёнганда ўзидан 4150 ккал/кг иссиқлик ажратиб чиқаради. Пахтанинг иссиқлик сифими 0,36 ккал/кг. град иссиқлик ўтказувчанлиги эса 0,01—0,04 ккал/м. соат град. Ҳаво ҳаракати паст бўлганда титилган пахта толасининг ёниш тезлиги секундига 0,1—0,15 метрни ташкил қиласди.

Пахта толаси 210<sup>0</sup>С да алангаланади, 205<sup>0</sup>С да чўғланади ва 407<sup>0</sup>С да эса ўз-ўзидан аланга олади.

Пахта маълум микроцілм шароитида оксидланиб иссиқлик чиқара бошлайди. Бундай қулай шароитларда секин-аста қизиб ўз-ўзидан алангаланиши ва оқибатда ёнфинга олиб келиши мумкин. Бу жараён айниқса пахтага алиф ёки ўсимлик ёғлари аралашган пайтда тез кечади.

Жун толаси қийин алангаланади ва иссиқлик ўтказиш хусусияти камдир. 120<sup>0</sup>С дан ортиқ ҳароратда у парчалана бошлайди. 285<sup>0</sup>С ва ундан юқори ҳароратда секин-аста чўғланади, 290<sup>0</sup>С да эса алангаланади. Гугурт алангасида жун пахтага нисбатан секин ёнади. Ёнганда куйган шох ҳиди таралади ва қора рангли шарча шаклига айланади. Бу шарча эзлиса енгил қукунга айланаб кетади.

Ипак ҳам секин ёниб, ўзидан куйган шох ёки пат ҳиди таратади. Алангадан ташқарига олинса, у ёнишдан тўх-

тайди. У ёнганда жун сингари снгил қукунлашиб кетувчи қори шарча шаклига киради.

Вискоза толаси тез, югурувчи аланга билан ёниб, куйган қороз ҳиди таратади. Толанинг куйган учларида кул излари қониди. 175—180<sup>0</sup>С да вискоза толаси парчалана бошлаб, 135<sup>0</sup>С да алангаланади. У паст энергияли олов манбаидан қим снгил ёнади. Вискоза толаси кимёвий ёки микробиологик қизиш хусусиятига эга эмас. Ёнаётган толани сув билан снгил ўчирса бўлади.

Ацетат толаси ёки иплари сифат жиҳатдан вискоза толасидан бирмунча фарқ қиласди. Ацетат толаси учларида қўра-қўнғир шарча ҳосил қилиб тез ёнади. Алангадан ташқарига ёниш ўқолади. Ёнганда сирка кислотасининг қидини эслатувчи нордон ҳид таратади.

Ацетат толаси 320<sup>0</sup>С да алангаланиб, 445<sup>0</sup>С ҳароратда иш ўз-ўзидан алангаланади. Бу тола кимёвий реакция тифайли ўз-ўзидан ёнмайди, чунки у микроорганизм ва имбурурглар таъсирига бардошлидир. Лекин, ацетат ва мураккаб эфирлар сингари органик эритмалар таъсирига чидамсиз, улар таъсирида шишиб, эриб ва қисман парчанинг кетиши мумкин. Ёнганда, одатда сув билан яхши ўнади.

Полиамид толалари қиздирилганда эриши билан фарқи наиди. Уларни 140<sup>0</sup>С гача қиздирилганда мустаҳкамлиги 60—70 фойз камаяди. Капрон толаси 214—218<sup>0</sup>С да амид—250—255<sup>0</sup>С да эрийди. Буларнинг эриши ҳидсиз ва юмшоқ шарчалар ҳосил қилиш билан кечади. Бу материаллар тириган ҳолатида яхши ёнади.

Капрон 395<sup>0</sup>С да, амид 355<sup>0</sup>С да ва энант 415<sup>0</sup>С да алангаланади. Ёнаётган полиамид толалари сув билан яхши ўнади.

Полиэфир (лавсан) толалари кўпинча жун, пахта, лён, вискоза толалари билан аралаштириб ишлатилади. Бу газламанинг пишиқлигини оширади ҳамда фижимланишини камайтиради. Лавсан толаларининг сунъий толалар (вискоза) га нисбатан ёниш хавфи камроқдир. Лавсан толасини алангалатиш учун анча кучли аланга манбаи талаб қилинади. Аланга қисқа вақт ичада таъсир қилдирилса у приди холос. У 230<sup>0</sup>С да юшмайди, 260<sup>0</sup>С да эрийди ва 390<sup>0</sup>С да алангаланади.

Полихлорвинил (ПВХ) толалари чиримаслиги ва замбурутчи таъсир қилмаслиги билан ажralиб туради. Ёруғлик

таъсирига чидамсиз,  $75^{\circ}\text{C}$  да юмшайди, ёруғликда бир ойда пишиқлигини йўқотади. Ўтда ёнмайди, фақат буришиб қолади.

Полиакрилнитрил (нитрон) толалари кам энергияли аланга манбаларидан ҳам тез ёниб кетиши мумкин,  $200^{\circ}\text{C}$  ҳароратда алангаларади. Биз кўрган юқоридаги синтетик толалар орасида нитрон энг ёнувчан ҳисобланади.

#### 4.4.2. Толали чиқиндиларнинг ёнгин хавфи бўйича хусусиятлари

Йигирув фабрикаларининг барча цехларидан чиқсан ҳамма чиқиндилар фабриканинг чиқинди цехига тўпланади, турлари ва сифати бўйича алоҳида-алоҳида қилиб ажратилади. Бу бўлимда уларни қайта ишлайдиган ва зичлагич (пресс) машиналар ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида чиқиндиларнинг айрим турлари оғирлиги 120—130 кг ли тойларга зичланади.

Аксар ишлаб чиқариш чиқиндилари ўзининг таркибида ҳар хил узунликдаги толалардан ташкил топган бўлади. Шунинг учун ишлаб чиқариш чиқиндиларнинг ёнгин хавфлилиги асосий компонентнинг кўрсаткичлари ва уларнинг аралашмадаги миқдори билан белгиланади.

Чиқиндилар ёнганда 2—4 минут ичида ҳароратнинг тез кўтарилиши кузатилади. Тажрибаларнинг кўрсатишича уларда ёнишнинг ўртача кўрсаткичи  $7,1 \text{ кг}/\text{м}^2$  соатни ташкил этади. Чиқиндиларнинг иссиқлик ажратиб чиқариш имконияти — 3500 ккал/кг га тенг. Аланганинг тезлиги уларда секундига 15 мм ни ташкил қиласи. Айниқса катта майдонларга, титилган ҳолатда ёйилган бўлса катта хавф тутгидиради.

Чиқинди цехида кўп миқдорда толали материаллар тўпланади ва улар аксар титилган ҳолатда бўлади. Шунинг учун бу срда ёнгин чиқсанда кўп миқдорда тутун ажратиб чиқади. Дастребаки 2—3 минут ичида аланга пасаяди, сўнгра чўғланиш бошланади, бунинг сабаби хона ичи тутунга тулиб ҳавода кислород миқдори камайишидир.

Чиқинди цехларидан ишчиларни хавф-хатарсиз эвакуация қилиш мақсадида ва ўт ўчириш командаларининг эркин ҳаракат қила олиши учун ундан фабрика ҳовлисига бевосита чиқиладиган эшик мавжуд бўлмоғи лозим.

#### 4.4.3. Чангнинг ёнғин хавфи бўйича хоссалари

А. И. Пахомичевнинг тадқиқотлари пахта хом ашёсида ишлайдиган йигиув фабрикаларида ажралиб чиқаётган чангнинг 40 фоизи сўрувчи ускуналар ёрдамида сўрилса, қолгани 60 фоизи юқорида айтилган юзаларга ўтириб олади. Каноп фабрикалари цехларида чанг концентрациини пахта хом ашёсида ишлайдиган цехларга нисбатан 5-10 марта каттадир. Айниқса машиналарни ва хоналарни кўл билан тозалаш пайтида цехларнинг чангланганлик дарражаси юқори бўлади.

Бигин нуқтаи назаридан чанг ажратиб чиқараётган. Ҳар қандай шароит хавфли ҳисобланади. Ажралиб чиққан момиқ ва чанглар биринчи навбатда учқун чиқарувчи электродвигатель, машинани юргизувчи ва ўчирувчи тұмалар, электр симлари ва шунга ўхшаш юзаларга ўтиради.

Бу юзаларга ўтирган момиқ ҳаво билан биргаликда сингил снувчи аралашма ҳосил қиласи ва улар электр учқуни сингари кичик манбадан ёниб кетиши мумкин. Аксар хом ашё, ярим маҳсулот ва тайёр газламаларнинг ышыб кетиши ана шундай момиқларнинг алангаланишидан бошланади.

ВНИИПО нинг тадқиқотлари кўрсатишича ФТНС фильридан олинган, намлиги 8,8 фоиз, пастки концентрацион алангаланиш чегараси  $42,5 \text{ г}/\text{м}^3$  бўлган каноп чангнинг намунасининг алангаланиш ҳарорати  $200^{\circ}\text{C}$ , ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати  $440^{\circ}\text{C}$  ва ўз-ўзидан ёнгандаги үйганиш ҳарорати  $200^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Бу чанг портлаш хавфи мавжуд чангдир.

Ажралиб чиқаётган чанг яна шуниси билан хавфлики, у машина ва агрегатларнинг айланниб ва ишқаланиб турувчи қисмларига ҳам ўтиради. Ёнғин жиҳатдан бу чанглар мойланиб турувчи қисмларга ўтирганда айниқса канфлидир.

Иситиш системаларининг қизиган қувурлари устига ўтирган ва айниқса тозалаш қийин бўлган юзаларга ўтирган чанглар ёнғин хавфини туғдиради. Бу ҳолларда чангнинг ёна бошлаганини ҳар доим ҳам кўриб бўлмайди.

#### 4.4.4. Ишчиларни хавфсиз эвакуация қилиш

Кутилмаганда ва бирдан мавжуд бўлган хавфли вазиятларда (ёнгин, поргаш, авария, ер қимирлаши) корхонадан барча ишловчиларни тезда ва хавфсиз эвакуация қилиш талаб қилинади. Бунда одатда, эвакуация қилиш қисқа вақт ичидаги барча ишловчиларни бино ёки хонадан ташқарига йўналтириш керак бўлади. Тўқимачилик корхоналарида машиналар анча зич жойлаштирилиши туфайли ва технологик жараённинг бирмунча мураккаблиги, яъни ўтимларнинг кўплиги туфайли эвакуация талаблари ҳам ўзига хос мураккабликларга эга.

Хавфсиз эвакуация қилишда вақт асосий роль ўйнайди. Эвакуацияга қўйиладиган асосий талаблар ана шундан келиб чиқади. Бу талаблар эвакуация йўлакларининг узунлиги, кенглиги, уларнинг сони, қулайлиги, жойлаштирилиши ва шунга ўхшашлардир.

Энг узоқ иш жойларидан эвакуация эшигигача бўлган масофа ишлаб чиқаришнинг тоифасига, бинонинг ўтга чидамлилик даражасига ва унинг неча қаватли эканлигига боғлиқ. Мъалумки, тўқимачилик саноатининг асосий цехлари "В" тоифасига мансубдир. Шунинг учун бир қаватли биноларда бу масофа 50—100 м, кўп қаватли биноларда эса 30—75 м ни ташкил этади.

Вестибюль, зинапояларнинг ёки ташқарига олиб чиқадиган коридорнинг хона эшигидан узунлиги 25 м дан ошмаслиги керак. Коридорлардан камидаги эвакуация чиқиш йўли бўлмоғи керак.

Эвакуация учун хизмат қиласиган йўлаклар, зинапоя майдончаларнинг кенглиги ҳисоблаб топилади, лекин улар бир метрдан, коридорларнинг кенглиги эса 1,4 м дан кам бўлмаслиги керак. Маршларнинг эни 1,05—2,4 м, эшикларнинг эни эса 0,8—2,4 м, бўлиб бинодан ташқарига очилиши керак.

Эвакуация зинапоялари кишиларни хавфсиз эвакуация қилинишини, уларнинг тартибли ҳаракатини, ёнгин вақтида ўт ўчирувчи қисмларнинг эркин ҳаракат қиласи олишини таъминлаши керак. Бу мақсадда қурилган зинапоя катаклари, одатда атрофи ёпиқ ва табиий ёруғлик тушадиган қилиб ҳамда ёнмайдиган қурилиш материалларидан ишлатилган ҳолда қурилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг ёрдамчи бинолари учун (маъмурий, конструкторлик бюроси, майший, умумий

оксидланиши, тиббий пункт ва шунга ўхшаш) ёнғинга карни талаблар СНиП II-92—76 да белгиланганадир.

Пешлардан эвакуация мақсадида чиқиш эшиклари иккитиздан кам бўлмаслиги керак. Битта чиқиш эшиги фикаттинга цехдаги одамлар сони 50 тадан кам бўлган ҳолатини бўлиши мумкин.

Эвакуация йўлаклари (зинапоя катаклари, йулаклар, тифти оғди майдончаларида пардозлаш учун ёнувчи материаллар ишилатиш тақиқланади.

#### 4.5. ЎТ ЎЧИРИШ АСОСЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

##### 4.5.1. Ўт ўчириш воситаларининг таснифи

Ениш жараёни тўхташи учун оксидланиш-тикланиш шоттермик занжир реакцияси узилиши керак. Бу реакцияни тўхташнинг физик ҳамда химик усуллари қўлланади.

Физик усуллари — бу алангани ёнувчи модда пасидан узуб ташлаш, ёнувчи модда юзалари ҳароратини (тепорход) концентрациясини камайтириш (кўпинча ёнмайдиган газлар концентрациясини ошириш ҳисобига) ва ёнувчи модда билан оксидловчини бир-биридан ихоталаш.

Химёвий усуллари ёниш реакциясини тормозлаш ҳисобига амалга оширилади.

Ўт ўчириш воситалари асосан уч гурӯҳга бўлинади:

1) ёнишини тугатиш усули бўйича — совитувчи, аралаштирувчи (чапиштирувчи), ихоталовчи, ингибирлаштирувчи;

2) электр ўтказувчанлиги бўйича — электр токини ўтказмайдиган (сув, буғ, кўпик), электр токини ўтказмайдиган (тимер, кукунли бирикмалар);

3) заҳарлилиги бўйича — заҳарли (фреон, бромэтил), заҳарли (карбонат ангидрид, азот), заҳарсиз (сув, кунинг, кукунли бирикмалар).

##### 4.5.2. Ўт ўчирувчи моддалар

Сув. Ўтни ўчиришда энг кенг тарқалган модда сувdir. Сув ўзининг қуйидаги хусусиятлари туфайли ўтни ўчиришда энг афзал модда ҳисобланади. Сувнинг иссиқлик сююми катта, ёнаётган юзага тушган сув унинг иссиқлигин ютиб олади. Маълумки, 1 литр сув тахминан 539

кал. иссиқликни ютади. Юқори ҳароратли юзаларга түшгап сув тезда бұғланади. Бұғланиш натижасыда унинг ҳамжи 1700 марта ортади ва вақтінча ёнаётган юзаны қамраб олиб ҳаводаги кислород миқдорини камайтиради. Суннинг юзаларни ұйлаш хусусияти ёнғинни тарқалмаслигиде катта роль үйнайды. Унинг сирт тараптегі кичик ( $0,073$  н/м) бұлғанлиги учун ёнаётган моддаларнинг тирқиши нағашыларынан таңдайды. Булар ҳаммаси үтни үчиришда катта ақамият касб этади.

Пахта толаси ёнганды сув билан ўчириш унчалик самарали эмас. Ёнаётган пахта тойларини ҳовузга ташлаб юбориб, бир ҳафтадан сүнг олинганды яна тутай бошлаган ҳоллари ҳам кузатилган. Бунинг сабаби сувнинг сирттаранглиги кичик бўлишига қарамай жуда кичик тирқишларга, масалан, пахта толаси, пахта чанги юзаларидан тирқишларга кира олмайди. Уларнинг атрофи сув билан қопланган бўлишига қарамай, толанинг ички қисми ҷўгланишда давом эта беради. Шунинг учун пахта ёнганды уни ўчириш учун сирт таранглигини камайтириш мақсадида ҳўлловчи моддалар қўшилади. Бу тадбир сув сарфини 2—2,5 марта ва ўт ўчириш вақтини 20—30 фойизга камайтиради. Кенг тарқалган ҳўлловчи моддалардан бири ОП-1 сувга оғирлиги бўйича 3,5—4 миқдорида қўшилади. Пахта толаларини ўчиришда "некаль" НВ ҳўлловчиси 0,7—0,8 (оғирлиги бўйича) миқдорида қўлланилади.

Сүнгиги пайтларда сув нефт маҳсулотларини ҳам ўчиришда ишлатилмоқда. Ёнгин бўлаётган юзаларга сув майдага заррачалар ҳолида сепилиди. Бу майдага томчилар ( $0,1-0,5$  мм катталикдаги) тезда буғланади ва буғ ёнаётган суюқлик юзасини қамраб олиб кислородни ўтказмайди.

Шунингдек, сув, охирги пайтларда ўт үчиришда кенің құлланилаётган ҳаво — механик күпик ҳосил қилишда ҳам ишлатиласы.

Катта босим остида ўт ўчириш шланглари стволидан отилиб чиқаётган узлуксиз сув оқими ёнаётган газ алангаси тилини узиб юборишда ва шу билан ўтни ўчиришда ишлатилади.

Үт ўчиришда сувнинг салбий хусусиятларидан бири унинг электр токининг үтказувчандайдир. Бу кучланиш остида бўлган ускуналарни ўчириш имконини бермайди. Бундан ташқари, сув айрим моддалар (калий, натрий) билан химиявий реакцияга киришиб парчаланади. парчаланиш натижасида ажралиб чиқадиган водород портлаши

шунинде, кислород эса ёнишни кучайтиради. Шунингдек, сув билди кальций карбидини ҳам ўчириб бўлмайди, чунки сув тикканде ёнувчи газ — ацетилен ажралиб чиқади.

Карбонат ангидрид гази. Бу газни ёнгин чиққан донага йўналтириш натижасида у срдаги ҳавонинг ўчирибди кислород миқдорини камайтириш орқали ёнгинни ўчиришга қаратилган. Бу газ ёнмайди. Агар ҳаводаги виборзӣ миқдорини 15 фоизгача туширишга эришилса, ёнгин минжуд бўлиш имкони йўқолади. Карбонат ангидрид синий ўчигига газ ҳолатида, ҳамда суюлтирилган карбонат ангидридли ўт ўчиргич ҳолатида берилиши мумкин. Суюлтирилган карбонат ангидридли ўт ўчиргичда у ҳаво билан реакцияга киришиб минус  $70^{\circ}\text{C}$  ҳароратли дарсизмон модда ҳосил қиласи. Бу ёнаётган буюмлар ишенини яхши совутади.

Инерт газлар. Ёнгинни ўчиришда инерт газлар — зерни аргон газлари ҳам ишлатилади. Улар ҳам карбонат ангидрид гази сингари ҳаводаги кислород миқдорини крилантириб камайтиради ва бу ёнгинни ўчиришга олиб болади. Бу газлар карбонат ангидрид газичалик самарали имсе.

Тутун газлари. Тутун газларидаги кислород миқдори ҳисоблагидан бирмунча кам бўлиб, тахминан 18—19 фоизини ташкил қиласи. Бу газлар охиригача ёндирилса, ундаги кислород миқдорини 5—6 фоизгача тушириш мумкин. Буюдай газлар ёнгинни ўчиришда бемалол қўлланилиши мумкин. Ўт ўчириш техникасида самолётларнинг ўз иш муҳимини ўтаган реактив двигателларини ишлатиш ҳам шунга қўйилган. Булар ўт ўчириш машиналарига ўрнатилиши ва тутун газлари сув оқими билан бирга ёнгин машиналарига берилади.

Ингибиторлар. Галоидланган углеводородлар ёниш реакциясига кимёвий сусайтиргич орқали таъсир кўрсатиб ёнгинни тўхтатади. Булар инерт газларга нисбатан анча самаралидир. Бу мақсадда бромли этил, бромил этилен, тиброметрафторэтан (фреон 114  $\text{B}_2$ ) — лар ишлатилади. Фреон сув буғига нисбатан 20 марта, углерод оксидига нисбатан 12 марта самаралироқdir. Галоидланган углеводородлар чўгланган пахта хом ашёси ва толасини ўчиришда аниқсан қўл келади. Улар электр токини ўтказмайди ва сонек ҳавода музлаб қолмайди: Уларнинг кенг қўлланилишига қимматлиги тўсқин бўлиб турипти. Бундан ташкари, қайнаш ҳароратининг пастлиги ( $38^{\circ}$ — $98^{\circ}\text{C}$ ) ва

учувчанлиги очиқ жойлардаги ёнғинларни үчиришда құлашга монелик қиласы.

Күкүнли бирикмалар. Улар ёнаётган газлар енгил алангаланувчан, ёнувчан суюқликлар кучланиши остида бұлған электр ускуналарни үчиришда ишлатилади. Улар арzonлиги туфайли тобора күпроқ құлланилмоқда. Уларнинг асосий қисми ош содасидан (натрий бикарбонат) ибораттады.

Металлорганик бирикмаларни үчиришда СИ-2 кукуни ишлатилади. Унинг асосий қисми фрсон 114 В<sub>2</sub> билан тиндирилган селикоген заррачаларни ташкил этади. Ёнғинга тушгач кукун заррачалардан алангага кучли тормозловчи (ингибитор) сифатида таъсир қылувчи фрсон ажралиб чиқады.

Күпик. Ёнаётган юзага тушган күпик уни қоплағы олиб, кислород киришидан тұсады ва ажралиб чиқастың суюқлик ёнаётган юзани совутади. Күпик асосан қаттық моддалар ва ёнувчан суюқликларни үчиришда ишлатилади. Күпиклар пайдо бўлишига қараб икки хил бўлади: күпик ҳосил қылувчи қоришмани ҳаво оқими билан механик аралаштирув орқали олинадиган ҳаво-механик күпик ва ишқор эритмаси билан кислотанинг аралашиши натижасида пайдо бўладиган кимёвий күпик.

#### 4.5.3. Ёнғинга қарши сув таъминоти

Тұқимачилик корхоналарыда ёнғинга қарши самарали курашиш мақсадыда үт үчириш водопроводлари мавжуд бўлади. Бу водопровод кўпинча хўжалик-майший ва ишлаб чиқариш водопроводи билан биргаликда құлланилади. Бу водопровод қувурларига сув кўл, дарё, канал, сув омбори, артезиан қудуқлари, шаҳар водопровод тизими ва бошқа манбалардан олиниши мумкин.

Үт үчириш учун мўлжалланган сув таъминоти манбанинг турига ва ҳимояланувчи обьектнинг характеристиги қараб водопровод қурилмаларининг сони белгиланади. Одатда очиқ манбалардан бўладиган сув таъминоти мураккаб ҳисобланади. Бу схема үз таркибида сув чиқариш иншооти, дастлабки сув кўтаргич насослари, сув тозалаш қурилмалари, тоза сув сақлаш ҳавзалари, сувни иккинчи қайта кўтариш насоси станцияси, сув босими ҳосил қиладиган минора (сув минораси), қувурлар ва үт үчириш гидрантлари каби кўпгина қурилмаларни үз ичига олади.

Күнгінде тұқымачилик корхоналарыда ўтга қарши сув таъминоти корхона қовл исига қурилған сув қовузларидан жүрді. Сув қовузларининг ҳажми ўт ўчиришнинг мөлшерінен виситаларини З соат давомида тинимсиз таъминлаб туришта мүлжалланади. Улар корхона ҳудудида шундай ғанағантирилады, сув насослар ишлатилғанда ўт ўчириш шарттарынан узунлиги 150 м дан, автонасослар ишлатилғанда да 200 метрдан ортиб кетмаслығы керак.

Маңлумки, сув корхона водопроводи тармоғыда бир сарғылыштырылғанда сув беріб бұлмайды, сув билан таъминлаш насослари да мәншүл ҳажмда сув беріб туради. Корхона водопровод системасыда сув сарғини ростлаш учун, ҳамда баланд-паштоти жиҳатидан ҳар хил бұлған нұқталарда босимини тағайындағанда сув сарғи кам бұлғанда келәстігінде сув жуғындык мөлшерінде сув минорасига тушади ва аксинча сув сарғи ортиқча тағайында шу минорадаги зақира сұздан ишлатилади.

Минораның идишидаги сув ўн минутлик узлуксиз тағайындағанда стадиган бұлади. Хұжалик эхтийяжлары учун сарғылыштырылғанда сув сарғининг 20 фоиз миқдорида, насосларни автоматтап равиша юргизилғанда эса 5 фоиз миқдорида сув зақираваси олинади. Ҳозирги пайтда бакдаги сувнинг ортасынан насайиши билан насосларни автоматтап равиша жүргізуінде юбориш усқуналары құлланилади. Бундай ҳолдарда сув минорасидаги сув ҳажми 5 минутлик узлуксиз тағайындағанда сув ҳисобланади.

Сун минорасининг баландлығы одатда қойидағы формулада бүйінчика ҳисобланади:

$$H_m = H_{36} + \sum h_c + (L_a + L_b), m \quad (4.1)$$

Бу ерда  $H_{36}$ — сувнинг водопровод системасидеги минимал өркін босими, м;

$\sum h_c$ — сув минорасидан участканиң охиригача босимине насайиши, м;

$L_a, L_b$ — сув минораси жойлашған ва участка охиридаги дәр жағасининг баланддик белгиси, м.


Үт ўчиришнинг ташқи водопровод системасы

Ишлаб чиқарылған насоси ҳудудида, хом ашё ва тайёр мақсулот омборлары ёнғинни ўчириш мақсадида доимо көркем босим остида етарлы миқдорда сув билан таъминланып кесрак. Бу мақсадда корхона ҳудудида ўт ўчириш шарттарынан узунлигі билан таъминланған водопровод системасы үзгәртіледі.


Пахта толаси омборларини ташқи томонидан ўчириш учун мұлжалланған гидрантлар орқали юбориладиган сүй. Кичик омборлар учун — 10 л/с; ўрта ва катта омборлар учун — 20 л/с ва булардан ташқари омборлар учун — 30 л/с миқдорида ҳисобланади.

Техник-иқтисодий самарадорлиги бўйича ўт ўчириш водопроводлари икки хил — паст ва юқори босимли бўлади. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш ва хўжалик маший водопровод билан умумлаштирилган паст босимли водопровод ҳамда юқори босимли водопровод ўрнатилган.

Паст босимли водопровод системасида, сув босими ичак учидан яъни ствولدан чиқаётган сув оқими 10 м юқоригача кўтарила олиши керак. Бундай водопроводда ёнгин пайтиди сув босимини ошириш учун мотопомпа ёки автонасос ишлатилади 35-расм.



35-расм. Ёнгин пайтида водопроводдан сув бериш схемаси. а — паст босимли; б — юқори босимли.



36-расм. Ер ости гидрантинин схемаси. 1 — водопровод қудуги; 2 — қудукнинг қопқоги; 3 — ўт ўчириш водопроводи қувури; 4 — водопровод таглиги; 5 — гидрант.

Юқори босимли водопровод системасида эса сув босими ишлаптадар насослар орқали ҳосил қилинади. Насослар ишлаптадан ўрнатилади, бири иш насоси, иккинчиси тақири насоси. Бунда яна электр насосларидан ташқари иш унумдорлиги 1200 л/мин бўлган стационар сувнасослар шартларда тутилиши керак. Бу насослар ёки метопомпа юниттани ёғин пайтида ишлатилади. Бошқа пайтда паст босимли водопровод системасидек ишлай беради. Бу юқори босимли водопроводда сув босими объектдаги энг юқори баланддан 10 метр баландликка узлуксиз сув оқимини узатиб беради олиши керак. Шу билан бирга бериладиган сув сприск диаметри 19 мм, ичакнинг узунилиги 100 м гача, сув оқимининг сарфи 5 л/с бўлгандаги ҳолат ҳисобланади.

Шу шартлардада гидрантлардаги (36-расм) керакли сув босими (м) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$h_{\text{гидр}} = h_{\text{спр}} + H_{\text{шл}} + H + t \quad (4.2)$$

бу сурда  $h_{\text{спр}}$  — сприскдаги босим, м;

$H_{\text{шл}}$  — шлангдаги сув босимининг камайиши, м;

$H$  — гидрант ва стендердаги сув босимининг камайиши, м;

$t$  — корхона биносининг энг баланд нуқтасининг баландлигиги, м.

Уг ўчириш мақсадида қўлланиладиган водопровод системаси боши берк ёки ҳалқали бўлиши мумкин. Корхона ҳудудининг хоҳлаган ерига сувни олиб бориша энг ишончлиси ҳалқали системадир.

Лигин пайтида водопроводдан сувни олишда унга бутун унумлиги бўйича гидрант ўрнатилади. Гидрантлар одатда коррақаларга яқин срларга, биноларнинг қулаганда "босиб қолиш" минтақасидан узоқроқ йўллар бўйлаб, уларнинг ўтидан 2,5 м дан узоқ бўлмаган масофада ўтқазилади. Бинолардан эса  $\frac{H}{2} + 3\text{м}$  масофада ўтгани маъқул ( $H$  — биносининг баландлиги, м). Улар одатда бир-биридан 100 м тича бўлган масофада ўрнатилади. Корхона ҳудудининг ҳар бир нуқтаси камидан иккита гидрантдан бериладиган сув билан таъминланиши керак. Бунда паст босимли водопроводдаги гидрантларнинг таъсир доираси 150 м, юқори босимли водопроводдаги гидрантларнинг таъсир доираси 120 м юлиб олинади.

Гидрантлар икки хил, яъни ср ости ва ср усти гидрантлари булиши мумкин. Расмда кўрсатилгандек, ср тиги гидрантлари чўян қопқоқ билан ёспиладиган қудуқлар иштаги ўрнатилади. Буларни ишга тушириш бироз мурак-

каброқ, қоронгидә ҳамда ер юзи қор билан қопланған  
вақтларда топиш қийинроқдир; афзаллиги әса қипшил  
құвурлардаги сув музлаб қолмайды.

Ер усти гидрантларыда сув музлаб қолиши мүмкін,  
лекин афзал томони шундаки, улар ҳар доим яққол  
құриниб туради ва тез ишга тушириб юбориш мүмкін.  
Тұқимачилик корхоналарыда ер ости гидрантлари құл-  
ланилади.

### Үт үчиришнинг ички водопровод системаси

Тұқимачилик корхоналарыда ички водопровод жұмрақ-  
лары ишлаб чиқариш цехларыда, зинапоя катақлариды  
эвакуация қилиш әшиклари ёнда, маиший бинолар кори-  
дорларыда үрнатылади. Жұмраклар девор ёки устунларғы  
(колонна), ердан 1,35 м баландликка үрнатылиб, ёғочдан  
ясалған ойнабандланған ва қызил рангда "ПК" (пожарның  
кран) деб ёзіб құйилған жавон ичига үрнатылған бұлади.  
Жавоннинг ичига доира шаклида үраб құйилған узунлиғи  
10 ёки 20 м ли ичак ва сприскининг диаметри 13 ёки 16 мм  
бўлған ствол жойлаштирилади. Одатда бир цехда диамет-  
рлари бир хил бўлған стволлар қўлланилади. Водопровод  
жұмрагининг диаметри 51 ёки 61 мм бўлиши ва унин  
учида шланг билан тез ва зич туташтириш имконини  
берадиган ГР каллаги бўлади. Шланг билан ствол ҳам  
шундай каллак билан туташтирилади.

Жұмраклар орасидаги масофа шундай танланадыки,  
бинонинг шу қаватидаги ҳар бир нүкта иккى жұмрақ  
оқимидан чиқастанған сув билан ҳимояланған бўлиши керак.  
Бундаги сув сарфи бино учун иккита жұмрак баравар  
ишлаганда ҳар бир жұмракка 2,5 л/с миқдоридаги сув  
сарфи ҳисобидан олинади.

Корхона бўйича ёнғин пайтида бўладиган сув сарфи  
бинони ташқаридан үчириш (гидрантлар), ичкаридан үчи-  
риш (ички водопровод жұмраклари), автоматик равишда  
үтни үчириш (спринклер ва дренчер) ва бошқа сув  
ёрдамида үт үчириш воситалари орқали бўладиган сув  
сарфи йигиндисидан иборат. Умумлаштирилған водопровод  
системаларыда бу сув сарфига яна ҳўжалик маиший ҳамда  
ишлаб чиқариш зарурatlари учун ишлатиладиган сув  
сарфи ҳам қўшилади.

Ички водопровод тармоғининг сувни пастдан ва юқори-  
дан тарқатиш турлари мавжуд. Юқоридан тарқатиш турида

малайттарлар қувурлар юқориги техник қаватда ёки фермалар иштесилгі бүшлиқда жойлаштирилади. Сувни пастдан юқория тирқатиш тури эксплуатацияда ишончли ва кенг таралғандыр.

#### 4.5.4. Күпик ҳосил қылувчи ускуналар

Миньумки, ёнғин пайтида ёнаётган юзаларни қоплаш өчүн күплаб миқдорда күпик ҳосил қилиш керак булади. Бұның учун күпик ҳосил қылувчи модда (пенообразователдарни күчли босымдаги сув билан ёки ҳаво билан орнаштириш керак булади. Бу жараён маxsus узлуксиз миньумки аппараттар — күпик генераторлари ёрдамыда амалы оширилади. Күпик ҳосил қылувчи моддалар кукун үшінде булиб, одатта бирон бир кислотанинг (күпинча 0,5-1% угарт кислотасининг) тузидан ва ишқорий қисми эса шарғын бикарбонатнинг аралашмасидан ташкил топади.

Күпик генераторлари иккى түрді булиб, ПГ-50м ва ПГ-100 түрлеридір. Улар ёнувчи ва енгил аланыланувчан суюқликларни үчирипди ишлатылади ва фақат үлчомлары билан фарқланади. Масада 37-расмда ПГ-100нинг күришші берилген. Бунда күпик генераторини босим остидаги сув дыбысига улаш учун мұлжаланған штуцер 1, учлик 2, вакуум камераси 4 да сувнинг оқими туғайлы керакли сийраклашиш ҳосил пұлиши учун диффузор 3, кукунни өткізу учун металлдан ясалған түрб 6 үрнатылған, таъминловчи бункер 5, күпик чиқарувчи штуцер 7.


37-расм. Күпик генератори  
ПГ-100 схемаси.

Диффузорнинг усткі ва таъминловчи бункернинг қуи қисмінде сув бериш вақтінча ёки өткізуай тұхтатылғанда орқага қуийлеслиги ва кукунни памыламаслиги учун шарсымон клапан 8 үрнатылған. Кукун памыланса ва қотиб қолса, күпик генераторини очиб тозалаш керек булади. Сувнинг босимини назорат қилиб түриш өчүн штуцер 1 яқынига монометр 9 үрнатылади.



Кўпик генератори ПГ-100 ни икки киши бошқарали бири таъминловчи бункерга кўпик ҳосил қилувчи кукуй солиб, генераторни ишга тушириб юборади, иккинчиси ҳосил бўлаётган кўпикни аланга устига йўналтиради ичакларни буралиб қолмаслигини назорат қилиб турдаги Штуцердаги сувнинг босими монометр буйича иш босими (4—6 атм.) қўйматига етгач таъминловчи бункерга кукуй солинади. Шу иш босими остида кўпик 15 м. юқориги етказиб берила олади. Ўт учирувчи ичакнинг диаметри 75 мм бўлганда кўпик пайдо бўлиш жараёсни яхши бўлинш учун ичакнинг узунлиги 60 м дан кам бўлмаслиги керак. Кўпик генератори ПГ-100 нинг унумдорлиги секундига 100 л ни ташкил қиласди. Унинг оғирлиги 24 кг ни ташкил қиласди. Бу генератор снувчи суюқлик сақланувчи бир неча идишларни кўпик билди таъминлай олиши мумкин.

Хозирги пайтда күпик ҳосил қилиш унумдорлиги катар бүлган күпик генераторли ГПС200, ГПС600 ва ГПС2000 құлланмоқда. 38-расмда ГПС-200 күпик генераторинин схемаси күрсатылған.



38-расм. Күпик генератори ГПС — 200 схемаси. 1 — металл түр; 2 — қобиқ; 3 — конфузор; 4 — марказдан қочма пуркаги.

Күпик ҳосил құлувчи қоришка марказдан қочма пур кагиға берилади. Қоришишманинг томчилари қобиқ 2 даңында конфузор 3 орқали ташқаридан келаётган ҳаво биллигін аралашади. Бу аралашма металл түр 1 катакларидан үгінде жасалады. Атмосферада күпик қарралығы 80 га тенг бўлган күпик ҳосил қилади ва уннан ёнғин чиққан юзаларга йўналтирилади.

#### 4.5.5. Үт үчирувчи асбоблар

Үт ўчирувчи асбоблар дастлабки үт ўчириш воситаси булиб, ёнгинни бошлагич даврида, унинг кучайиб, тар қалиб кетмаслиги учун ишлатилади.

ГОСТ 12.2. 047-80 "Үт үчириши техникаси. Атама иш қоидалар" да берилишича үт үчирувчи модданинг турғы қараб қуидаги хилларга булинади:

1 — суюқлик воситасидаги (актив юзали моддалар құнандағы сүб ёки түрли химик бирикмаларнинг сувдаги өткіздігі); карбонат кислотали (суюлтирилган карбонат өткіздігі); химиявий — күпикли (кислота ва ишқорларнинг сувдаги эритмаси); ҳаво — күпликли (күпик ҳосил қилувчи моддаларнинг сувдаги эритмаси билан сиқылган карбонат өткіздігінде гази ёки ҳавонинг аралашмаси); хладонли, (галлондаптан углеводород асосидаги кукунли моддалар — бірнеше өткіздігінде сода асосидаги құруқ кукунлар); аралашма ҳолидаги (кукунлар ва күпик ҳосил қилувчилар).


2 — үт үчирувчи модданинг міңдори ва үлчамлари үничи — кам ҳажмли (ҳажми 5 л, 10 литрли), күчма ва қоми 25 л дан кам бұлмаган стационар ускуналар.

Карбонат кислотали үт үчириш асбоблары әдеб кирмаганда ҳам сна оладиган моддалардан (пахта өткіздігінде) башқа ҳар хил моддаларни үчиришда құлданади. Шу билан бирга 100 В гача кучланиш остида құлған электр ускуналарини ҳам үчиришда ишлатиш мүмкін. 39-расмда үт үчириш асбоби күрсатилған.


Суюлтирилган карбонат кислотаси пулғын баллонга жойлаштирилған бұлиб, үшіншеге бүйін қисміда пистолетсимон дүйнеден ҳамда сифон найчаси бұлади. Құқидоннинг ниппелли қисміга карбонатсимон пластмасса құвур үрнатылған. Құқидоннинг ён томоніда үрнатылған сақлончи қопқоқ баллонни портлашдан сақтап үчун мұлжалланған. Баллон үзір йили каміда бир марта синов бекімідан үтказилади.

Хозирги пайтда карбонат кислотали үт үчириш асбобларининг ОУ, ОУ — 2А, ОУ — 5, ОУ — 8, ОУ — 2ММ ва ОУ — 5 ММ маркалари чиқарылалы.


Кимиевий — күпикли үт үчириш асбоблары қаттық моддаларни ҳамда майдони  $1\text{ m}^2$  гача бұлған қуық әнүвчи моддаларни үчиришда ишлатылған. Улар билши кучланиш остидаги ускуналарни үчириб бұлмайды. 40-расмда ОХП — 10 үт үчириш асбобининг схемаси күтпірілған.



39-расм. Карбонат кислотали үт үчириш асбоби.



40-расм. Кимёвий-күпикли ут ўчириш асбоби — ОВП—10. 1—тутқич; 2—қон-тириш керак. 3—күпик чи-  
карын тешикчасы; 4—кислота тұлдирілгантайминлаш учун тешикчани кичик ми-  
ни полиэтилен стакан; 5—ишкор аралашма-  
си; 6—пұлат баллон.



41-расм. Ҳаво-  
күпикли ут ўчириш  
асбоби — ОВП—10.  
1—тутқич; 2—да-  
стак; 3—күпик  
хосил құлувчи ара-  
лашма; 5—карнай-  
симон қувурча;  
6—металл тұр.

Кавшарланған пұлат баллон ишина ишқор аралашмаси ( $\text{NaOH}$ ), полиэтилен стаканга эса сульфат кислотаси тұлдирлади. Бу икки суюқликни аралаштирип натижасида кимёвий күпик хосил булади. Буни амалга ошириш учун тутқич 1 ни қарма-қарши томонға бураб стаканниң тиқини очилади ва пұлат баллонни 1800 га тұнкарилади. Стакандаги кислота төшікчалар орқали оқиб чиқиб ишқорни аралашади ва реакцияға киришиб күпик хосил қила бошлайди. Маълумки, күпик ҳажми жиҳатидан жуда тез кенгая боради ва баллон ичида 0,08—0,14 МПа миқдорда босим хосил қиласы. Хосил бўлган күпик тешикчача 3 орқали отилиб чиқса бошлайди, уни аланга чиққан ерга йўналди.

Бу ўт ўчириш асбобида хавфсизликтен таъминлаш учун тешикчани кичик миши полиэтилен стакан: әки сим билан олдиндан тозалаб кейин ишга тушириш керак. Акс ҳолда күпик қотиб қолиб тешикчани беркитиб қўйған бўлса, босим остидаги баллон портлаб кетиши ҳам мумкин. Бундан ташқари ҳар йили пұлат баллонни 2 МПа гидравлика босимда синааб кўрилади, сўнгра кислота ва ишқор билан кайтадан тұлдирилади.

Ҳаво — күпикли ўт ўчириш асбоблари ишқорлы элементлар на электр ускуналаридан ташқари түрли моддаларни ўчиришда ишлатилади. 41-расмди ОВП-10 ҳаво-күпик ўт ўчириш асбоби схемаси берилген. Бу асбоб ёнғин юзалирини 60 карралы күпик билан таъминлаши мумкин. Ўт ўчириш асбобининг қобигиди күпик хосил құлувчи қоришка, стакан ичида эса босим остида карбонат кислотаси жойлаштирилган.

Бу асбобни ишга тушириш учун дастак 2 ни қаттиқ босилади, шу билан биргә

карбонат кислота солинган баллончанинг мембранаси тегидади. Ундан чиқаётган карбонат кислота асбоб қобиги ишади босим ҳосил қиласди, натижада кўпик ҳосил қилувчи модда сифон орқали карнайсимон оғизга чиқиб, ҳаво билан ирлашиб кўпик ҳосил қиласди.

Хладонли ва аэрозолли ўт ўчириш асбобларига карбонат кислотали — бромэтили ўт ўчириш асбоблари киради. Уларнинг заряди сифатида галлоидланган углеводородли бирикмалар хизмат қиласди (бромли итил, бромли этил, тетрафтордюромэтан ва бошқалар).

Бу, аэрозолли ўт ўчириш асбоблари транспорт воситалари ва кучланиши 380 В гача бўлган электр ускуналарида юйиди ёнгинларни ўчиришда ишлатилади.


Кукунли ўт ўчириш асбобларида ўчирувчи модда сифатида кукунли таркиблар ишлатилади. Ҳозирги пайдада ОП-1, ОП-2, ОП-2Б, ОП-8Б1 ва бошқа кукунли ўт ўчириш асбоблари ишлаб чиқарилмоқда.

ОП-1 асбобидан ташқари барча кукунли ўт ўчириш асбобларда кукун қисилган ҳаво ёки газ (азот) ёрдамида амалга оширилади.

Кукунли ўт ўчириш асбоблари ишқорий металлар, ёнгил ёнувчи суюқликлар, кучланиш остидаги электр ускуналари ёнгандан ўчириш учун ишлатилади.


#### 4.5.6. Ўт ўчиришнинг муқим (стационар) ва кўчма воситалари

Ўт ўчиришнинг кўчма воситалари аввал кўриб чиқсан иўл ўт ўчириш асбобларига нисбатан қувватли қилиб таҳсиланади. Ҳозирги вақтда карбонат кислотали ОУ-25, ОУ-80, ОУ-400 (42а-расм), ҳаво-кўпикли — ОВП — 100, кукунли ОП-100 (42б-расм) кўчма ўт ўчириш воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бир қаторда қурама, иккита тарид кўпик ҳосил қилувчи модда билан сув қоришмаси ши кукундан ташкил топган ОК-100 маркали кўчма ўт ўчириш воситаси ҳам қўлланади. У ёнгил ёнувчи ва ёнуичан суюқликларни, газ ва чўғланувчи моддаларни ўчиришда ишлатилади. Кўчма ўт ўчириш асбоблари ишлатилишида бироз ноқулайдирлар. Уларни ишга тушириш учун кўпик генераторини, кўпик чиқарувчи клапанни ечиб ёлиш, кўпик ҳосил қилиш учун ичакничуватиб ечиб олиш, баллондаги қўрғошин тамғани узиб ташлаш ва дастакни стрелка бўйича охиригача қайириш ишларини бажариш керак.



42-расм. Күчма ўт ўчиригчлар. а — карбонат кислотали; б — кукунли ОП—100 күчма ўт ўчириш воситаси. в — ОК—100 маркали құрама ўт ўчириш воситаси.

Булардан фарқли равища, мұқим ўт ўчириш воситалари ёнгинни ўчиришга доимо тайёр ҳолда бұлады. Бұ уларнинг катта афзалликларидан биридир. Ҳозирги пайтда карбонат кислотали ОСУ-5, ОСУ-5П, ҳаво-күпикли ОВПУ-250; хладонли ОС-8М, ОС-8МД, ОФ-40, кукунли ОП-250 мұқим ўт ўчириш ускуналари ишлаб чиқарылмоқда. Мұқим ўт ўчириш ускуналари құлда ва автоматик равища ёнгин ҳақида хабар берувчи асбоблар ёрдамида ҳам ишга тушириб юборилиши мүмкін. Мұқим ўт ўчириш ускунасининг ишлаш услуги 43-расмда күрсатилған.



43-расм. Муқим ўтириш ускунасининг схемаси.

Ёнгиндан ҳимоя қилиниши зарур бўлган хона 1 шифтига автоматик равишда ўтириш ускунасининг қувурлари 2, уларга ўрнатилган ўтирувчи каллаклари 3 ва ёнгин ҳақида хабар берувчи восита 4 билан хабар берувчи тармоқ улангандир.


Хонанинг бирон ерида ёнгин чиқса, ўша ердаги хабар берувчи воситага таъсир қилиб ва электр тармоғи бўйлаб бўйруқ берувчи аппарат 7 га хабар келади ва бу хабар ишро этувчи механизм орқали ишлатиб юборувчи ускуна 8 га берилади. Ўз навбатида бу ускуна ўтириш системаси 9 ни ишлатиб юборади (схемада азот тўлдирилган баллонлар кўрсатилган). Ундаги ўтириш каллаклари 3 га истиб боради. Ёнгин ҳақида хабар берувчи восита 4 ишлагач, бўйруқ берувчи аппарат 7 ёнгин ваҳимаси ҳақида хабар берувчи ускуна 11 ни ишлатиб юборади. Муқим ўтириш системасини ишлатиб юбориш, юқоридагидек автоматик равишда ҳамда 10-қўлда юргизиб юбориш бошқармаси орқали амалга ошириш мумкин.

Тўқимачилик корхоналарида аксарият юқорида зикр қилинган ўтириш тизими сув таъминоти тармоқлари билан уланган бўлади. Автоматик ўтириш тизими билан ком ашё ва тайёр маҳсулот омборлари, ийгирув фабрикаларининг саралаш, чиқиндиларни қайта ишлаш, чангли ҳавони тозалаш хоналари, тўқув ва пардоzlash фабрикаларининг маҳсулот сифатини назорат қилиш цехлари ва ғибуби маддалар кўп миқдорда тўпланадиган цех ёки хоналарга ўрнатилади.


Спринклер ускуналари. Спринклер ускуналари автоматик ўт ўчириш воситаларига мансуб бўлиб, унда хонанинг шипига сув ёки кўпик ҳаракатланувчи қувурлари ўрнатилади. Уларга маълум масофаларда штуцерлар ёрди мида спринклер каллаклари ўрнатилган. Ҳар бир спринклер каллаги 12 м<sup>2</sup> ерга мўлжалланади. Оддий ҳолатда каллакларнинг сув йўллари қопқоқ билан берк ҳолда туради. Қопқоқни снгил эрувчан металдан ясалган қулф ушлаб туради.

Спринклер каллаклари (44-расмга қаранг) штуцер I ёрдамида шипдан ўтган сув қувурларига буралиб киргизилади. Штуцернинг тесигига зангламаслиги учун бронза ҳалқа 2 буриб киритилган. Ҳалқа билан штуцер орасига ўртаси тешик металл диафрагма 3 ўрнатилган. Диафрагманинг бу тешиги шиша шарча (қопқоқ) 4 билан беркитилгандир. У эса учта ўзаро снгил эрувчан металл билан кавшарлаб қўйилган мис пластинкалари ёрдамида ушлаб турилади.

Ёнгин чиққанда, ҳаво қизиб спринклер каллагига стиб бориб, енгил эрувчан кавшарлагичга таъсир қилиб қулф 5 ни бузиб юборади. Босим остидаги сувнинг 4 қопқоқка таъсири натижасида у диафрагма 3 дан тушиб кетади ва сувга йўл очилади. Тешикдан урилиб тушаётган сув



44-расм. Ёнгил эрувчан металл қулфли спринклер каллаги. 1 — штуцер; 2 — бронза ҳалқа; 3 — металл диафрагма; 4 — шиша шарча-қопқоқ; 5 — енгил эрувчан металдан ясалган қулф; 6 — сувни сочиб берувчи розетка.



45-расм. Сув билан ўчирувчи дренчер каллаги: 1 — штуцер; 2 — сиф; 3 — сувни сочиб берувчи розетка.

төркемдік 6 га урилиб, 9—12 м<sup>2</sup> га ёйилиб тушиб, ғүрінниң ұчира бошлайды. Спринклер қулфлари 72, 93, 141, 182°C да зеріб кестишига мұлжалланған.

Дренчер каллаги. Ташқи күрініши бүйіча у спринклер каллагидан кам фарқ қиласы. Фақат унда снгил ғрунчан қулф ва қопқоқ йўқ. Шунинг учун дренчер системасы хоналарда эмас, хоналар ва бинолар орасында ғриатилади. Буларни ғынғын бир цехдан иккінчи цехга ёки бир бинодан иккінчи бинога үтиб кестаслығы учун қулланади. (45-расм)

Уларни ишга тушириб юбориш қўлда ёки автоматик рашнида иссиқлик релеларини қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Спринклер ва дренчер ускуналари узлуксиз тақомилантириб борилади. Ҳозирги пайтда уларни фақатгина сув билан эмас, балки кўпик билан ҳам ұчира оладиган, бириқаришни эса автоматлаштирилган хиллари мавжуд.

Сув билан ишлайдиган ускуналарнинг спринклер каллаглари олдидағы қувурларда сувнинг босими доимо 0,6 МПа га, кўпик билан ишлайдиган қувурларда эса 0,3 МПа га яқин бўлиши керак. Кўпик билан ишлайдиган ҳар бир каллак 17 м<sup>2</sup> га мұлжалланади. Кўпик ҳосил қилувчи мөдданинг сарфи 3,5 л/с ва ўт ұчириш вақти 10—15 мин деб олинади.

#### 4.5.7. Ўт ұчиришнинг дастлабки воситалари

Ўт ұчиришнинг дастлабки воситалари энди бошланаётгани ғынғынларни ұчириш учун ишлатилади. Улар бинонинг ичида ёки кираверишда, омборлар ёнида, қизил рангта бўялган маҳсус тахта шитларга осиб қўйилади. Бу воситаларга ўт ұчириш учун ишлатиладиган асбобар (болта, белкурек, мисранг, чангак, челак), астбест матоси ёки техник кигиз, бочкада сув, яшикда қум ва ўт ұчирувчи (кўпикли, карбонат ангидриди ва кукунли) асбоблар киради. Шу билан бирга ўт ұчиришнинг ички водопровод тизими ҳам киради.

ГОСТ 12.1. 004—85(90) ССБТ "Ёнғын хавфсизлиги. Үмумий талаблар" га биноан барча ишлаб чиқариш хоналари ва омборлар дастлабки ўт ұчириш воситалари билан тиъминланиши керак.

#### 4.5.8. Механизациялашган ўт ўчириш воситалари

Механизациялашган, яъни асосий ўт ўчириш воситалари сув насослари ва автомашиналар киради.

Сувнасослар (мотопомпалар) — умумий асосга ўрнатилган двигатель ва марказдан қочма насосдан таркиб топған агрегатдир.

Тұқимачилик саноатида асосан МП-800 ва МП-1400 маркалы ва мутаносиб равишда 800 ва 1400 л/мин иш унумдорлигига зәға бұлған сув насослари ишлатилади. МП-800 сув насоси пайвандланған снгил рама устига ўрнатилған булиб, күтариш учун дастаклар ёки ёнғин чиққан жойға ғилдиратиб бориш учун икки ғилдиракли аравача устига ўрнатилади.

Тиркамали сувнасос МП-1400 "Волга" автомобилинин түрт тактты ички ёниш двигателидан, босими катта бұлған марказдан қочма насос, ярим автомат вакуум тизими, икки ғилдиракли автомобиль тиркамаси, ёнғинга қарши ускуналар комплектти ва двигателни юргизиб юбориш учун аккумулятор батареяларидан ташкил топған.

Булардан ташқары ўт ўчирувчи моддаларни (сув, ҳаво-механик ёки химиявий күпік) етказиб бериш мақсадыда ёнғин автомашиналари ишлатилади. Уларға автоцистерналар, автонасослар, шланг-насослы автомобиллар, поездлар ва бошқалар киради.

Насосли автоцистерна шахсий составни, ўт ўчириш ускуналарини, сув зақиравини ва күпік ҳосил құлувчи моддани ёнғин чиққан срга етказиши ҳамда ичакларни водопровод тизимига уланғунча сув билан таъминлаш, сув көлтириш ва сув етказиб беришда оралиқ ҳажм вазифасини ҳам үтайды.

Автоцистерналар асосан енгил, ўрта ва оғири турлардан ташкил топған булиб, улар ГАЗ-53а, ГАЗ-60, ЗИЛ-130, ЗИЛ-131 ва Урал-375Д автомобиллари шассиларига ўрнатилади.

Үт ўчирувчи автомобилларнинг (автоцистерна ва автонасослар) асосий агрегати, марказдан қочма ёнғин насоси булиб, у сув ёки бошқа суюқ ўт ўчирувчи аралашмаларни ёнғин чиққан срга етказиб беради.

Үт ўчириш машиналари учун тұқимачилик корхоналарыда маҳсус депо қурилади. Улар магистрал йүллар ёнғига, барча обьектларига машиналар бемалол бора оладиган қилиб қурилади. Зарур булиб қолса құшни корхоналарга

Ҳам тез ёрдам бера олиши учун деполар корхонадан чиқиш  
корхоналари яқинига қурилгани маъқул. Уларнинг хизмат  
қилиши радиуси А, Б ва В тоифали корхоналар учун 2 км  
нишади. Хизмат радиуси бундан катта бўлган корхона-  
ларий қўшимча равишда ёнғин постлари қурилади.

#### 4.5.9. Тўқимачилик корхоналаридаги ёнғинларни ўчиришнинг айрим ўзига хос хусусиятлари

Ҳир қандай обьектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш  
учун ёнғинга қарши курашиб тадбирларини олдиндан  
ималга ошириш катта аҳамиятта эгадир.

Тўқимачилик корхоналарининг асосий цехларида толали  
материаллар билан таъминланганлик  $40-80 \text{ кг}/\text{м}^2$ , хом  
аше ва ярим маҳсулот омборларида эса  $180 \text{ кг}/\text{м}^2$  ни  
ташкил этади.

Тўқимачилик корхоналарининг ўзига хослиги шундан  
иборатки, уларнинг кўпгина цехларида, айниқса йигириув  
фабрикаларнинг цехларида ва тўқувчилик фабрикаларин-  
инг тайёрлов цехларида ёнувчан чанг ва момиқ кўплаб  
ажралиб чиқиб, машина ва аппаратлар, қурилиш конст-  
рукциялари ва коммуникациялар устида ўтириб қолади.  
Нигин пайтида булар орқали аланга жуда тез тарқалади  
иши хоналарнинг тутунга тўлишига олиб келади.

Аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик  
корхоналарида  $0,35-0,65 \text{ м}/\text{мин}$  бўлса; чанг ва момиқ  
хоналарга тўпланиб қолган ҳолларда  $1-2 \text{ м}/\text{минутни$   
ташкил этади. Титилаётган толали материаллар бўйлаб  
ланганинг тарқалиш тезлиги яна ҳам юқори, яъни  $7-8$   
 $\text{м}/\text{мин}$ . Тажрибаларнинг кўрсатишича, тўқимачилик кор-  
хоналари цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги  
 $8-12 \text{ м}^2/\text{минутни}$  ташкил этади.

Тўқимачилик корхоналаридаги ёнғинларнинг характер-  
ли хусусиятларидан яна бири шундаки, ёнғиннинг бошли-  
нишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб  
чиқади. Ана шу ҳароратнинг тез кўтарилиши ва қуюқ  
тутун, корхона ишчилари томонидан ёнғиннинг бошлангич  
даирада ўчириш имконини бермайди. Шу билан бирга  
кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлим-  
ларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар шу шароитда

ұтни үчириш бүйічә самаралы тадбирлар зудлик билан амалға оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашып кестади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томон лама, пухта тайёргарлик күришга мажбур қиласы. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни үчириш бүйічә тезроклик билан тузилған режа ишлаб чиқышдир.

Шароитни ҳисобға олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлған энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида зарур воситалар ва кишилар сони ҳисобланиб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилған режа чизма ҳамда мати қисмидан иборат бўлади. Чизма қисмидаги корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбалари билан биргаликдаги схемаси кўрсатилилади. Зарур бўлса, кўп қаватли биноларда ҳар бир қаватнинг режаси ва унинг қирқими илона қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши керак.

Бу режада ўт үчириш учун ишлатилиши мумкин бўлған барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт үчириш бўлимлари қайси сув манбасига ўз насосларини ўрнатиши ҳам кўрсатилиши керак.

Режанинг мати қисмидаги шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт үчириш бўлимларининг эркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалға ошириш тадбирлари кўрсатилилади. Режада ўт үчириш штабига корхона маъмурияти вакилларини жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт үчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиши аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Сиз "Тўқимачилик саноатида меҳнат муҳофазаси" дарслигида тўқимачилик корхоналарига хос бўлған хавфли ва зарарли шароитлар ва улардан муҳофазаланиш усуллари тўғрисида қисқача бўлсада маълумотга эга бўлдингиз. Албаттa, бу кичик дарсликда ҳамма шароитларни қамраб олиш қийин. Лекин ҳар бир ишчи, раҳбар ва меҳнат муҳофазаси учун мутасадди ходим корхонада хавфсиз иш шароитларини яратишга ҳаракат қилиши керак. Зеро инсон ҳаёти ва саломатлигидан қимматлироқ ва азизроқ неъмат йўқдир.

Муҳтарам китобхон! Қўлингиздаги дарслик меҳнатни муҳофаза қилишга бағишлиланган ўзбек тилида ёзилган листлабки дарсликлардан бўлгани учун, табиийки, хато ва қимчиликлардан холи эмас. Шунинг учун, муаллиф Сиз пиззлардан, китобнинг келгуси нашрларини яхшилаш ва гўлақонли бўлиши борасида ўз фикр ва мулоҳазаларигизни билдиришингизни сўрайди.

Дарсликни ёзишда қимматли фикр ва мулоҳазалари билан ҳар тарафлама амалий ёрдам берган техника фанлари номзодлари, доцентлар И. Ф. Латипов, М. З. Абдукаримова, Б. Ҳасанов ва Ф. Ёрматовларга муаллиф чин дилдан ташаккур изҳор этади. Дарслик тўғрисида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни муаллиф бажонудил қибул қиласди.

## АДАБИЁТ

1. Александров В. В. ва бошқалар. Охрана труда при ремонтных работах на предприятиях текстильной промышленности. М., "Легпромбытиздан", 1989.
2. Бектобеков Г. В. ва бошқалар. Справочная книга по охране труда в машиностроении. Л., "Машиностроение", 1989.
3. Вильфрид Лёбель ва бошқалар. Статическое электричество при переработке химических волокон. Немисчадан таржима. М., "Легкая индустрия", 1966.
4. Гинтылло В. Л. Охрана труда и пожарная техника в хлопкоочистительной промышленности. Ташкент "Ўқитувчи" 1984.
5. Кельберт Д. Л. Охрана труда в текстильной промышленности. М., "Легпромбытиздан", 1990.
6. Корстко В. П. Технология и техника опаливания суровых хлопчатобумажных тканей. М., 1977.
7. Коузов П. А., Скрябина Л. Я. Методы определения физико-химических свойств промышленных пылей. Л., "Химия", 1983.
8. Марасулов Ш. Р. Пахта ва химиявий толаларни йигириши. I, II қисм Тошкент, "Ўқитувчи" 1979, 1985.
9. Марасулов Ш. Р. ва Будников В. И. Толали материалыларнинг механик технологияси. Тошкент, "Ўқитувчи", 1971 й.
10. Меҳнат муҳофазаси тўғрисида қонун — 1993 й.
11. Оценка влияния условий труда на его производительность и эффективность производства. Справочно-методическое пособие. М., 1984.
12. Пожарная техника. Часть IV. Пожарное оборудование. Каталог-справочник. М., ЦНИИТЭССтроймаш, 1980.
13. Рахматуллаев И. Р. Номзодлик диссертацияси. Ленинград., 1980 й.
14. Смелков Г. Н. Пожарная опасность электропроводок при аварийных режимах. М., 1984.
15. Средства индивидуальной защиты работающих на производстве Каталог-справочник. М., "Профиздат", 1988.
16. СТ. СЭВ. 5236—85 Пожарная техника. Термины и определения. 1985.
17. Құдратов О. ва бошқалар. Охрана труда в шелковой промышленности. Ташкент, "Ўқитувчи". 1986.

## МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Мәжнэтни мұхофаза қилишда ҳуқуқий ва ташкилий масилалар	5
1.1. Мәжнэт ҳақида қонунчилік асослари	5
1.2. Мәжнэт мұхофазасыга амал қилинишини давлат томонидан назорат этиш	7
1.3. Мәжнэт қонунлари бузилғандаги жавобгарлықтар	11
1.4. Мәжнэт шароиттін тадқиқ қилиш	12
1.4.1. Ишлаб чиқариш жароҳатлари ва касбий касалліктер	12
1.4.2. Жароҳатлар, касбий касалліктер ва заҳарланишларнинг асосий сабаблари	13
1.5. Ісақтис ҳодисаларни текшириш ва ҳисобға олиш	15
1.6. Жароҳатларни үргайтын усуллари	16
1.7. Йўриқнома ва хавфли ишларга маҳсус рухсатнама бериш	18
2-боб. Тўқимачилик саноатида мәжнэт гигиенаси	
и) ишлаб чиқариш санитарияси	21
2.1. Ишлаб чиқариш мұхитининг микротиким шароитлари	21
2.2. Тўқимачилик корхоналари цехларини шамолллатиш	24
2.2.1. Цех ҳавоси тозалигининг мәжнэт шароитига таъсири ва зарарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган концентрацияси	
2.2.2. Тўқимачилик корхоналари цехларидан ажralиб чиқадиган асосий зарарли моддалар	27

2.2.3. Машиналардан чанг ажралиб чиқишига қарши тадбирлар	29
2.3. Тұқимачилик саноатыда чанглы ҳавони тозалаш	39
Титиш ва саваш агрегатларидан чанглы ҳавони сүриб олиш ва тозалаш	39
2.3.1. Тұқимачилик саноатыда ажралиб чиқадиган чангларнинг концентрациясини аниқлаш	45
2.3.2. Чангларнинг тасиғи	47
2.4. Цехларни ёритиш	48
2.4.1. Мекнат мұхофазасининг ишлаб чиқаришдаги ёритилғанликка бұлған талаблари	49
2.4.2. Ишлаб чиқаришдаги ёритилишининг тасиғи	49
2.4.3. Ёругликни мәсьерлаштириш	51
2.4.4. Сұнъий ёруглик	52
2.5. Тұқимачилик саноатыда шовқин ва титрашдан сақланиш	55
2.5.1. Шовқин тавсифи ва уни мәсьерлаштириш	56
2.5.2. Шовқинга қарши курашиш усуллари	63
2.5.3. Титрашни камайтириш үйлелери	72
2.6. Шахсий ұмома яоситалари	73
2.6.1. Махсус коржома ва пойабзалларға құйыладыган талаблар	74
2.6.2. Нафас аязоларининг шахсий ұмома яоситалари	76
2.6.3. Эшитиш аязоларини ұмома қилиш	78
2.7. Тұқимачилик корхоналари ҳудудларининг санитария ободончилиги	82
2.7.1. Санитария-маший хизмат бинолари	84
3-боб. Хавфсизлик техникаси асослари	86
3.1. Машина ва аппаратларнинг хавфсиз ишишінің таъминлаш	86
3.1.1. Жароқатловчы омиллар ва ҳавфли зоналар	87
3.1.2. Сигнал ранглари ва хавфсизлик белгилари	87
3.1.3. Эргономика элементлари ва иш жойини ташкил қилиш	88
3.2. Электр хавфсизлигі	90
3.2.1. Электр ғокинининг киши организмінде таъсири	91
3.2.2. Электр токидан сақланиш	95
3.2.3. Статик электрдан сақланиш чоралари	98

3.3. Босим остида ишлайдиган усукуналарнинг	
клифизилик шартлари . . . . .	99
3.4. Юқорига юк кўтариш ва ташиш ишларида	
клифизилик шартлари . . . . .	101
3.4.1. Юкларни қўлда ташиш . . . . .	101
3.4.2. Юк кўтариш ва ташишда қўлланиладиган механизмлар . . . . .	101
3.4.3. Тўқимачилик корхоналаридаги транспорт воситаларининг	
клифизилиги . . . . .	102
3.5. Тўқимачилик корхоналарда меҳнат шароитини	
клишилашнинг асосий йўналишлари . . . . .	103
4.0об. Ёнгиннинг олдини олиш тадбирлари . . . . .	107
4.1. Ёнгинга қарши ишларни ташкил қилиш . . . . .	107
4.1.1. Ёнгин муҳофазаси ишларини ташкил қилиш турлари . . . . .	108
4.2. Ёнишнинг физик-химик асослари . . . . .	108
4.2.1. Ёниш ва портлаш учун қулай шароитлар . . . . .	108
4.2.2. Ёниш фазалари . . . . .	108
4.2.3. Портлаш чегаралари . . . . .	110
4.3. Ёнгинга қарши кураш чоралари . . . . .	113
4.3.1. Ёнгин чиқиш сабабларининг таснифи . . . . .	113
4.3.2. Ишлаб чиқариш корхоналарини ёнгин хавфи	
бўйича гаснифлаш . . . . .	114
4.3.3. Ишлаб чиқариш биноларининг портлаш ва ёнгин	
клифи бўйича тоифаси . . . . .	116
4.3.4. Ёнгин ҳақида хабар бериш ва алоқа воситалари . . . . .	117
4.4. Тўқимачилик корхоналарида ёнгиннинг олдини	
олин тадбирлари . . . . .	119
4.4.1. Тўқимачилик саноати хом ашёсини ёнгин хавфи	
бўйича баҳолаш . . . . .	120
4.4.2. Толали чиқиндиларнинг ёнгин хавфи бўйича хусусиятлари .	122
4.4.3. Чангнинг ёнгин хавфи бўйича хоссалари . . . . .	123
4.4.4. Ишчиларни хавфсиз эвакуация қилиш . . . . .	124
4.5. Ўт ўчириш асослари ва воситалари . . . . .	125
4.5.1. Ўт ўчириш воситаларининг таснифи . . . . .	125
4.5.2. Ўт ўчирувчи моддалар . . . . .	125

4.53. Ёнгинга қарши сув таъминоти . . . . .	128
4.54. Кўпик ҳосил қилувчи ускуналар . . . . .	133
<b>5</b> 4.55. Ўт ўчирувчи асбоблар . . . . .	134
4.56. Ўт ўчиришнинг муқим (стационар) ва кўчма воситалари . . . . .	137
4.57. Ўт ўчиришнинг дастлабки воситалари . . . . .	141
4.58. Механизациялашган ўт ўчириш воситалари . . . . .	142
4.59. Тўқимачилик корхоналаридағи ёнгинашларни ўчиришнинг айрим ўзига хос хусусиятлари . . . . .	143
Адабиёт . . . . .	146

*Toχur Aχmedovich Faniев*

**ОХРАНА ТРУДА В ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

*На узбекском языке*

Издательство "Ўзбекистон"— 1995.  
700129, Ташкент, Навои, 30

оҳана ва тартиф шабакати  
инженерлардаги беъзи оидият  
даъвиятларни ўзганчаланади

шабакати 10 тоғиз шабака тартиф шабакати инженерлар  
даъвиятларни ўзганчаланади инженерларни ўзганчаланади  
шабакати 30,7 шабака тартиф шабакати инженерларни ўзганчаланади  
шабакати инженерларни ўзганчаланади

Оидият шабакати инженерларни ўзганчаланади "Инженерлар"

инженерларни ўзганчаланади "Инженерлар" инженерларни ўзганчаланади  
инженерларни ўзганчаланади "Инженерлар" инженерларни ўзганчаланади  
инженерларни ўзганчаланади "Инженерлар" инженерларни ўзганчаланади

4.53. Ё

4.54. К

5 4.55. Ў

4.56. Ў

4.57. Ў

4.58. М

4.59. Т

айрим ў

Адабиёт

Бадий мұхаррир Х. Мехмонов  
Техник мұхаррир М. Хұжамқұлова  
Мусаққыз С. Тоқирова

Договор 216—93

Теришга берилди 14.03.94. Босишга рухсат этилди 23.02.95. Формати  
84x108/32. "Журнальная гарнитура" терилади. Юқори босма усулида  
босилди Шартли босма табоги 7,98. Нашр табоги 7,98. Тиражи 6000.

Буюртма № 545

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий қўчаси, 30

Оригинал-макет масъулияти чесланган "Ношир" жамияти техникавий  
ва программавий воситалар базасида тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси  
Давлат матбуоти қўмитаси, Тошкент рангли босма фабрикасида  
босилди. 700128. Тошкент. У. Юсупов қўчаси, 86